
Абдумажид АЗИМ

*Шанланган
асарлар*

4 ЖИЛДЛИК
4-ЖИЛД



ҚОРА ҚУЁШ

Рус мумтоз шеърятидан таржималар

«FIRDAVS-SHOH»
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)

А37

Азим, Абдумажид

Танланган асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. Қора қуёш.
[Матн]: шеърлар / Абдумажид Азим. – Тошкент: “Firdavs-Shoh” nashriyoti. 2022. – 254 б.

ISBN 978-99-43-806-2-2

Александр Блок, Велимир Хлебников, Осип Мандельштам, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадулина. Буларнинг ҳар бири катта ва ранг-баранг овозларга эга бўлган рус шеърятининг йирик намояндалари саналади. Мазкур шоирлар XIX ва XX аср рус шеърятининг қай йўсинда кетишини белгилаган, десак асло муболаға бўлмайди. Қолаверса, уларнинг турли оқим ва мактабларга мансублиги ҳам шеърхонлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу шеърлар шоир Абдумажид Азим томонидан аслият имкон қадар сақланган ҳолда таржима қилинган.

ISBN 978-9943-8306-2-2

© Абдумажид Азим, 2022

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2022



Александр БЛОК

ЎЗИГА ХОС ШЕЪРИЯТ

Улуғ рус шоири Александр Блок (1880-1921) ўзининг қисқа ҳаёти давомида Россияда кечган муҳим воқеаларнинг гувоҳи кўрди. Ва бу воқеа-ҳодисалар унинг бетакрор ва қизғин шеъриятида ўз аксини топди. Шоирнинг ота-онаси эрта ажрашиб кетишган бўлишса-да, Блок ҳамisha отасининг «қони»ни ҳис этиб яшади. Шоирнинг онаси Александра Бекетова ажойиб адиба эди. Шоир ва онаси ўртасидаги руҳий ва маънавий яқинлик, меҳр-муҳаббат болалигидан то умрининг охиригача юрагидан ўчмади.

Ёш Александр Бекетовлар оиласида ўсди. Бу уйнинг энг яқин дўстлари, меҳмонлари – Некрасов, Тургенев, Салтиков-Шчедрин, Достоевский каби улуғ адиблар бўлиб, Бекетовлар оиласи том маънода илм, адабиёт ва санъат билан нафас оларди. Шоирнинг бобоси – Андрей Бекетов Петербург университетининг ректори, машхур ботаник олим ёз мавсумида гербарийлар йиғиш билан машғул бўлар, бу ишга кичик Блок бажонидил, фахр ҳисси билан ёрдамлашарди.

Шоирнинг адабий йўли болалиқдан бошланган. У ўн ёшда ўзининг қўлёзма журналларини нашр этган. Ўн олти ёшидан театр тўғарагига қатнаша бошлайди, аммо унга ҳеч қандай рол насиб этмаган. 1901 йилда шоирнинг символизм жанрида ёзилган “Гўзал хоним ҳақида шеърлар” номли илк тўплами чоп этилди. Шоир ижоди йилдан йилга гуркираб ўсиб борди. У шеърдан шеърга ижтимоий мавзуларни кўтара бошлади. “Шаҳар”, “Қорли ниқоб”, “Кўрқинчли дунё”, “Ватан” шеърлари шулар жумласидандир. А.Блок XX аср бошида замона-



сининг энг ёркин адабий вакиллари Фет, Соловёв, Ме-
режковский, Гиппиус, Брюсовлар билан танишди. Улар
20 ёшли истеъдодли шоирни ўз сафларига бажонидил
қабул қилдилар.

А. Блокнинг ҳаётида Петербургдаги уйлари ва Мо-
сквадан унчалик узоқда бўлмаган Шахматово қишлоғи
муҳим ўрин тутди. Ёш Блок қиш кунларини кўпинча
Петербургда, ёзни эса Шахматовода ўтказар, унинг
энг гўзал асарлари, шеърлари осойишта Шахматово
қишлоғида ёзиларди. Классик адабиёт руҳида тарбия-
ланган Александр Блокда «янги адабиёт» таъсири куч-
ли кечади. У тамомила янги, забардаст сўз санъатқорига
айланади.

Айтиб ўтганимиздек, 1917 йил инқилобини А.Блок
хайрли ўзгаришлар умидида кутиб олди. “Ўн икки” до-
стони, “Зиёлилар ва инқилоб” мақоласи ҳамда “Скиф-
лар” шеърини яратди. Ушбу асрлари билан у болше-
виклар Россиясини қабул қилганини, янги мамлакатда
яшаш ва ишлашга тайёрлигини билдирди. Бу эса янги
ҳукуматга атоқли шоирнинг номини тўла-тўқис тасар-
руф этишга имкон берди. Шоир энди ўзиники эмасди.

Блок ҳаёти унинг қалбини муҳаббат билан тўлдирган
севгилиси, кейинчалик бир умрлик рафиқасига айланган
Любовь Менделеева — атоқли кимёгар олим Дмитрий
Мендеелевнинг қизи номи билан чамбарчас боғлиқ.
Блок қолдирган улкан адабий мерос ўзининг беқиёс
гўзллиги ва теранлиги билан умумбашарий аҳамият
касб этади.



* * *

Кеча, кўча, фонус, дорихона,
Мубҳам ҳамда хира бир ёруғ.
Яша майли, чорак аср яна –
Шундоқ бўлар. Бошқа ечим йўқ.

Ўлсанг – бошдан бошлайсан ҳар гал,
Такрорланар бари устма-уст:
Тун, ярқирақ музлаган канал,
Дорихона, кўча ва фонус.



ТАНҲОЛИК

Тўнг музларни оқизарди дарё,
Баҳор эди, шамоллар увларди.
Ёнаётган каминдан шу асно,
Қора зулмат сузиб келарди.

Камин олдида у ўтирганча жим,
Изтиробдан лов-лов ёнарди.
Бургутдайин нигоҳи билан,
Совиётган кулга боқарди.

Ёнар эди шомнинг ғира-шира –
Шуъласида ўтган у кунлар.
Эски дардни кўзғаб бир сидра,
Ўйнаб жонсиз кўланкалар ила.

Танҳо, танҳо, унутгандир дунё,
Гарчи тирик, мажолсиз аммо.
Қоронғидан собиқ даҳоларга,
Бош ирғарди маъкуллаб гўё...





Қаторлашган сафма-саф дўстлар,
Совуқ турки ёвнинг ҳам шу он.
Севганлару севимли юзлар,
Сузар эди зулматда бежон...

Бари ташлаб кетди, унут бўлди,
Кутиш, қийналишга ҳожат йўқ..
Бир ҳовуч кул кўксида қолди,
Кузатишга нигоҳ-ла сўник.

Қайга учди у орзулар сўнмас,
Шўрлик идрок кимларни пойлар?
Хаёлидан ўтди ўтмиш бесас,
Ғашлантирди ноумид ўйлар...

Қалбдаги ўт сўнди ва, ниҳоят,
Тотлийди бу толиқиш бироқ.
Ғуссалару ғамларга энди,
Чидолмасди бечора юрак.

Мақтовлару шон-шуҳрат, севги,
Йўқотишлар, машаққат, азоб,
Хотиралар келдида сузиб
Шафақларни ўради шитоб.

Олов пуркаб каминдан гўё,
Мубҳам шуъла сузарди алҳол.
Оқизарди тўнг музларни дарё
Авжи баҳор, гувларди шамол.

1899

* * *

Кўрқинчлидир сен-ла учрашиш,
Ундан ёмон учрашмаслик бизга.
Мен ҳаммага ҳайрон қоламан,
Ҳаммасини дарж этиб кўзга.

6



Кўчаларда соялар изғир,
тирикми, ўликми – билмадим.
Кўтарилдим зинага бир-бир,
ортга қарашга журъат қилмадим.

Кўйишар елкамга қўлларин,
Эслолмайман исмларин ҳатто.
Яқиндаги катта мотамнинг,
Саси эшитилар кулокка.


Энкаяди хўмрайган осмон–
Ибодатхонани ўраган куюк.
Биламан: Сен бу ерда, Сен яқин,
Сен – у ёқда. Сен бу ерда йўқ.

* * *

Ухлар ўтлок, ухлайди ўрмон,
Шудрингларин тўкади осмон,
Осмонларда ёнар юлдузлар,
Сойда эса тўлқинлар гизлар,
Деразадан ой бизга қарар
Гўдакларни уйқуга чорлар:
“Ухланг, ухланг юмингиз кўзни,
Эрга акангиз уйғотар сизни.
Акажоним қўйлаги тилло,
Кумушдандир меники, илло,
Акамни кутишга бораман,
Худонинг боғига кираман,
Акам ухлар кеча қўйнида,
Жўнатганча мени ўйинга.
Сизга ширин уйқу тилайман,
Эртакларга тунни белайман,

7





Эртақларим эмасдир эрмак,
Улар сизга кўриқчи демак...
Ухланг,ухланг, ухлар далалар,
Қониб-қониб ухланг, болалар...”



З.Н.Гиппиусга

Соқов у йилларда дунёга келганлар,
Эслай олмас асло юрган йўлларини.
Биз – Руснинг дахшатли йиллари боласи–
Унутмаймиз ҳеч қачон бари-барини.

Кули кўкка совурилган йиллар!
Сизда телбаликми, умидли мужда?
Урушли кунлардан, озод кунлардан –
Қонли шуълалар акс этар юзда.

Гоҳ соқовлик– гоҳи зангула товши
Оғизни ёпишга айлади мажбур.
Қачондир ҳаяжон тошган дилларда,
Бугун фожиали бўм-бўшлик зоҳир.

Майли, бизнинг ўлим тўшагимиз узра,
Қузғунлар кўрқинчли ваҳима солсин.
Ё Раб, кимки агар муносиб бўлса,
Сенинг жаннатингга киролсин.

1914





РОССИЯ

Яна ўша олтин йиллардагидай,
Уч отли арава боғланган тасмага.
Изларин қолдирар нақшли кегай,
Ўйдим-чуқур бўлган йўлларга яна.

Россия, о, сен бечора Россия,
Ғариб кулбаларинг туюлар менга,
Шамолли қўшиқларинг туюлар менга,
Илк муҳаббатнинг кўзёшлари гўё.

Кўлимдан келмайди сенга ачиниш,
Қисматим кўтариб боргум авайлаб.
Истасанг, майлига, жодугарларга,
Ёввойи чиройинг сен ҳада айла.

Аврасин майлига, алдасин майли—
Сен йўқолмайсан, айнамайсан азал.
Фақат ташвиш-ғамлар солади соя,
Сенинг чиройингга бебаҳо, гўзал.

Нима бўпти ахир? Бир қайғу ошса, —
Кўз ёшингда сенинг дарёлар тошлар.
Сен ҳамон ўшасан—ўрмон, далалар,
Алпкелбат чинорлар қошига қадар...

Ҳамиша топилар имконсиз имкон,
Танобин тортасан йўлларни узоқ,
Чодирлар ичида ярқирар бир он,
Кўзларни куйдирган оташин нигоҳ.

Юракда жаранглар соғинч ва оғрик,
Хиргойи қилади ишвошчи бўғиқ!...

18 октябрь 1908

9



* * *

Сен айтасан, мен ухляяпман,
Хохотайсан устимдан хўрлаб.
Айтишимни юз бор:севаман,
Истаяпсан мени мажбурлаб.

Сенинг жануб овозинг иссиқ.
Қаддинг ғизол қаддидай гулфом.
Мен келганман олис ўлкадан
Қор бўронлар қутурган мудом.

Енгил рақс этасан, кушсан,
Бошларингда бўғрикқан булут.
Ҳаётимда энг гўзал тушсан,
Қор чангида кетяпсан унут...

Қўрқаяпман сени чорлашдан,
Исминг билан. Исминг не даркор?
Хавотир-ла эсламоққа қўй,
Ташна кўзларим ила бир бор.

Унутганим куёш юзингни,
Худа-беҳуд эслатган ҳар чоқ.
Учиб кетган кун, гўзал кун,
Қорли тун-ла этилмиш ҳалок.

1913





* * *

Ерда барчаси ўлар – онамиз ҳамда ёшлик,
Хотин хиёнат қилар ва ташлаб кетади дўст.
Аммо ўрган бошқа бир ширинликни ейишни,
Совуқ ҳамда қутб доирасига ташлаб кўз.

Ўз қайиғингни шайла, сузгин қутбга узоқ,
Музларнинг деворида– барини айла унут.
Унда қандай севишган, жонларини бериб гоҳ...
Яшаган ўлкаларинг соғинчини ҳам унут.

Имиллаган совуқда титраб, қақшаган кўйда
Сабоқ беришни эпла, руҳингга у – толиққан,
Ҳеч нарса даркор эмас асли унга бу ерда,
У тарафдан бетиним нурлар ёғилар экан.

1909

* * *

У ўн беш ёшда эди. Аммо уришидан
юрак – бўлоларди менга зўр қайлик.
Табассум-ла кўлим тутганим асно,
У кулди ва кетди.

Бунга анча бўлди. Ундан буён кечди,
Йиллар ва муддатлар саф-саф, бирма-бир..
Биз кам учрашардик, кам гапирардик,
Сукутимиз эди теран ва чуқур .

Зерикарли ниқоблар тўнкадай кулган,
Уни кўзларим-ла ташна кузатган.
Бир қиш кечасида, тушларга содик,
Чикдим оломонга тўла у залдан.





У ортимдан чиқди, қилиб итоат,
не бўлишин билмай лаҳзада, бирров,
шаҳарнинг қора тунини қандай кесиб
Ўтди ва бекинди: энди улар келин-куёв.

Ва совуқ, қуёшли, қип-қизил кунда,
Бутхонада кўришдик – сокин, саришта.
Англадик сукут йилларини бир зумда,
Ва неки рўй берди, – рўй берди аршда.


Бу узоқ кисса билан, эзгулик изланган,
Тўлиқдир зерикарли, куйчан юрагим.
Мен бу қўшиқлардан яратдим бино,
Бошқа қўшиқларни – айтарман кейин.

1903

* * *

Қари атиргулларни
Элтаман, ёлғиз.
Қор ва изғиринда,
Йўлим кўп олис.
Ва ўша сўқмоқдан,
Қилич-ла елкасида,
У келади ортимдан,
Қоп-қора плашчда.
У келар ва билади,
Эзилгандир қор.
У ёқларда ёнмоқда,
Шафақ сўнгги бор.
Чора йўқ ҳеч қачон,
Тун оқар зимдан.
Озодлик бундан буён,
Келмас ортимдан.
Кечикдим, ва қайдан,





Изларман бошпана?
Фақат атиргулларга
Қор ёғар, бетин.
Фақат қонли кўзёшга
Қор ёғар, лекин.
Қийноқ, изтиробда,
Беролмам ёрдам.
Аямай гулларни
У топтайди қорда.
1908 (1914)

* * *

Мен чиқмайман халойиқ олдиға,
Ҳақорат, мактовдан кўрқаман бугун.
Фақат битта Сенга берарман жавоб
Бир умрга жим юрганым учун.

Жим юрганлар, ҳа, тушунарли улар,
Гапирганларга ҳам асло ғашим йўқ.
Сўзларнинг ортида – шовқин гувиллар,
Уйғонади ҳаётбахш ул Рух.

Таний олмас биров менинг юзимни,
Мен чиқарман сукунат тантанасида.
Аммо менда – сирли, яширинган илм,
Сенга чексиз-чексиз севгим ҳақида.

1903



* * *

–Халқда тинчлик, хотиржамликми,
–Йўқ. Император ўлдирилди бизда.
Кимдир янги озодлик ҳақда,
Гапирмоқда майдонлар узра.

–Ҳамма шайми кўтарилишга,
–Йўқ. Кутишар қотганича тош.
Кимдир буйруқ берган кутишга,
Куйлашмоқда дайдишиб бебош.

–Ким кўйилди ҳокимиятга,
– Ҳокимиятни хоҳламайди халқ.
Кимдир келар, эшитилмоқда,
Фуқарода кучаймоқда шахт.

–Ким бўлди у, халқни тўхтатган.
–Авом, разил ҳамда кисовур.
Черков эшигида кўриб руҳоний,
Бўлиб қолди бир лаҳзада кўр.

Ўпқонларга томон у тубсиз,
Одамларни сурди подадек.
Кўпол, темир ҳассаси билан,
–О, Худойим! Бу ердан қочдик!





* * *

Узоқлардан келтирди шамол,
Баҳорнинг шан кўшиқларини.
Қайлардадир ёруғ, безавол,
Осмон очди илиқ бағрини.

Кўм-кўкликда бундайин тубсиз,
Баҳорлардан сўйлар осмонлар.
Тарқаб кетди юлдузлар туши
Йиғладилар қишки бўронлар,

Камтарона, билмасдан малол,
Йиғладилар торларим титроқ.
Узоқлардан келтирди шамол,
Сенинг кўшиқларингни янгроқ.
29 январь 1901

* * *

Уйғонаман туманли тонгда,
Кўзларимга урилар қуёш.
Сенми асли кўнгил истаги,
Чиқарсанми эшикка пешвоз?

Оғир дарвозалар ланг очик!
Деразада шамол хур-хури!
О, бундайин шодон кўшиқлар,
Эшитилмас анчадан бери!
Улар билан туманли тонгда
Қуёш, шамол урилар юзга.
Улар билан кўнглим истаги,
Чиқиб келар эшик олдиға.
1901 октябрь



* * *

Тушга кирар хаёллар шодон,
Тушда кўрдим, эмасман ёлғиз...
Кўз очсам, шовқин эрта тонг
Синар эди қарсиллаган муз.

Мен ўйладим ушалган мўъжиза...
У томонда эса болталар қайраб,
Қувноқ қизил юзли одамлар,
Гулханларни ёқдилар яйраб:

Қатронладик оғир қайиқни...
Олиб кетди дарё узоққа
Қўкимтир муз ҳамда тўлқинлар,
Эшқак синигин ҳам у ёққа.

Сархушланиб қувноқ шовқиндан,
Юрак тўлар ҳаяжонга, бас...
Сенга ҳамроҳ –баҳорги ўйлар
Мен биламан, Сен ёлғиз эмас.. .

1903 11 март

* * *

Яна – ёшлик йиллари шўхдир,
Қуч тошади, ва фикрлар турфа.
Аммо бахт бўлмаган – ва, йўқдир,
Менда бунга йўқ зинҳор шубҳа!

Ҳали йиллар айёр, доғули,
Таъқиб этар мисоли соя.
Аммо бутун чиқолсанг– унда
Мўъжиза юз берар, ниҳоят,



Ва ниҳоят, гувоҳ бўласан,
Асли даркор эмас эди бахт.
Етмас ярим ҳаётингга ҳам,
Орзуларинг бўлмай ижобат,

Қирғоғидан тошиб бормоқда,
Ҳаяжонинг жом- идишда.
Меникимас барчаси, бизники,
Ва дунё-ла боғланди ришта.

Фақат майин табассум билан
Сен оларсан ҳаммасин эсга.
Болаликнинг маъсум орзусин,
Кўникканмиз бахт деб аташга!

19 июнь 1912


* * *

Кўчада – ёмғир ва шилта лой,
Билмайсан, нимага куйишни.
Билмайсан, ва келар йиғлагинг,
Кучингни қаерга қўйишни.

Соқов азоб бесабаб ҳеч бир,
Унутмассан аччиқ ўйларни.
Кел, ўтинни майдалаб бир-бир,
Қайнатайлик биз самоварни!

Шояд тетиклашса шу чойдан,
Менинг минғиллаган сўзларим.
Тасодифий шодлик-ла иситса,
Сенинг чарчок, мудроқ кўзларинг.





Садоқат-ла эски удумга ғоят!
Шошилмасак ҳеч яшаш учун.
Олиб кетса ғуссамиз шояд,
Чойга қонган руҳимиз букун!

* * *

Шукур дейман, не ўтди демак,
Яхши тақдир изламай қўйдим.
Сен қанчалар севдинг, эй, юрак,
О, ақл сен қанчалар куйдинг.

Майли, бахт ва изтироблар,
Ўз аччиқ изини қолдирди.
Қучли бўрон, узоқ зерикишда
Йўқотмадим аввалги нурни.

Сен-чун азоб чекдим не учун,
Кечир мени. Қисматимиз – бир.
Тилда айтмасанг-да, барчасин
Юзларингдан англадим ахир.

Синчковлик-ла боқади кўзлар,
Юрак урар бетин, бардавом.
Қорли туннинг совуқ қаърида,
Этар экан йўлида давом.

15 январь 1912





* * *

Майлига, мен яшадим, севмай,
Буздим майли, қасамимни ҳам,
Ҳаяжонга соларсан эркама,
Қаерда мен сенга дуч келмай!

Зерикарли, туссиз бу яшаш,
О, бу қўллар узоқ- узоқда,
Гўзаллигинг яшар нигоҳда,
Азобинг ҳам висолга ўхшаш.

Менинг якка-ёлғизлигимда,
Бўм-бўш уйда, совуқ изиллаган,
Уйқуда, ҳеч озод бўлмаган,
Ташландиқ уй кирар тушимга.

Тушга кирар лаҳзалар бир-бир,
Тушар ўтмиш йиллар ёдимга...
Кетмас бари кўзим олдидан,
Сен ҳақингда ўйларим оғир.

Истамайман – чорламасин ким,
Беҳаловат бу майинликни.
Афзал кўриб ишончсизликни –
Изларингдан судраламан жим.



* * *

Кундагидек, ёруғ, аммо тушунарсиз,
Бари ўнгда, аммо – туш парчасидек.
У келади тушунарсиз сўз билан
Ва ортидан келар – ҳамиша баҳор.

Ўтиради ва валаклайди, мана,
Жаҳлим чиқаришни хуш кўрар.
Барин биламан, деб қилади шаъма,
Олов-оташида эса бўрон уфурар.

Аммо жиддий тингламасдан мен,
Эҳтиросли гап-сўзларин гоҳида.
Кузатаман, қандай кенгаяр хавотир,
Кўзлар чақнаши, елка титроғида.

Қачон етиб борар юракка сўзлар,
Ва маст этар унинг руҳини.
Ва севаман кўзи, елкаларин,
Худди баҳор, худди шеър каби.

Ялтираб кетади совуқ узуклар,
Ва у ўз гапларини тўхтатиб, ёвуқ.
Тасдиқлайди, зеро, эҳтирос кучи–
Ҳамиша ожиздир ақл олдида совуқ!.

20 февраль 1914





* * *

Кеч кузакда айни гаван* да,
Ерлар оппоқ қорга бурканган.
Навбатдаги сузишга яна,
Жўнар оғир кемалар бирдан.

Осмонларга турар чўзиб бўй,
Сув устида кўтарма кран.
Чайқалади биттагина фонус,
Қирғоқ узра қорга ўранган.

Бортга кўйилмаган денгизчи,
Судралади бўронда бу пайт.
Бари тамом, тугатди ичиб!
Етар энди – тоқ бўлди тоқат.

Хувиллаган бўм-бўш гаванда,
Биринчи қор гупиллайди боз...
Топ-тоза, ва майин кафанда,
Ухлаш сенга яхшими, матрос?

1909

* * *

Ғамгин кўшиқларни сўраманг,
Изтиробу ғуссалар нечун?
Бунча гўзал май куни, қаранг.
Кўнгилларда шукрона бугун.

Ғусса чекмоқ – бекор ўтган вақт,
Яшанг, ҳаёт берилмас тақрор.
Ғамли кўшиқ зил юқдир фақат,
Кўтаролмас бу юкни баҳор.

1898

* гавань – бандаргоҳ.



ЗАМОНАСИГА СИҒМАГАН ШОИР

Ҳамма замонларда ҳам ҳақ сўзни айтиш осон бўлмаган. Халқнинг виждонига айланиб, ҳамиша бошини кундага қўйишга тайёр адибларгагина бу насиб этади. XX аср бошларида яшаб ўтган атоқли рус шоири Осип (Иосиф) Эмильевич Мандельштам ана шундай жасоратли, жафокаш шоирлардан эди.

Осип Мандельштам 1891 йил 2 (14) январда Варшавада яҳудий оиласида таваллуд топган. Отаси Эмилий Вениаминович қўлқоп ишлаб чиқариш бўйича биринчи гилдия савдогари, онаси Флора Овсеевна мусиқачи бўлган.

Оила 1897 йили Петербургга кўчиб ўтади. Осип XX аср бошларида Россия “маданият кадрларининг ўчоғи” саналган Тенишев билим юртида ўқийди. 1907 йили Санкт-Петербург университети физика-математика факультетига ариза топширади. Аммо ҳужжатларини қайтариб олиб, октябрда Парижга отланади. 1908–1910 йиллари Сорбонна ва Гейделберг университетларида таҳсил олади. Сорбоннада шоир ўз даврининг етакчи олимлари А.Бергсон ва Ж.Бедье маърузаларини тинглайди. Николай Гумилёв билан кўришади. Франсуа Вийон, Бодлер ва Верлен каби француз шоирлари ижодини ўрганади. 1911 йили оила бизнеси банкрот бўлиб, Осипнинг Европада ўқишига имконият қолмайди.

Шоир 1911 йили Петербург университети тарих-филология факультети роман-герман бўлимига кирди ва танаффуслар билан (пала-партишлиги туфайли) 1917 йилгача ўқийди. Шу даврда Александр Блок, Анна Ахматова каби “кумуш аср”нинг буюк шоирлари билан яқинлашади. Гумилёвлар оиласида тез-тез меҳмон бўлади.





Шеърлари илк бор “Аполлон” (1910 йил 10-сон) журналида эълон қилинган. “Гиперборей” ва “Янги сатирикон” журналлари ҳам шоир ижодидан берган. 1912 йил охирида акмеистлар гуруҳига қўшилади. Шеъррий изланишлари биринчи китоби – “Тош”да ўз аксини топади.

Октябрь инқилобидан кейин газеталарда, маориф халқ комиссарлигида ишлайди. 1919 йили Киевда бўлажак рафиқаси Надежда Яковлевна Хазина билан танишади. Фуқаролар уруши пайти хотини билан Россия, Украина ва Грузия бўйлаб тинимсиз кезади. Қримда оқ гвардиячилар томонидан қамоққа олинади. Хорижга чиқиб кетиш имкони бўлса-да, Осип Мандельштам советлар Россиясида қолишни маъқул кўради. Грузияда меньшевиклар ҳукумати иккинчи марта қамоққа олганида яқин танишлари аралашуви билан ҳибсдан қутулиб, Москвага келади.

1922 йил 9 мартда Надежда Хазина ва Осип Мандельштам никоҳдан ўтишган (ушбу ҳужжат 2019 йили Киев шаҳар архивидан топилди). Шу йилларда у яна бир забардаст ижодкор Борис Пастернак билан танишди. Биринчи жаҳон уруши ва инқилоб даври шеърлари (1916–1920) Берлинда нашр этилган иккинчи китоби – «Tristia» (“Ғамгин элегиялар”)га киритилди. 1923 йили “Н.Х”га бағишланган (рафиқаси назарда тутилмоқда) “Иккинчи китоб” нашрдан чиқди. 1922 йили Харьковда “Сўз табиати ҳақида” рисоласи нашр этилди.

1925 йил май ойидан 1930 йил октябрига қадар “Давр шовқини” насрий китоби ёзилди. Тирикчилик ўтказиш учун шеъррий таржималар қилди. 1928 йили ҳаётлик пайтидаги охирги тўплами (“Шеърлар”) ҳамда сара мақолаларидан иборат “Шеърят ҳақида” китоби нашр этилди. 1930 йили “Тўртинчи проза” устидаги ишни якунлади.





Осип Мандельштам бошида хатарли булутлар айлана бошлайди. Сталиннинг яқин сафдошларидан Н.Бухарин бундай қалтис вазиятда уни Арманистонга кетишга кўндиради. Эриванда назарийчи биолог Борис Кузин билан танишиб, қалин дўстлик ришталари боғланди. Хотини Надежда Хазина: “Бу учрашув учаламиз учун ҳам муҳим бўлди, – деб хотирлайди. – Унингсиз бу шеърлар балки ёзилмасди, деб айтарди Ося кўпинча”. Кейинроқ шоирнинг ўзи Кузин ҳақида шундай дейди: “Янги насрим ва кейинги барча асарларим унинг шахси билан боғлиқ, адабиётга етук Мандельштамнинг кириб келишида фақат ундан қарздорман”. Арманистон, Сухум, Тифлис сафаридан сўнг Осип яна шеър ёзишга қайтди.

1930 йиллар бошида шоирнинг ижоди ғоятда гуллаб-яшнади. Мандельштам номи ВКП(б) МК сиёсий бюроси маданият соҳаси куратори Л.М.Каганович тузган атоқли совет адабиётчилари рўйхатига киритилди. Инқилобдан сўнг нашриётларга топширган китобларининг 10 тасидан 8 таси чиқди. Лекин у янаям кўпроқ асарларга шартнома тузиб, бўнак (аванс) пулларини олиб қўйганди. Кейин қайтаришнинг имкони бўлмади. 1924–1931 йилларда Мандельштамлар оиласига озик-овқат, кийим олиш учун махсус паёк берилганди, Кремль шифохонасида даволаниш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Италян тилини мустақил ўрганиб, “Илохий комедия”ни аслиятида ўқиб чиқди. Машҳур “Данте ҳақида суҳбат” эссеси 1933 йили қоғозга тушди. “Литературная газета”, “Правда” газеталарида ва “Звезда” журналида шоирни қораловчи мақолалар эълон қилинди. У эса шу йил ноябрда Сталинга қарши эпиграммасини ёзди. Бу шеър билан санокли одамларгина таниш бўлган. Борис Пастернак эса “ўз жонига қасд қилиш” деб атаган.





Икки шоир кўчада сайр қиларкан, хилват бир гўшага бориб тўхташади. Мандельштам Кремлда ўтирган тоғлик (Сталиннинг қаердан эканига ишора) ҳақидаги эпиграммасини ўқийди. Пастернак норозиланиб, шеърнинг адабиётга, шеърятга дахли йўқлигини таъкидлайди: “Адабий ҳодиса эмас, ўз жонига суиқасд қилишдир. Ва буни маъқулламайман, иштирокчи бўлишни истамайман. Сиз менга ўқимадингиз, мен ҳеч нима эшитмадим. Бошқа ҳеч кимга ўқимаслигингизни сўрайман”.

Кимдир Мандельштамни сотади. Ҳибсга олиш ордерини шахсан НКВД бошлиғи (СССР Ички ишлар вазири) Ягода имзолаган. “Тинтув тун бўйи давом этди. Шеърни қидириб сандиқдаги кўлёмаларни ағдартўнтар қилишди. Биз ҳаммамиз битта хонада ўтирардик. Сув қуйгандай жимжит эди. Девор ортида, Кирсановникида гавайи гитараси чалинарди. Терговчи ниҳоят ўша машғум нарсани топди ва О.Э.га кўрсатди. У жимгина бош ирғади”, деб эслайди Анна Ахматова.

Сўроқ пайтида шоир мазкур шеърини кимларга ўқиган бўлса, ҳаммасини айтиб берди, бироқ улардан ҳеч бири терговга тортилмади. 1934 йил 26 майда уч йилга Чердин (Пермь области)га сургун қилиш ҳукми ўқилди. 3 июнда эр-хотин белгиланган жойга етиб боради. Мандельштамни бир муддат касалхонага ётқизишади. Бўлган воқеалардан ўзини йўқотиб қўйган шоир жонига қасд этиш мақсадида деразадан ташлайди.

5 июнда Надежда Яковлевна барча совет идоралари ҳамда танишларига, жумладан, Николай Бухаринга ҳам хат йўллайди. У Сталинга шундай ёзади: “Шоир Мандельштам тўғрисида. Яқинда қамоққа олинган ва сургун қилинган. Ҳибсдан илгарироқ хотини билан олдимга келиб, Алексей Толстой билан уришиб қолганидан ташвишда эканини айтган эди... Энди унинг





хотинидан хавотирли хатлар оляпман. Унинг ёзишича, шоир жуда безовта, ҳатто жонига қасд қилишга уринган. О.Мандельштамга берадиган баҳойим – биринчи даражали шоир, аммо замонга мутлақо мос эмас; эс-хуши унча жойидамас ва ўзини ғоятда ҳақоратланган ҳис этмоқда... Бу ҳақда сенга ёзишга қарор қилдим... Р.С.Мандельштам ҳақида яна ёзяман, негаки Борис Пастернак ҳам Мандельштамнинг ҳибсга олинганидан жуда ҳайрон”. Сталин сафдошининг хатига куйидаги резолюцияни кўяди: “Ким уларга Мандельштамни камашга ҳуқуқ берди? Бемаънилик!..”.

Сталин Пастернакка Мандельштам иши қайта кўрилаётгани ва ҳаммаси яхши бўлишини айтади. Сўнгра нима учун ёзувчилар ташкилотига ёки ўзига мурожаат қилмагани тўғрисида тўсатдан сўраб қолади. “Агар мен шоир бўлганимда ва дўстим бошига шундай иш тушганида унга ёрдам бериш учун ҳатто деворга ҳам осилиб чиқардим”, дейди. Пастернакнинг жавоби эса куйидагича бўлади: “Ёзувчилар ташкилоти 27-йилдан буён бундай иш билан шуғулланмайди, агар мен ҳаракат қилганимда сиз бу ҳақда билмаган бўлардингиз...”.

Сталиннинг аралашуви билан Мандельштамга сургунда яшаши учун манзилни ўзи танлашига рухсат беришди. Оила Воронежга кўчиб ўтиб, муҳтожликда кун кечира бошлади. Журъатлироқ, оқибатлироқ дўстлар аҳён-аҳёнда пул жўнатиб туришарди. Шоир машҳур “Воронеж дафтари” шеърий туркумини яратди. Дарвоқе, сургун йилларида Сталинни улуғловчи ода (қасида) ҳам битди.

1937 йили сургун муддати тугади. Москвага қайтишди. Аммо “хушёр” амалдорлар унга бир нафас ҳам тинчлик бермасди. Жумладан, СССР Ёзувчилар уюшмаси котиби Владимир Ставскийнинг Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов номига ёзган аризасида





“Мандельштам масаласини ҳал қилиш” таклиф этилган ва унинг шеърлари “ахлоқсиз ва тухматдан иборат” дейилганди.

1938 йил 1 майдан 2 майга ўтар кечаси Осип Эмильевич Москва областидаги Саматиха сиҳатгоҳида даволанаётганда охирги марта ҳибсга олинди. Дастлаб НКВДнинг ички турмасига ташлашди, кейин Бутиркага ўтказишди. 20 июлда эса айблов хулосаси тасдиқланди.

Айблов хулосасига кўра, Осип Мандельштам жазони ўташ даврида Москвада яшаш тақиқланганига қарамай, тез-тез келиб турган. Танишларининг уйига кўниб, ўзини “ғариб” ва хаста кўрсатиб, жамоатчилик фикрига салбий таъсир этишга уринган. Адабиётчилар орасидаги антисовет унсурлар ўз ғаразли мақсадлари йўлида бундан фойдаланиб, ундан “жафокаш” ясаб ёзувчилардан пул йиғишни уюштиришган. Қамокда пайтида халқ душманлари Стенич ва Кибалчич билан яқин алоқада бўлган. Тиббий кўрикда Мандельштамга бемаъни ўй-хаёлларга мойил телба деб хулоса берилган. У антисовет ташвиқот олиб боришда, яъни РСФСР ЖКнинг 58–10-моддасида кўзда тутилган жиноятда айбланади. Айблов бўйича иш НКВДнинг Алоҳида кенгаши (ОСО)да кўриб чиқишга тақдим этилади.

2 август куни НКВДнинг Алоҳида кенгаши Осип Мандельштамни мажбурий меҳнат лагерига 5 йилга ҳукм қилади. 8 сентябрда Узоқ Шарққа жўнатилади. Шоир Владивостокдаги тақсимлаш лагерига укаси ва аёли номига куйидаги сўнгги хатини ёзади:

“Азизим Шура!

Мен Владивосток, СВИТЛ, 11-баракда турибман. ОСО ҳукмига кўра, 5 йил муддат олдим. Москвадан, Бутиркадан 9 сентябрда жўнадик, 12 октябрда етиб келдик. Соғлигим жуда ҳам ёмон. Ўта ҳолдан тойганман. Таниб бўлмас даражада озиб кетдим. Аммо бирор нарса,





озиқ-овқат ёки пул юборишнинг йўли борми, билмайман. Ҳарқалай, уриниб кўринглар. Юпун кийимда жуда совқотяпман. Азизим Надинка, билмадим – тирикмисан-йўқми? Шура, менга ҳозироқ Надя ҳақида ёзиб юбор. Бу ер тарқатиш пункти, мени Колимага жўнатишмади. Шу жойда қишлашимиз мумкин.

Азизларим, сизларни ўпиб қоламан.

Ося.

Шуражон, яна ёзаяпман. Кейинги кунлари ишга чикдим, бу кайфиятимни кўтарди.

Бизнинг лагер орқали маҳкумлар доимий манзилига юборилади. Мен, чамаси, “элак”дан ўтдим. Қишга тарадди кўришим керак.

Илтимос: менга радиограмма ва телеграф орқали пул жўнатишлар”.

1938 йил 27 декабрда ҳали 48 ёшга тўлмаётган Осип Мандельштам жўнатув лагерида тепкили терламага чалиниб вафот этади. Ер қалин муз бўлгани боис шоирнинг жасади бошқа марҳумлар қатори кўкламгача дафн этилмади. Баҳорда ҳамма жасадлар тўпланиб, битта чуқурга кўмиб юборилди. Шу боис ҳалигача қабри номаълум. Унинг ўлими тўғрисида гувоҳнома 1940 йили укаси Александрга топширилди. 1938 йилги маҳкама бўйича 1956 йили, 1934 йилги муҳкама бўйича эса 1987 йили оқланди.

Осип Мандельштамнинг ижодий мероси сақланиб қолишида аёли Надежда Яковлевна, Сергей Рудаков, Наталья Штемпель деган инсонлар катта жасорат кўрсатди. Қўлёзмалар ертўлада, кострюл ичида, чордоқда бегона кўзлардан асралди.

Анна Ахматова замондош шоирлар орасида фақат Осип Мандельштам ижодидаги поэтик ўзига хосликдан бекиёс даражада ҳайратлангани айтилади. Француз файласуфи Ален Бадью “Шоирлар асри” мақоласида уни



XX асрнинг олти файласуф шоири – Малларме, Рембо, Тракль, Пессоа ва Целан қаторига қўшади. Владимир Набоков эса “Сталин Россиясининг ягона шоири” деб атайди.

* * *

Буғдой заҳарланди, бўғрикқан хаво,
Мушкулдир даволаш ярадор танни.
Юсуф Мисрга сотилган, аммо
Соғина олмайди олис Ватанни.

Юлдузли осмон остида бадавийлар,
Кўзларини юмиб отлар устида.
Тўқишади эмин -эркин чўпчаклар,
Машаққатли ўтган бу кун ҳақида.

Кўп нарса керакмас илҳом учун,
Кимдир садоғини йўқотар кумда.
Воқеа – отини алмаштирди ким
Тарқалар туманликлар зумда.

Кўксингни тўлдирган ҳолда, ниҳоят,
Куйласанг юракдан, агарда чиндан.
Бари йўқолади– қолади фақат,
Биёбон, юлдузлар ҳамда хонанда.

1913



* * *

Руҳим бунча куйчан не боис,
Шунча камёб номлар кадрдон.
Лаҳза маром – фақат тасодиф,
Кутилмаган каби Аквилон*?

У кўтарар булутлар чангин,
Шалдирайди қоғоз варағидай.
Ва умуман қайтмайди – ёхуд
Қайтса қайтар бутунлай қайта.

О, Орфейнинг чексиз шамоли,
Сен кетасан денгиз юртига –
Яратилмаган оламни ардоқлаб,
Унутарман кераксиз “мен”ни.

Ёлғон чангалзорда мен адашдим-ку
Ва ҳаворанг ғорни очдим ланг...
Ҳақиқийман, айтинг наҳотки
Ўлим келар наҳотки чиндан?

1911

* Аквилон –шимол шамоли

Йўқ қилинган шеърлардан парчалар

1

Аср туғилгандан буён,
ўттиз биринчи йилда.
Мен қайтдим, йўқ
–ўқи: зўрлик билан
Қайгарилдим
Будда Москвасига.
Бундан олдин эса
ҳар қалай кўрдим
Инжил дастурхони билан
Тўкин, бой Араратни
Ва икки юз кунимни
Ўтказдим Ҳаястон отли,
Шанбалар юртида.
Истасанг ич –
Унда шундай сув бор,
Курд булоғидан Арзни.
Яхши, муздай, сув жуда,
Ва энг ҳаққоний сув.


2

Москов қонунларин энди севаман,
Соғинмасман Арзнинг сувларин ортиқ.
Москвада шумурут ҳамда телефонлар,
Ва кунлар номини олган қатллар.

3

Яшашни истасанг,
жилмайиб боқасан
Московнинг буддавий кўкмак сутига.
Кўз остидан кузатасан
Турк ноғорасини,
Қачон орқага
у кизил йўлларда
йўртиб боради.





Фуқаролар дафнидан
Ёки учрайсан
Ёстиқлар юк карвони
Ва дейсан:
“Ғоз ва окқушлар уйга!”
Фарқлаб ўтирма,
Қадрдон кодакни бос.
Чунки кўзларинг–
Хушомадгўй кушларнинг,
Кўз гавҳари,
Аммо шиша эмас!
Кўз гавҳари
Кўпроқ ёруғ нурлар –
Яна,яна! Кўз пардасин оч!

4

Мен энди боламасман,
Сен қабр,
Букрига ўргатма – жим бўл!
Мен ҳаммага шундай гапираман,
Танглайим осмон бўлсин, лабларим
Қизил лой каби ёрилиб кетсин.

6 июнь 1931





* * *

Ҳеч кимсага чурқ этма,
Унут, не кўрган бўлсанг –
Қуш, кампиршо ё турма,
Ёки бошқа не билсанг.

Ё сени ўраб олар,
Очсанг магар дудоғинг.
Кун кириб келишида,
Арча ҳиди титроғи.

Эслайсан арини боғда,
Болалар қаламдонин.
Қорағатни ё ўрмонда,
Сен термаган ҳеч қачон.

Октябрь 1930, Тифлис

* * *

Квартира жимжит, қоғоз мисоли,
Хувиллаган, ҳеч бир ҳашам йўқ.
Эшитилар, сувнинг қулқиллагани –
Батарея қувурларида – суюқ.

Бор бисотим бари-бари жойида,
Телефон – бурчақда тош қотган бақа.
Жанда-жундалари кўзга кўринган,
Кўчага чиқишни истар ҳар даъфа.





Деворлар-чи, юпкадир ҳаддан зиёд,
Кочишим фойдасиз, қанча ўйлайман.
Мен бир нодон, ўз-ўзимни хўрлаб
Кимлар нағмасига мажбур ўйнайман.

Халфана китобларни олиб ўқийман,
Кўпикдай маърузаларни тутаман.
Кўрқинчли аллаларни тўқийман,
Қулоқ(1)лар чойидан хўплайман.

Қандайдир бир ҳалол сотқин,
Тозаланиб пишган, худди туздай.
Аёл ва болаларнинг соҳиби,
Куяларни ўлдиради шундай.

Ва шунчалар укубатли ёвузлик,
Яширинган ҳар бир имога.
Аямасдан михларни қоққан,
Бу ерга Некрасовнинг болғаси.

Қани сен-ла, кундадаги мисол,
Бошлайлик етмиш йил олдиндан –
Сенга, қария ва искирт чолга,
Этик тақиллатиш вақти келган.

Ва Ипокрен булоғининг ўрнига,
Азалий кўркувлар оқими бесўз.
Сохта деворлардан киради ошиб,
Москванинг уйларига ёвуз.

Ноябрь 1933





ФАЙТУНЧИ

Олисдаги довонда – юксак,
Мусулмонлар яшаган ерда.
Биз ўлим-ла базм этдик бешак–
Тушдагидек кўркинчли жуда.

Тушган эди бизга файтунчи,
Майиздайин офтобда куйик.
Иблис мардикоридир худди,
Сокову гунг, кобоғи уйик.

Гоҳ томоқда бақирар араб,
Ҳов, деб кўяр маъносиз гоҳо.
Атиргул ё қурбақасимон
Ўз юзини асрарди аммо.


Тери остидаги ниқобда
Яширганча феълини ёвуз.
Аравани чоптирар қайга,
Хирилларди отларда бўғиз.

Кетар эдик силкиниб, чопиб,
Тоғда пастга тушмоқлик қайда.
Тўдалашиб турар файтунлар,
Учраган ҳар карвонсаройда...

Кўзим очдим: биродар тўхта!
Жин урсин у, эсимда қолган!
Ўлат теккан раис бу ўша,
Отлар билан адашиб қолган.

Тоғли Қорабоғда шу алпоз,
Йиртқич шаҳар Шушада ўша.
Не кўркинчлар учрамади боз,
Табиатимга уйқош жуда.





Қирқ мингта ўлик дераза,
Кўринади унда ҳар ёқдан.
Уюм-уюм жонсиз пилла қурт,
Дафн этилган худди шу тоққа.

Ва уялмай қизариб борар,
Қип-яланғоч уйлар бу пайт.
Улар узра қораяр осмон,
Қоп-қора ва кўкимтир ўлат.

Июнь, 1931

* * *

Тўпланишди эллинлар урушга,
Саламин номли оролга, гўзал,—
У, олинди душманлар кўлидан
Афина гаванидан кўринар ял-ял.

Энди эса дўстларимиз — ороликлар
Жиҳозлайди бизнинг кемаларни,—
Аввал севишмасди англизлар
Европанинг бундай гўзал ерларин.

О, Европа, янги Эллада,
Акропол ва Пирейни асра!
Бизга керак эмас оролдан совға,—
Чақирилмаган кемалар тўдаси.

1916





* * *

Киприкларим санчилар, қайнайди кўксимда ёш,
Ҳис этаяпман кўркувсиз, бўлар момақалдиروق.
Шошираяпти мени, нимани унутмоққа
Ҳаво дим – ўлимгача яшагим келар, биров.

Биринчи овоздан сўнг кўтарилиб катдан,
Ёввойи ва уйқули назар ташлаб атрофга,
Мана, соқчи кўшиғин бошлайди тунду дағал,
Қамокҳона узра тонг оқараётган маҳал.

Март, 931

* * *

Нотинч титраётган баргларни,
Титкилайди шамоллар тийра.
Саросима ичра қалдирғоч,
Осмонларга чизар доира.

Баҳс этади ўлаётган менинг,
Юрагимда айни шу лаҳза.
Босиб келаётган қоронғилик,
Ўчаётган нурлар ёғдуси.

Қоп-қоронғи ўрмон устида,
Мис рангли ой туради гирён:
Нечун бунча камдир мусиқа,
Ва шунчалар... сукут бепоён?





АРИОСТ

Европада совук. Қоронғу Италияда.
Иркит салтанат сартарош кўлидай.
О, тезроқ очолсам, етмас аммо ҳад,
Ойналаримизни кенгроқ Адриатикага.

Хушбўй атиргулда гўнғиллар асалари,
Чигиртка мушакдор кундузги даштларда.
Қанотли бедовларнинг зилдай тақалари,
Қумсоатлар сариқ ва тилло рангларда.

Мафтункор оҳангда тингладим чирилдоқни,
Пушкин ғуссаси, ўрта денгиз ғурури қадар.
Худди чирмовуқдай ўраб ҳаммаёқни
Жасорат-ла у кўркмай ҳаммани алдар.

Севимли Ариост, элчининг тулкиси,
Елканли кема, сабур, гуллаган қиркқулоқ.
Сен эшитдинг оймомада сули овозин,
Олим балиқларга ҳовлида берар сабоқ.

О, калтакесаклар шахри, унда бир жон йўқ,
Иблис ва судялардан думбул ўғиллар тукқан.
Тошбағир Феррара ва занжирда ушлаб турар –
Пучмоқдан кўтарилган ақли суюқ куёшини.

Ҳайрону лол бўламиз қассобнинг дўқонида
Кўк пашшалар тўри остида болаларга – ухлаган.
Тоғлардаги кўзичоққа, роҳибга эшак минган
Герцоглар аскарига бирозгина тентакроқ
Мусалласга бўкишдан, ўлат ва саримсоқдан.
Ва яп-янги, отаётган тонглари йўқотишдан...

1933-1935





* * *

Лабларим ила яшилликни кўтараман—
Бу япроқларнинг ёпишқоқ қасамини.
Бу қасам уриб, қувраган ерни:
Бойчечаклар, заранг, эманлар онасини.

Қара, бўлаяпман қандай зўр ва кўр
Бўйсуниб итоатгўй илдизларимга;
Бу жуда ҳам ажойиб эмасми,
Хиёбонда порлаётган кўзларимга?

Қурбақалар эса симоб пуфагидай,
Овозлари билан уланар пуфакка.
Шохларга айланади хивчинлар,
Ва буғлар эса айланади сутга.

Апрель, 1937

* * *

О, қанчалар истайман,
Сезмасликни ҳеч кимни.
Нурлар изидан учсам,
Ўзим йўқ жойга борсам.

Сен атрофингга нур соч,—
Бундан ўзга бахт йўқ.
Ва юлдузлардан ўрган
не эканин ёруғлик.

Мен Сенга айтмоқликни
истайман, шивирлайман.
шивирлаб нурларимни
Болам, сенга бераман.

27 март, 1937



* * *

Халқ сурони ва шошқини аро,
Вокзалларда ва бандаргоҳларда.
Қудратли даврнинг қовоғига қараб
Дўниб бораётир қошлар қанотга.

Мен билдим, у билди, сен билдинг,
Кейин эса бошла истаган томонга –
Гапдон чангалзорига вокзалнинг,
Қудратли дарёлар кутиш жойига.

Энди узоқларда ўша бекат жойи,
Ўша суви қайнаб турган самовар.
Занжирга илинган тунука кружка,
Кўзларни бекитган зулмат ва қадар..

Пермякча кетарди шиддатли суҳбат,
Йўловчилар оғзида ҳақорат, сўқиш.
Кўзлар деворидан учган маломат,
Ўтар эди мени эркалаб, тешиб.

Лаблар қайноқ, сўзлар қаттиқ, чарс,
Неки содир бўлган, эслаш эмас шарт.
Оппоқ пардаларга урилди келиб,
Темир тунукалар сурони бу пайт.

Ваҳоланки, эди ҳаммаёқ жимжит,
Дарё бўйлаб фақат пароход ўтди.
маржумак гулларди арчазор ортида,
Дарёда балиқ ҳам тилини ютди.

Ва унга – унинг юрагига қоқ –
Ижозат олмасдан Кремлга кирдим.
Олис масофалар матосин оппоқ,
Айбдор бошим-ла парчалаб, йиртиб...

Январь, 1937





КАЗИНО

Мен хато кувончининг мухлиси эмас,
Кулранг битта доғдир гоҳо табиат.
Енгил сархуш бўлиш менга тандир, бас,
Қашшоқ ҳаёт таъмин тотганча бебахт.

Йиртиқ булутларни шамол ўйнагай,
лангарни чўктирар бағрида уммон.
Ва нафас олмасдан, худди матодай,
Тубсиз лаънатларга осилгандир жон.

Севаман казинони қумтепа узра,
Туссиз ойнадаги кенг манзарасин,
Ва нозик нур тўла ғижим дастурхон.

Севаман ям-яшил сувлар-ла ўралган
Атиргулдай мусаллас биллурида, –
шаддот чағалайларни кузатишни чунон!

1912


* * *

Япалоқ чанада, похоллар тўшалган,
Усти чипта билан ёпилган сал-пал,
Воробьев тоғидан черковга томон,
Бизлар борар эдик Московда жадал.

Ошиқ ўйнамоқда болалар Угличда,
Нон ҳиди анқийди, печларда қолган.
Бошяланг судрашар мени бу кечда,
Бутхонани иситар учта шам.

Учта шам ёнмасди, учта учрашув,–
Улардан бирини алқаган Худо.
Тўртинчиси бўлмас, Рим эса узоқ,–
Ва Римни ҳеч қачон севмаган асло.





Ўйдим-чуқурларга шўнғирди чана,
Халқ эса сайилдан қайтарди бу пайт.
Озгин эркаклару шаллақи хотинлар,
Дарвоза олдида турарди лоқайд.

Қушлар галаси осмонни қорайтган,
Ва кишан урилган қўллар увишди.
Элтишар шаҳзодани, тани тош қотган,
Эскирган похолни ёқиб юборишди.

1916

* * *

Тассавурга сиғмаган фиғон,
Катта очди икки кўзини.
Уйқусидан уйғонди гулдон
Гулларини атрофга сочди.

Бу тун хона қониб нўш этди,
Ширин малҳам хушбўй туйғуни.
Арзимаган мамлакат митти
Ютди қанча-қанча уйқуни.

Озроққина қизил мусаллас,
Озроққина май – офтобчувоқ.
Юпқагина бисквит етар, бас,
Нозикқина бармоқлар оппоқ.





ЭСКИ ҚРИМ

Изғиринли кўклам. Оч, эски Қрим,
Врангель даврида бўлгандай қандок.
Овчаркалар ховлида, жандаларда ямоқ,
Танни аччиқ совуқ чақиб олар жим.

Ёқимли барибир кенгликлар паришон,—
Дарахтларда озроқ бўртиган куртак.
Тураркан дилдираб, ўртанар юрак,—
Кеча шошилишда гуллаган бодом.

Табиат ўзини турар танимай,
Ваҳм кўлкасида Украина, Кубанлар.
Намат этик кийган абгор деҳқонлар,
Эшикларни кўрир, халқага тегмай...



Харсанг тили менга, каптарга тушунарли
Бу ерда тошлар – каптар, каптархона– уйлар.
Оқар ёруғ жилғалардек нағаллар ҳикояси,
Шаҳарлар момоси кўпригига мос куйлар.

Бунда болалар тўпи–тиланчи ҳодисаси,
Париж чумчуқларининг хурковуч бир тўдаси
Тезда чўқир кўрғошин толқони ушоғини,
Фригия бувисин сочилган нўхатидан.

Тўқима саватчалар хотираларда яшар,
Ва ҳавода сузади унутилган кишмишлар,
Зич, сиқиқ уйлар – сут тишларидай қатор
Қария милкларида эгизаклардек ётар.

Бу ерда ойлар берар лақаб мушукчаларга,
Сут ҳамда нон тутади жажжи шербаччаларга;
Ўсиб- улғайиб улар – икки йилда ёшларин,
Салмоқлайди елкада катта-катта бошларин.

Катта бошлилар унда тутиб кўлларин баланд
Қумдаги қасам каби, ўйнашар олма билан...
Менга қийин гапирмоқ – кўрмадим-ку, ҳеч нима,
Аммо барибир айтаман: эслаганим у нима.

Оловранг атиргулдай у кафтини кўтарди,
Ва гўдакдай ҳаммага зирапчани кўрсатди,
Уни мазах қилмаган извошчилар қолмади,
Шарманкачи болалар қарсиллатди олмани.

Афишалар ёпиштирди, ва кўйишди қопқонлар,
Шан кўшиқлар куйлашди, қовуришди каштанлар,
Ва ёруғ кўчалардан, ўқдайин сўқмоқлардан,
Отлар учиб ўтдилар ям-яшил ўтлоқлардан.





* * *

Ботқоқликда ёвуз ва шилимшиқ,
Қамишдайн ўсдим басма-бас...
Эҳтиросли соғинчли, меҳрли,
Олиб таъқиқ ҳаётдан нафас.

Эгиламан, сезмайди, ҳеч ким,
Совуқ, ботқоқ манзил масканим.
Хуш келибсан, дея мен кутдим,
Кузнинг қисқа ҳар дақиқасин.

Чўнг озордан бахтлиман ҳар он,
Ҳам ҳаётдан, тушга ўхшаган
Ҳасад қилгум ҳаммага пинҳон,
Ва ҳаммани пинҳон севаман.


1910

* * *

Мен ҳам бошқалар каби,
Хизматингга ярайман.
Қуп-куруқ рашклар билан,
Лабларингни аврайман.
Сўзлар қондирмас мени,
Қақраётир томоғим.
Ва сенсиз менга яна,
Ҳаволар бўм-бўш доим.
Рашк қилмайман, инон,
Лекин сени хоҳлайман.
Жаллодга қилиб қурбон,
Ўзимни етаклайман.
Атамайман исмингни,
На қувонч, на-да севги.
Ёввойи, бегонага
Қоним алмаштирибди.

45





Яна биргина лаҳза,
Тутгин кулоқ сўзимга.
Кувонч эмас, балки ғам,
Топгум бу чоқ ўзингдан.
Ва, жинойт тарафга,
Мана, қадам ташладик.
Саросимада тишланган
Нозик оғиз олчадек.
Тезроқ менга қайтиб кел,
Жуда кўрқаман сенсиз.
Тезроқ қайтиб кел менга
Мен бунчалик кучлироқ
Этмаганман сени ҳис.
Барчасин не истасам
Кўз ўнгимда кўраман.
Энди рашк қилмайман,
Аммо чорлаб тураман.
1920





* * *

Букри Тифлис тушга кирган дамлар,
Созандалар сози ингрок бақирар.
Тиқилгандир кўприкка ғуж одамлар,
Пойтахт пойида яшил гиламлар,
Пастда эса Кура тинмай ҳайқирар.

Майхоназор қирғоқ бўйи асли,
Унда палов ҳамда мусаллас,
Меҳмонларга май тутар гизли,
Майхоначи қип-қизил юзли,
Хизматингга шайдир ҳар нафас.

Кахетинча қуп-қуюқ майдан,
Жуда роҳат қазноқда ичиш.
Хотиржам ва салқин бу жойда,
Ичсанг роса, ичсанг икковда,
Бир кишига жоизмас ичиш.

Энг кичкина майхонада сўзсиз,
Дўст топарсан, агар изласанг.
“Телиани” дея очсанг сўз,
Сузиб чиқар тумандан Тифлис.
Сен-чи, май ичида сузасан.

Одам қарир жисман ва руҳан,
Кўзичоқлар барра, ёш бўлар.
Ой чўғида тунда бурқсиган
Мусалласлар буғида алвон,
Хушбўй кабоб хиди тарқалар.
1920-1927



* * *

Ўтиб борар чангли йўл ўрмондан,
Атроф жимжит, чўнг қайғу-дардда.
Ватан, кўз ёшларин ичиб армонда,
Ухлар, гўё чўри киздай шу онда.
Зулму ситам тўла бу мамлакатда.

Титроқ қайинларнинг йиғиси қонли,
Шўрлик қалтирайди ногаҳон дир-дир,
Соялар йиқилар йўлларга тўзонли,
Нимадир ўрмалар, булутдай қонли
Кўнгилга ваҳима солар хавотир...

Алп қад-қомат ва тўқ юзлар билан
Оёқлар узангилардан турар туртиб.
Бўзранг тўзон туёқлардан қалқир,
Ғилдираклар илонизи ўнқир-чўнқир,
Ҳамма борар эрка отларда йўртиб.

Уларнинг чеки йўк, найзалар ўткир,
Қуёш ёруғида товланар ола-була.
Ҳавони қўшиқ-ла титратиб зир-зир
Ва ҳайвоний ваҳший тўлқинда гир-гир
Қоп-қора кўзларда телбавор шуъла...





* * *

Йўқол!

Сохта шовкин билан қилма безовта
Ўлик, қуллар уйкусини бу чоқ.
Тезда сизни севинтирар янги уй билан.
Нон ва туз, деҳқон лаш-лушлари билан...
Узангини босинг қаттиқроқ !

Тезликда тўқнашар ёввойи куч-ла
Буюк муҳаббатнинг ишлари!
Тезда мозорларга тўлади майдон,
Кўк найзалар тўқнашади шохалар билан
Ва қоннинг рангидан бўялар алвон.

* * *

Икки юзлиликни биз севамиз жуда,
Ожиз бандадирмиз, унутамиз осон.
Болалиқда ўлимга яқинмиз анча,
Улғайган ёшимизга қараганда.

Овқат емайман деб қилади араз,
Ҳали уйкусига тўймаган гўдак.
Букун ҳеч бировга қилмайман ғараз,
Ёлғизман, ҳамма йўлларда бешак.

Ҳайвон туллар, балиқ сузади яйраб
Қоронғи сувларнинг қат-қатларида –
Ҳатто эътибор ҳам қилмасдан мутлақ,
Инсонларнинг қувонч-ҳасратларига.

Февраль, 1932





ҲАССА

Ҳассам мени – хур, озодлигим,
Негиз эрур моҳиятимга.
Тез орада халқ ҳақиқати,
Айланарми ҳақиқатимга?

Заминга мен этмадим таъзим,
Ўз-ўзимни топишдан аввал.
Ҳассам олдим, қувониб кетдим,
Ва жўнадим Рим сари жадал.

Қора далаларда оқ қорлар,
Эримайди улар ҳеч қачон.
Ва хонаки менинг ғамларим
Бегонадир менга тамоман.

Қояларда қорлар эрувчан,
Ҳақиқат деб ёнармиз чиндан.
Халқ ҳамиша ҳақ– ҳасса берган,
Мени, қайта кўришиб Римда!


1914

* * *

Сенинг гўзал талаффузларинг –
Йиртқич кушлар сайроғи қайноқ.
Айтарманми: тирик таассурот
Худди майин тонглардек оппоқ.

“Нима” – оғирлашади бошим.
“Ҳов”–бу, чорловга даъват!
Узоқларга кетар овозим:
Замин менга макондир фақат.





Айтишсинлар: қанотли севги,—
Ўлим кучли юз карра ундан.
Ҳали қалблар тайёр курашга,
Лаблар ташна курашга шундан.

Бир ҳаволар ипакдай майин,
Шивирингда шамоллар саси.
Сўқир каби тунларда узун,
Нўш этамиз зулмат қуйқасин.

1918

* * *

Нени куйлар соат- чигиртка,
Шитирламоқда безгак,
Шитирлайди куп-куруқ печка,—
Ёнапти алвонранг ипак.

Тишин нега қайрайди сичқон,
Жуда юпқа ҳаётнинг таги, —
Бу қалдирғоч ва қизим, инон,
Узиб кетди моким қўлдаги.

Ёмғир нима деяпти томда,—
Ёнар қора ипак, чоғимда.
Аммо шумурт уни тинглаб
Кечиргайдир уммон тагида.
Ҳолбуки, ўлим бегуноҳ,
Беролмайсан ҳеч қандай кўмак,
Фақат ошиқ булбулнинг, зеро,
Ёниб турар кўксида юрак.

1918



* * *

Кўрқинчли юксақда дайдиған олов,
Нахот юлдуз, ваҳимали кулмоқда?
Шаффоф юлдуз, дайдиған олов,
Сенинг уканг, Петрополь ўлмоқда.

Тушлар ёнар кўрқинчли юксақда,
Яшил ситоралар учар овлоқда.
Юлдуз сен, – сув ва осмон биродар,
Сенинг уканг, Петрополь ўлмоқда.

Кўрқинчли юксақда ваҳимали кема,
Кетмоқда, қанотин тикка қилмоқда.
Яшил юлдуз, гўзал камбағалликда
Сенинг уканг, Петрополь ўлмоқда.

Қора Нева узра шаффоф бир баҳор,
Синиб кетди, ҳаёт шами сўлмоқда.
О, сен юлдуз, – Петрополь, шахринг,
Сенинг уканг, Петрополь ўлмоқда.

1918





* * *

Исён билан сархуш бу ҳаво,
Кремль майдони қоп-қора, тақир.
Фитналардан қалтирар “дунё”
Тераклардан хавотир анкир.

Бутхоналар туссиз ва оқчил,
Қўнғироқлар ўрмони тиғиз.
Ғойиб бўлган соқов қарокчи,
Тош тўсинлар қаърида бу кез.

Тақа-тақ берк черковларда эса
Рутубат ва қоронғулик, элас.
Ёқимли май кўзачаларда
Кўпиради русча мусаллас.

Успенский* ғоятда силлик,
Унга ҳатто жаннат ҳавасда.
Благовешченск эса, ям-яшил
Беқарор у, минғиллар аста.

Архангельский* ва Воскресенье*,
Очиқ кафтдай кўринар дарров.
Ҳамма ёқда пинҳоний ёниш,
Кўзаларга яширилган олов.



* Москвадаги черков номлари





ЧИҒАНОҚ

Сенга керак эмасман мен балки,
Тун; ўтмоқда дун пучмоғидан.
Худди марваридсиз чиғаноқ каби
Ташландим-ку, сенинг қирғоғингга.

Сен тўлқинни чайқатиб, лоқайд
Кўшиқларни куйлаган онинг,
Аmmo сен севасан, ва баҳолайсан
Кераксиз чиғаноғин ёлғоннинг.

У билан ёнма-ён кумда ётасан,
Эгнингга кийилган сеҳрли қабо.
Сен у билан узвий боғлайсан,
Мавжнинг улкан кўнғироғин гўё.

Чиғаноқнинг омонат деворини,
Уйнинг юрагидек – ҳоли одамдан.
Тўлдирасан кўпик шивири-ла,
Туман, шамол ва ёмғирлар билан...


1911

* * *

Бу кеча зулумот, жим,
Сизда кун эмас одош.
Эшигингдан Иерусалим,
Чиқмоқда қора қуёш.

Қуёш сарик кўрқинчли, —
Алла дейман, жон болам,—
Яҳудлар маъбадида
Дафн этилмоқда онам.





На бирор ҳурмат иззат,
На бир кийдилар қора.
Яхудлар маъбадида
Хотиним –жигарпора.

Бани Исроил саси,
Онам бошида янграр,
Уйғонсам, бешигимдан –
Қоп-қора қуёш порлар.

1916

* * *

Менга вужуд берилди – уни қилайин нима,
У фақат меникими, меникими ягона?

Жимгина нафас олиб, шукронада яшайми,
Кимлардан бўлиб мамнун, пойига гул тўшайми?

Ўзим боғбондирман, ҳамда бунда ўзим гул,
Дунё авахтасида ёлғиз эмасман буткул.

Бошини қўйди абад мангулик шишасига
Қайноқ нафасим ҳамда ҳарорат танимдаги.

Мухрланади унга сиймонг, юзинг тасвири,
Мутлақо таниб бўлмас яқин-яқиндан бери.

Атиги бир лаҳзада қуйқа кетару аммо,—
Бу азиз қиёфани ўчиролмагай асло.

1909





* * *

Эрк ҳақида – азиз, муқаддас,
Шам ёнида ўйламоқ аъло.
“Аввал мен-ла қолақол бирпас,—
Вафо тунга этди тавалло,—

Кийгизаман мен ушбу тожни,
Ишон, сенинг бошинга фақат,
Эркинликка, худди қонундек,
Бўйинсундинг, этдинг итоат...”

“—Озодликка, қонунга кўра,
Боғланганман, кеча олмайман.
Енгилгина ушбу тожимни
Ҳеч қачон мен еча олмайман.

Биз учундир, ҳайдалиб ерга,
Ўлимларга маҳкум этилиш.
Содик қолиб гўзал аҳдларга
Мангу садоқатга ачиниш!”

1915





КАССАНДРАГА

Измамадим гулларинг гуллаган онларда,
Кассандра, лабларингни, кўзларингни.
Аммо декабрнинг бедор тунларида,
Олис хотиралар қийнар бизларни.

Ва ўн еттинчи йилнинг декабрида,
Ҳаммасини бой бердик, севатуриб;
Бировлар таланди халқнинг ҳукми-ла,
Кетди бировлар ўз молини уриб...

Қачонлардир бебошвоқ пойтахтда,
Скифларнинг базмида, Нева қошида.
Жирканч базм жарангосида,
Рўмолинг юлқишар бошингдан.

Аммо, гарчи бу ҳаёт – зарурат телба,
Ва кемалар ўрмони – қасрлар осмони –
Сени севиб қолдим мен, қўлсиз ғалаба,
Ва ўлатга чалинган аёз қаҳратони.

Зирҳли мошинлар билан майдонда,
Мен одамни кўриб қолдим, ана – у.
Бўриларни кўрқитар чўп билан:
Ҳуррият, тенглик ҳамда қонун.

Хаста Кассандра, сукутда қотдингми,
Тилим келмас бирор бир калимага
Александр қуёши тамом ботдимми,
Юз йил аввал ёғду сочган ҳаммага?



* * *

Келгуси асрларнинг портловчи жасорати учун,
Бани одам аҳлининг зодагон қавми учун
Мен косамни йўқотдим оталарнинг базмида
Ва қувончим, ва номусим йўқотилди беҳуда.

Елкамга ташланади аср – бўрибосар нак,
Аммо бўри эмасман, асл қонимга кўра.
Яхшиси, мени жанда телпакдек енгинга тик–
Сибир даштин мўйнаси билан яхшилаб ўра.

Кўрқокни ҳам, нокасни минбаъд кўрмайин бугун,
Гилдирак чархларида қонли қонлар бўлмасин.
Кўк тулкилар чарақлаб порласинлар бутун тун,
Кўз ўнгимда ўзининг табиий чиройи билан.

Тунда элтингиз мени Энасой оқар жойга,
Юлдузларга талпиниб қарағайзорлар қолсин.
Чунки бўри эмасман асл қонимга кўра,
Жонимни олса мени, фақат ўз қавмим олсин!



КАЛИШ

Резина калиш учун,
Бўлмайди бундан баттар:
Кун қурук, яхши бўлса,
Қуриса сувлар агар...
Унга ёмондир анча
Тоза хонада турмоқ:
Мазза, кўлмак кечганча,
Кўчада чопиб юрмоқ!

* * *

Тилимни сақла мангу бахтсизлик, тутун таъми ҳаққи,
Сабру бардош қатрони, ҳалол меҳнат қатрони ҳаққи...
Қандайин сувлар қора, тоғлидир Новгород кудуғида,
Рождествода етти қанот юлдуз акс этар сувда.

Бунинг учун, отам, дўстим ҳамда кўпол ёрдамчим,
Мен – тан олинмаган ука, халқим оиласида ўгай,
Сўз бераман, албатта, ҳали уй қурай шундай,
Князларни татарлар тиксин пакирга бу уйда.

Фақат музлаб ётган кундалар мени яхши кўрсин–
Ўлимни нишон қилиб, чиллаклар учар чоғда,–
Мен бу учун умрбод темир кўйлақда ўтгум,
Пётр даврин қатл этишга болта топаман боғда.

3 май, 1931



* * *

Бугун тунда, мен алдамайман,
Эриётган қорга ботиб белдан
Кетар эдим бегона бекатдан,
Кўрсам – кулба, ичида пичан –
Чой ичишар туз-ла монахлар,
Ва лўли киз ураётир чарх.

Қайта-қайта айлантириб бошим,
Учиради менга киз қошин,
Илтимоси аянч ва малол,
Тонгга қадар лўли ўтириб,
Ўтинарди: “Ҳады қил менга,
Шол рўмолми ёхуд ярим шол”.

Не ўтгандир, қайтариб бўлмас,
Эман стол, туздонда пичоқ.
Нон ўрнида бир семиз кирпи.
Қуйлаш истар–овози битди,
Турмоқ истар –эгилиб кетди,
Деразадан ховлига – букри.

Ярим соат ўтди шул ора,
Майдаланган сулини– қора
Қурсиллатиб чайнайди отлар.
Ғижирлади дарвоза тонгда,
От кўшилиб аравага бу онда,
Аста-секин исиди қафтлар.

Худди сувга солингандек бўр,
Бўзранг осмон йиғлаб юборар,
Бекорчилик, зерикиш тарқар,
Ойдинлашиб боради осмон,
Деразадан боқар сутдай тонг,
Ва кўринар нимжон гўнгқарға.

1925





* * *

Нур қўйнида яйрайман ёруғ –
Сочим қора, ёруғ – сап-сарик,–
Халққа керак ҳаво ва ёруғ,
Нон ҳам керак ва Эльбрус қори.

Маслаҳатга бирикмас бошлар,
Топилмаслар керак маҳалда:
Бундай шаффоф, йиғлоқи тошлар
Йўқ Қримда, ва на Уралда.

Халққа азиз, сирли шеър зарур,
Ғарқ уйқудан энди уйғонсин.
Зиғир, каштан мавжида мағрур –
Унинг жарангида – ювинсин.





NOTRE DAME

Тобе халқни Рим қозиси қайнаб, суд қилган,
Жойда райҳон ўсар, ва – бахтиёр ва биринчи–
Бир пайт Одам Ато мисоли, асабларин тилган,
Ўйнар хочли гумбазни мушақлари билан.

Аммо махфий режа фош этар ўзин,
Устунларнинг бунда муҳим ўрни бор.
Қалин деворлар юки бузилмас, инчунун,
Баҳайбат гумбазга зарба қилмас кор.

Бетартиб лабиринт, ўрмонзор ёввойи,
Готик мулоҳаза, фикр руҳи ҳукмрон.
Мисрча куч-қудрат ва насронийча уят,
Қамиш ёнида– эман, посанги–шоҳ отахон.

Ўта синчковлик билан пишиқлигинг, Notre Dame,
Ўргандим, билдим қовурғанг сирин қатма-қат.
Қанча тез-тез ўйладим мен: ёмонликнинг юкидан
Қачондир яратарман ноёб гўзаллик, албат...





* * *

О, қувноқ саёҳатчи,
Кимга қараб қуляпсан?
Нотаниш толеингга
Нечун шукур қиляпсан?

Зангор водийлар бўйлаб,
Ҳеч ким сени кузатмас.
Булбуллар каби қуйлаб,
Субҳи саҳар уйғотмас,—

Иситмасада, лекин,
Тўнинг елкангга ташла.
Қуёш тагига боргин,
Бирозгина ёнбошла.





УЙҚУСИЗЛИК. ГОМЕР. ЕЛКАНЛАР ...

Уйқусизлик. Гомер. Елканлар турар таранг,
Кемалар рўйхатини ўртагача ўқирман:
Узун-узун арғамчи турналар кўкда, қаранг,
Бир замонлар Эллада осмонини тўлдирган.

Турналар понасидек бегона сарҳадларга, -
Шоҳларнинг бошларида илоҳий кўпик, -
Қаёққа сузмоқдасиз? Елена бўлмаса ҳам,
Сизга зарур Троя, эй ахей эркаклари?

Мана денгиз ва Гомер – севгида собит ҳамма.
Кимни тинглашим керак? Гомер ҳам жим қолди,
Ва қурғур қора денгиз, баттар забтига олди,
Тепамга дўниб келди гурсиллаган қадам-ла.

* * *

Ҳали ўлмадинг Сен, эмассан ёлғиз ҳам,
Вафодор мунисинг турибди ёнда..
Роҳат қилаяпсан кенгликларда шан,
Зулумот ва совуқ, ҳам қорбўронда.

Ҳашам қашшоқлигу, йўқчиликда тубан,
Хотиржам яшайвер, беғам ва қувноқ.
Бахтиёр кунлар ва тунларда, зотан,
Заҳматли меҳнатинг эмасдир гуноҳ..
Бадбахт у, бировнинг сояси каби,
Итларни кўрқитиб, шамолни ўрган.
Ва қашшоқ у, ўзи яримта бор-йўғи,
Соядан садақа тиланиб турган...





* * *

Сенинг тор елкаларинг қамчилардан қонайди,
Қамчилардан қонайди, совуқлардан ёнади.

Толади митти қўлинг дазмолни кўтаришдан,
Дазмолни кўтаришдан, арқон –ипни ўришдан.

Яланг оёқчаларинг шишани ўтар босиб,
Шишани босиб, кетар исминг қон ила ёзиб.

Сени деб ёнаману худдики қора шамдек,
Шамдек ёнганим билан дуо қилолмасман лек.





ЖУНЖИКАМАН. ЗАМҲАРИР БАҲОР ...

Жунжикаман. Замҳарир баҳор
Петрополь кияди зангори қабо.
Медузадай ўйноқ Нева тўлкини
Аччиқ нафратимни сўндирар аммо.

Шимол дарёсининг қирғоғи узра
Учар автомобиллар ёнарқурт тусда,
Ниначилар учар ва темир қўнғизлар
Тилло тўғнағичин ўйнар юлдузлар.

Аммо маҳв этолмас ҳеч бирон юлдуз,
Денгиз сувидаги кўкламни бу кез.

* * *

Ювинардим тун ҳовлисида,
Ях заминга нур сочар юлдуз.
Юлдуз нури – туз болта юзида,
Ёғоч бочка бўғзигача муз.

Эшик қулфи берқдир тақа-так,
Ва замин нақ дўзахнинг тўри.
Оқ матода соф ҳақиқатнинг
Ақсланарми аниқ тасвири?

Юлдуз, туздай бочкада эрир,
Ва қора сув қолишмас муздан.
Ўлим покдир, ғуссадир тахир,
Борлиқ ўта қўрқинчли тусда.





* * *

Фақат болаларнинг китобин ўқинг,
Фақат болаларнинг орзусин кўлланг,
Барча катталарни узоққа йўлланг,
Чуқур ғуссаларнинг қаъридан чиқинг.

Ҳаётдан бутунлай силкдим мен этак,
Ундан ҳеч вақони олмасман мутлоқ.
Лекин қашшоқ ерим севарман кўпроқ,
Чунки ер кўрмадим мен ундан бўлак.

Болалигим боғчасида шўх-шодон,
Учдим арғимчоқларда жўн ҳамда оддий.
Ва юксак қоп-қора арчалар ёдин
Босириқ тушдаин эслайман ҳамон.





СИЗ ТЎРТБУРЧАК ДЕРАЗАЛИ...

Сиз тўртбурчак деразали, пастқам уйларнинг тўши, –
Салом, салом, Петербургнинг совук бўлмаган қиши!

Музламаган майдонлар, чўртан қовурғасидай тик,
Ва кираверишлардаги сўкир конкилар эгик.

Ўтдими аллақачон каналдан сузиб кулол,
Сотдими тош зинада ўз молларин бемалол?

Меҳмонлар саройидан ўтар ботлар, кулранглар,
Арчилар ўз-ўзидан пўчоғидан мандаринлар.

Халтада пишган кофе, совукдан уй – инчага,
Олтин мокко туйилган электр ҳовончада.

Шоколадли ва ғиштли, пастқам уйлар тўши, –
Салом, салом Питернинг совук бўлмаган қиши!

Ва роялли қабулхона, унда интиқ кресло,
Докторлар аллакимнинг дардига этар даво.

Ҳаммом ва операдан сўнг – ҳеч кимга эмас қизик,
Сўнгги трамвай билан кетиб қолган телба иссиқ!





ПЕТЕРБУРГДА ЯНА УЧРАШАМИЗ БИЗЛАР

Петербургда яна учрашамиз бизлар,
Худдики Куёшни дафн этганмиз унга,
Ва энг олижаноб, ҳавойи сўзлар
Илк бора тилларга келади шунда.

Совет кечасининг либоси қоп-қора,
Фазо бўшлиқлари баркут қабода.
Куйлар хур аёллар бахтсиз, ғамсаро,
Очилар ҳеч ўлмас гуллар дунёда.


Ёввойи мушукдай пойтахт букилар,
Кўприкда туради хушёр қоровул.
Фақат ёвуз мотор тинмай тақиллар,
Каккудай тун аро “чағ-чағ” этар ул.

Тунги рухсатнома керакмас мен-чун,
Йўқдир қоровулдан кўрқишга ҳожат:
Энг муқаддас, беҳуда сўзлар учун
Советлар тунига этгум ибодат.

Эшитилар енгил театр шовури,
Ва қиз боланинг овози, “аҳ” деган—
Ўлим билмас гулларнинг ҳовури,
Каприданинг қўлларида уфурган.

Ўтда исинамиз зерикишдан биз,
Эҳтимол, асрлар бўлади ўтган.
Гўзал аёлларнинг қўллари нозик,
Супуриб олади қулимизни – чанг.





Қизил партерларнинг қай пучмоғида,
Шифоньерлар тўла ёлғон бўйларга.
Не бўпти, зобитнинг мурватли қўғирчоғи –
Қора руҳлар, пасткаш художўйларга.

Майли, ўчир шамимиз, майли, ерга бук,
Фазо бўшлиғида баркутдан қабо.
Куйлар гўзал хотинлар елкалари тик,
Пайқамайсан тунги қуёшни аммо.





ЛЕНИНГРАД

Мен ўз шаҳримга қайтдим, таниш кўз ёшим каби,
Қон томиримгача, гўдак – томоқ без-тоши каби.

Қайтдинг бунда, – тезроқ ют, ўкинма бу ёғидан,
Дарё ёқада турган фонуснинг балиқ ёғидан.

Декабрнинг кунида билиб олгин, сенга фойда,
Тухум сариғига омухта захролуд қатрон қайда?

Петербурги, мен ўлишни хоҳламайман забун, хор,
Сенинг телефонингда менинг рақамларим бор.

Петербурги, менда бордир ҳали манзил қоғози,
Шу орқали топарман ўлганларнинг овозин...

Яшайман қора зина, чакки қаърида бу чоқ,
Кўксимга туширади мушти билан қўнғироқ.

Азиз дўстларни кутгум туни бўйи шикаста,
Эшик занжирин сийпаб кишанли қўл-ла аста.



Нафисдан нафис,
Ол яноқларинг,
Оқдан-да оқдир
Қўл– бармоқларинг,
Сен узоқлардасан
Жами оламдан,
Сендаги бари–
Муқаррар Ҳақдан.

Муқаррар Ҳақдан,
Сенинг ғамларинг,
Ва қўл бармоқлари
Совуқ қотмаган,
Оҳиста шивир,
Умид узмаган.
Сўзлар,
Ва кенгликлар,
Сенинг кўзингда.





* * *

Қирғоқларга, Волга, сурил, Волга сурил,
Гулдирмомо, четанларга урил, урил,—
Дўл ёмғири ойнага тег— ёрил, эт чил- чил,—
Сен эса Москвада, эй қорақош,
Бошингни тик кўтарганча юришни бил.

Сеҳргар билдирмасдан оппоқ сутга
Қора гулни, нафармон гулни қорди,
Марварид кукуни ва замбарак тўпида
Совуқ лунжни чақирди,
Шивирлаб лаб учида...

Қўйвор, қўйвор саъважонни,—
Сен ёниқ дил — боғчасига, боғчасига.
Ҳиндистоннинг рожасидан, рожасидан —
Алексейми ё Михайличдан,—
Волга, буни сўра, аниқла, бил.

Дўстга қарши — гуноҳ учун, гуноҳ учун,
Қирғоқлар турар нотенг,
Қарчиғайлар фалакларда, фалакларда,
Қанотларин ёзиб вазмин,
Чолдеворлар томларида учиб юрар.
О, уларни кўролмаيمان, кўролмаيمان,—
Кўкиш — зангор қирғоқларни мен гадойи:
Ўрмондаги ўтлоқзорга, ўтлоқзорга,
Боришади ўроқчилар ғирт савдойи...
Куни бўйи ўтлоқзорда
Ёмғир ўрар ўроқларда, ўроқларда.

4 июль, 1937





ПЕТЕРБУРГ САТРАРИ

Сариқ хукумат биноларининг устида,
Узоқ-узоқ айланди қуп-куюқ бўрон.
Ва хукуқшунос яна ўтирди чанага,
Шинелини кенг силтаганча шу он.

Пароходлар қишлар.Офтобчувоқда,
Қоронғи қаютаннинг чироғи ёник.
Махлуқсимон, –докда брононосец каби,
Россия вазмин чиқармоқда ҳордик.

Нева узра – ярим дунёнинг савлати,
Адмиралтейство, куёш, сукунат!
Қаттиққўл порфиранинг давлати,
Шоҳ хотиндек қашшоқ, бешафқат.

Юки зил-замбил шимол бодисини,
Онегинда эса ҳамон эски ғам;
Сенат майдонида– қорларнинг уюми,
Гулхан дуди, қўндоқ совуғи ҳам...

Сувни чайқар қайиқлар, чағалайлар,
Денгизчилар кўпик омборига кирар.
Қайдадир, нон ва шарбатларни сотиб
Шоша-пиша сирли эркаклар юрар.

Учар туманларда моторлар қатор,
Пиёдалар, ўта худбин ҳамда камтар.
Содда Евгений қашшоқликдан уялар,
Бензин ҳидлаганча қисматни қарғар!

1913





* * *

Бир тусдаги юлдузларнинг
Ёғдусига тобим йўк.
Салом, эски жунуним,—
Ўқдай минорлар ўсиқ.

Кунгура ёхуд тош бўл,
анкабут тўрига дўн.
Кўкнинг бўм-бўш кўксига
Сўзон уришга урин.

Келар менга ҳам навбат,
Қанот ёзиб бўйладим.
Хўш, кетар қайга аммо,
Учиб камон ўйлари.

Ё йўлим ва муддатим,
Қайтарман тугатганда.
У ёқда – севолмадим,
Ишқдан кўрқаман бунда.

* * *

Сенинг тимсолинг изтиробли, беқарор,
Қолдим-ку туманда пайқай олмасдан.
“Худойим!”— дедим мен хатолик ила,
Нима деганимни ўзим билмасдан.

Худо исми, худди қуш каби улкан,
Кўксимдан чиқдию аршга йўл олди.
Олдинда бешумор куп-қуюқ туман,
Ортда эса бўм-бўш бир қафас қолди.





Болаларга аталган шеърлардан

ҲАРФЛАРИМ

– Мен ёзишни биламан: лек нечун,
Айтишарлар ҳарфларим беўхшов.
Нимагадир ҳарфларим – олабўжи,
Думлари селкиллаган, ажи-бужи.

“А” ҳарфим кўпол, каллахум,
“Б” нинг ҳам белбанди гўё дум:
Сиз-ла мушкул, ҳабаш-ҳарфларим,
Узун пойча ўрдакиналарим!





ЧЕТ ЭЛ БОЛАЛАРИГА

(Стивенсонга назира)

Ҳабаш болалари. Митти малай(1)лар,
Турк болалари, форс ва хитойлар,
Чўқча болалари, эҳ қалпоғингиздан,
Сизга яхши, менга яхшидир сиздан !

Яшайсиз қуш учмас – Сахро Кабирда,
Камчаткада ёхуд Мадагаскарда,
Митти кофирчалар эҳтимол сизга,
Тошбақа беришар нонуштангизга.

Сизларнинг тарафда кокос, бананлар,
Шохдан шохга сакрар чаққон маймунлар,
Яхши-ку, бир иштибоҳ туради дилда,
Истак йўқ яшашга мудом чет элда!.

Менда бордир ажиб хонам ва печкам,
Мен лойдан ийлайман кичкина одам,
Каравотда ётаман, майин ёстикқина,
Тонгда кружкада сутлар иссиққина!

Ҳабаш болалари, митти малайлар,
Папуаслар, кофир, хитойлар,
Чўқча болалари қалпоғингиздан,–
Сизга яхши, менга яхшидир сиздан !

1.Малай-малайзияликлар.





ТРАМВАЙДАГИ БОЛА

Трамвайга ўтирди бир тонг,
Энг ақлли бола дунёда.
У санашга устаси фаранг,
Ўнгача ва... ундан зиёда.
Ўн тагидан чиқарди шу чок,
Ўн чақани асл, ярқирок.

Кондуктор аёлу кондукторлар,
Профессорлар ва докторлар,
Бу жумбоқдан боши қотган. Жим,
Қандай берсак болага қайтим.

Бола ўзи,
Бола – бола-да,
Деди, ўндан еттини олсак,
Доимо уч қолади.

Бари деди: қани такрорла!
Трамвай-чи кетарди олға,
Кетар эди унда зўр бола.



Велимир ХЛЕБНИКОВ

БАШОРАТЧИ ШОИР ТАҚДИРИ

Велимир Хлебников – футуризм ва рус авангардизмини ёрқин юлдузи, шеърӣ тилнинг буюк ислохотчиси ҳисобланади. Мана шу фазилатлари боис, у ўзига хос, улкан истеъдодлар бўлган Анна Ахматова, Александр Блок, Николай Гумилев, Осип Мандельштамлар қаторидан ўрин олган. XX асрнинг йирик тилшуноси, рус-америка адабиётшуноси Роман Якобсон уни “ўз асрининг энг забардаст дунё шоири” деб атаиди.

Бўлажак шоир 1885 йилда Астрахань губерниясининг Кичик Дербет номли қолмиқ кишлоғида дунёга келган. Шоирнинг ўзи бу жойни “Буддага сифинувчи мўғуллар манзилгоҳи” деб атаиди. Шоирнинг оиласи камбағаллашган, лекин маърифатли аслзодалар авлодига мансуб бўлиб, отаси атоқли ботаник ва орнитолог, Волга қуйилиш қисмидаги биринчи давлат кўриқхонаси асосчиси бўлган. В. Хлебниковнинг бобоси Астраханнинг фахрий фуқароси ва таниқли тужжор бўлган. Ота тарафидан Велимирнинг томирларида рус ҳамда армани қонлари оққан.

Онаси Екатерина Вербицкая Смольний институтини тугаллаган. Унинг аждодлари Запорожьё казакларига бориб тақалади. Бўлажак шоир тўрт яшарлигидаёқ рус ва француз тилларини яхши билган, чизган расмлари эса унинг ноёб муассвирлик истеъдодидан дарак берган. Отасининг хизмати туфайли оила тез-тез кўчиб юришга мажбур бўлган. Шоир 6 ёшга кирганда Хлебниковлар Волинь губерниясига, 1895 йилда Симбирск губерниясига кўчиб ўтганлар. 1903 йилда В. Хлебников Қозон университети физика-математика куллиёти талабаси бўлди, талабалар намоишидаги иштироки учун бу куллиётдан ҳайдалади ва бир ой ҳибсда сақланади.





Ҳибсдан чиққач у физика-математика йўналишида ўқишни истамай, шу куллиётнинг табиатшунослик мутахассислиги бўйича ўқийди. Мана шу таҳсил йилларида у илк шеърларини ёзади.

Ёш Велимир Хлебников 1908 йилда Петербургга келади. Бу эса шоир ижодига катта туртки берди. Вячеслав Ивановнинг назмий тўғарагида у акмеистлар билан танишди. В.Хлебников Рус-япон урушида Россиянинг мағлубиятини ҳамда биринчи рус инқилобини жуда оғир қабул қилди. 1908 йилда шоир ўзининг биринчи “Гуноҳкорнинг тавбси” шеърини эълон қилди.

Бошланган биринчи жаҳон уруши Хлебниковни ўтган урушларни рақамли ўлчовларда ўрганишга даъват этди. 1916 йилда шоир ҳарбий хизматга чиқарилди. Кейинроқ у, Царицин захирадаги полкида бўлган пайтларини “шоирнинг ақлдан озган махлуққа эврилишининг бутун дўзахини кўриб ўтдим” дея эслайди. Таниш шифокор В.Хлебниковнинг руҳий жиҳатдан носоғлом деган сабаб билан ҳарбий хизматдан озод қилади.

1917 йилдаги октябрь воқеаларини Велимир Хлебников Петроградда ўз кўзлари билан кўрди ва бу манзараларни ўз шеърлари ва поэмалари акс эттирди. Астрахань, Украинада бўлиб Деникин армияси мағлубиятига гувоҳ бўлди. Кейинчалик сафарлар узайиб, у Кавказ ва Шимолий Эронда, Каспий даштларини кезди.

В. Хлебниковнинг шахсий ҳаёти келсак, у оила курмади, аммо ҳаётида аёллар бўлди. У ҳам кўпгина замондош шоирлар каби ҳиссиётларга бой эди. В. Хлебниковнинг қалбини забт этган аёллардан бири кейинчалик Россиянинг катта шоирига айланган Анна Ахматова эди. У шоирни “ғаройиб, аммо жинни” деб атаган эди. Кейинчалик футурист шоир харковлик опа-сингил Синяковалар, Вера Вудберг ва Ксана Богуславскойларга нисбатан ҳам нафис туйғуларни бошидан ўтказди.





Аммо шоир шеърляти мафтуні бұлган бу гўзаллар кашшоқ, келажаги қоронғу, ишсиз йигитга турмушга чиқишга журъат этолмайди.

У яшаш жойини тез-тез ўзгартиравергани сабабли жуда кўплаб қўлёмалари йўқолиб кетган. Унинг паришонхотирлиги ва эҳтиётсизлиги ҳақида дўстлари ушбу воқеани айтишади: шоир навбатдаги сафарлардан бирида даштда, совуқ кечада ўтин ёки хас-хашак йўқлигидан ўзининг шеърларини ёқиб исинган.

У ўсмирлик чоғларида отасининг касбига қизиққан, у билан бирга ўрмон ва чўлларни кезган, кўчманчи қалмиқларнинг қўналғаларида кўп марта меҳмон бўлган. Унга “тақдир тахтаси” га қараб келажакни башорат қилувчи қалмиқ мунажжимлари айниқса, кучли таъсир кўрсатган. У ўзининг “Тақдир тахтаси” асарида бизнинг дунёмизда барча воқеа-ҳодисотлар рақамли қонуниятларга асосланади, дейди.

1920 йилда ёзилган “Ладомир” хаёлий поэмасида шоир “Ва сен бутун жаҳон савдо уйи бир кун кулга айланасан, деган сўзлари билан бошлаган. Бу 2001 йил Нью-Йоркда террорчилар томонидан вайрон этилган Бутунжаҳон савдо уйи тақдирини эслатади. 1918 йилда ёзилган “Келажак оққушлари” асарида шоир интернетни жуда аниқ тасвирлайди. Ҳатто бир ўринда “ўргимчак тўри” иборасини ҳам ишлатади. В.Хлебников 1922 йилда очлик ва кашшоқликда хасталаниб оламдан ўтади.





ҲАЁТ

Қиличдаги қип-қизил шудрингни
Қуритасан тўлқинли сочинг-ла.
Бу ерда жаллоднинг кулгисидан
Келар ўша, телбавор жазава.

Гоҳо ҳақиқатгўй қорақўзли бир—
Фолбиндайин жим, сукутдасан.
Гоҳо хохолаган сув парисидай
Ўтирасан мамонт тиши устида.

У ўлди, кўтариб олиб тишларини
Яна осмонларда кўринди Хорс.
Тирикликда уни биларди ёмғир—
Энди у бир харсанг, у энди муз.

Бунда йўртасан, майин, иссиқ
Пичоқлар орасида, алангадай, ёруғ,
Отишмаларнинг тўзонида очик
Ўлик қўлларида тушди байроқ.

Бу ерда тезлатдинг вақт оқимини
Хукмини ўқийди кунда бидирлаб.
Бу ерда отишманинг қонли қурбони
Тошбақа ҳаёти ётар имиллаб.

Тонгнинг қизил оққушлари бу ёқда
Янги қанотида кунни уйғотар.
Кекса шохдан қолган битик у ёқда
Қумлар остида кўмилиб ётар.

Бу ерда чопасан биядай эркин,
Етти қанотли йўл изингда.
Алвон пойтахт билан хайрлашасан,
“Кечир” дея сўнгни сўзингда.





ОЧАРЧИЛИК

Нечун буғулар ва куёнлар югурмоқда,
Ўрмонда қочиб панага?
Одамлар еди тоғтеракнинг пўстлоғини
Қарағайнинг новдаларини яшил...
Аёллар ва болалар дайдири ўрмонда
Йиғиштирар қайин баргларини
Шовул шўрва, яхна шўрва, карам шўрва учун.
Қарағайнинг тепа барглари ва кумушранг мох—
Ўрмоннинг таоми,
Болалар, ўрмон қидирувчилари,
Дарахтзорни кезар,
Гулханда қовурар оқ чувалчангни,
Қуён карамини, семиз қуртларни
Ёки анкабутлар – ширин ёнғоқдан.
Овлар кўрсичқону кулранг калтакесакларни,
Вишиллаган илонни отар камондан.
Нон пиширар оққушдан.
Арвоҳ капалакни қувлар очликдан:
Йиғилди мана, бир қопи,
Ёвғон шўрва пиширамиз бугун капалакдан –
Оналари пиширар.
Қуённи, енгил-енгил сакраб юрган ўрмонда
Тушларида кўрар болалар аниқ,
Боқар ҳаяжонда, кўзларини очиб катта-катта,
Очликдан покланганлар
Тўғриси, ишонмас
Аммо у қочади чакқон ва чапдаст
Қулоғи учлари қорайиб
Орқасидан учиб кетди камон ўқи
Аммо кеч – кетди тушлик тўйимли.
Болалар эса турар ҳайрон...
“Қара, у ёқдан капалак учиб ўтди...”



Тутиб ол, югур!. У ёқда эса зангори!...
Ўрмонда қовоғи солиқ.
Бўри елиб келди узоқдан
Ўтган йили қўзичокни
Бўғизлаган жойига.
Узоқ айланди, ҳамма ёқни ҳидлаб чиқди,
Аммо ҳеч вақо қолмабди –
қуруқ туёқдан бошқа – бу кумурсқалар иши.
Ранжиб, шақирлаган қовирғасин қисиб
Ўрмонга кириб кетди.
У ёқда, қор остида ухлаб ётган,
Қизилқош ва оқбош қарқурларни,
Оғир панжалари билан босса,
Қорлар орасида кўмилиб ётса...
Тулкича, чўғдай малларанг
Тўнкада ўтирар бўлиб кучала
Ва ўйлайди келажак ҳақда...
Ит бўлсамикин энди?
Одамлар хизматиға борсами?
Тўрлар ташланган бир талай –
Ҳоҳлаганингга кириб ёт...
Йўк, бу иш хатарли.
Паққос туширишар малла тулкини,
Итни еб қўйганлари каби!
Итлар вовулламас қишлоқда...
Тулкича ювинди майин қўллари ила.
Юксақда кўзи тиниб, думи ёниқ елкандай.
Деди, вайсақи олмахон:
“Қани менинг ёнғоқларим, чўчкаёнғоқларим ?–
Одамлар еб қўйибди!”
Тушмоқда тинч,шаффоф оқшом,
Қарағай ўпишиб тоғтерак билан
шивирлашар аста:
Эртага уларни кесар нонуштага...



ЭРОН ҚЎШИҒИ

Эрондаги қай бир дарёда
Унинг яшил оқимларида
Унинг қўм-қўк пояларида
Ширин сувлар ёнида
Тентираб икки тентак,
Отишардилар судак.
Мўлжаллаб манглайдан қоқ.
Тўхта, жонгинам, бироқ,
Аниқ, хотирам алдамас,
“Бу ҳаёт – ҳаёт эмас!”
Самолёт кўкда, мана,
Айт, очилдастурхон, қани–
Самолётнинг хотини?
Кечикдими тўсатдан,
Ё тушдими зиндонга?
Ишонардим эртакка,
Эртақлар дўнди чинга.
Келганда навбат аммо,
Бўларман мисли тўзон.
Байроқларни ўшанда
Оломон элтар шодон.
Уйғондим, ерда поймол
Соғиниб бош суягим.
Ёки барча ҳуқуқим
Тиқайми печкага ё?
Қорай, майсазор ўтлоқ,
Тошга айлангин, дарё!





АЛФЕРОВО

Кам бўлмаган ботир кўмондонлар,
“Бахтлиман” деб тупрокқа бош қўйган.
Билардим, новгородликлар зотидан
Авлодим дея мағрурона куйган.

Ўтириб оппоқ пахмоқ бедовига,
Польша қиролини чўктирганди тиз.
Ғалабалар вафо қилмай гоҳида
Куларкан аввалги дўстлардан, афсус.


Ўтирар қари жўка кўланкасида
Зафар қозонганди у Измаилда.
Итоат-ла бир тўп буйруқ қоғозга
Ўлаётган чоғда айтди: “Биз енгдик”.

Жар устида от чоптирган амаким
Забт этганда руслар Гунибни.
Татар қиличининг жароҳатидан
Дарё бўлиб кони оқди.—Ўлди у.

Чопағон бедовлар қоп-қора тусда,
Тақаларининг жарангида янғроқ.
Олиб юрди ботир суворийларни
Дунай дарёсининг бўйларида гоҳ.

Боболар отларининг туёқлари,
Шахтидан туғилди рус салтанати.
Ҳар бир юришлари зафарга тўла
Шон-шуҳратнинг дўстлари билан.





Қай бири қилган Шарқда хизмат,
Қайрилмасдан асло ажал ўқиға.
Қулиб деган у душманға “Раҳмат”.
Қўлларин шарт қўйиб қўксига.

Энди-чи, мулклар боболардан қолган
Олов гирдобида қишлоғу сарой.
Қўрғонга бақамти турган бинолар
Эрталабга довур ёнди, ҳойнаҳой.

Аммо боболарнинг урфига содик
Посбони оталар васиятининг.
Уй ва хоналарда безовта кезар
Асабий торткилаб мўйловларини.

Хурматли зотлари улар пойтахтнинг,
Улуғлар сафида шахдам юради!
Юзларин негадир бироз хўмрайтиб
Эски чорчўплардан қараб туради.



ҲУРФИКРНИ СЕВГАН ШОИР

Рус шеърятти кўплаб буюк шоирларга доялик қилган. Хусусан XIX асрда А.Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, А.Фет, В.Брюсов каби атоқли шоирлар рус шеърятти осмонида чараклаган бўлса, XX аср бошларида А.Блок, В. Маяковский, О. Манделштам, С. Есенин, А.Ахматова, М.Цветаевалар шеърят майдонига гуриллаб кириб келишган.

XX асрнинг иккинчи ярми ҳам рус шеърятти учун жуда сермахсул давр ҳисобланади. Сталин катағонларидан кейин 60-йилларда янги бир авлод адабиётга кириб келди. Шулардан бири Евгений Евтушенко ҳисобланади. Ўз даврининг пешқадам шоирларидан бўлган Евгений Александрович Евтушенко 1932 йил 18 июлда ҳаваскор шоир Александр Гангнус ва Зинаида Евтушенко оиласида дунёга келган. Оила 1944 йилда Иркутск областининг Зима станциясидан Москвага қайтгандан сўнг шоирнинг онаси унга қизлик фамилиясини берган.

Бўлажак шоир Москвадаги 254 ва 607- мактабларда анча бўш, паст баҳоларга ўқийди. Дастлаб кашшофлар уйидаги шеърят тўғарагида иштирок этади. 1948 йилда 607-мактабда ўқиб юрган кезларида у синф журналини ёқишда гумон қилинади ва 15 ёшида мактабдан ҳайдалади. Табиийки, бу ёшда у ҳеч қаерга ўқишга ва ишга қабул қилинмасди. Шунда отаси уни танишига тавсия хати билан Қозоғистондаги геология- қидирув экспедициясига ишга жўнатади. Москвалик ўн беш ёшли ўспириннинг бийдай сахрога келиб, тирикчилик кўйига тушганини фақат тасаввур қилиш мумкин, холос. Кейинчалик у Олтойда ишлайди. 1949 йилдан бошлаб шоирнинг илк шеърлари эълон этила бошлайди. Яна бир



кизик ҳолат, Е.Евтушенконинг илк шеъри “Советский спорт” газетасида эълон қилинган.

Бўлажак шоир гарчи етуклик аттестати бўлмаса-да, 1952 йилда А.М.Горький номидаги адабиёт институтига қабул қилинади. Интизомга риоя этмагани ҳамда Владимир Дудинцевнинг “Фақат ноннинг ўзи кифоя эмас” романини кўллаб-қувватлагани учун у талабалар сафидан ўчирилади.

Айтиш керакки, 60- йилларнинг бошлари рус шеъриятида чинакам юксалиш даври бўлиб, бу пайтда Б.Ахмадуллина, А.Вознесенский, Б.Окуджава, Р.Рождественский, Е. Евтушенко каби шоирлар омма орасида жуда маълум ва машҳур бўлишган. Чиндан ҳам бу шоирларнинг шеърлари аввалги давр шоирлари асарлари билан таққослаганда шаклан ҳамда мазмунан бутунлай янгича, ўша давр ғояларига нисбатан исёнкор ва энг асосийси, ҳурфикрлилик, демократия тамойилларига ҳамоҳанг эди.

Шаклан ва мазмунан дейишимизнинг боиси шуки, шўро воқелигида оғизда, телевидение ва матбуотда жамиятнинг гуллаб-яшнаётгани, тез орада коммунизм қурилиши айтилса, бир ёқда жамият ва меҳнаткаш халқнинг аҳволи мақтанарли эмасди. Сўзда халқлар дўстлиги ҳақида гапириларию, аммо амалда рус шовинизми давом этарди. Мамлакатда эркин фикр юритувчи, давлат сиёсатини танқид қилувчи зиёли ёки ижодкор қаттиқ жазога мустаҳиқ эди. А.Сахаров каби олимлар, Б.Пастернак, В.Солженицин, И.Бродский каби адиб ва шоирларнинг қисмати бунга яққол мисол бўла олади. 60 йилларнинг илғор шоирлари шўро тузумининг камчилиги ва нуқсонларини кўра олди ва буни ўз ижодида акс эттирди.

Айнан Е.Евтушенко ижодига тўхталадиган бўлсак, унинг илк китобига ҳатто Сталинни шарафлаган шеърлар ҳам киритилганига гувоҳ бўламиз. Қолаверса, “Қозон





университети” поэмасининг битта боби бутун дунё пролетариатининг “дохийси” Ленинга бағишланган. Шоирнинг ўзи таъкидлашича, буларнинг барчаси шўро даври ташвиқоти ва тарғиботининг ҳосиласи ҳисобланади. Шоирнинг илк шеърларида оптимизм ва ва ёруғ келажакка ишонч туйғулари бирмунча бўртиб тургани кўринади.

Кейинчалик, шоир ижодида катта бурилиш юз бериб, у ўша 60- йилларнинг бошидаёқ “бепоён Советлар мамлакати”нинг заиф ва ожиз томонларини очишга киришади. Е.Евтушенко ўз даврида мавжуд сиёсатга муҳолифат даражасида фаолият юритган “Юность”, “Новий мир”, “Знамя” каби журналлар билан яқин ҳамкорлик қилди. Совет диссидентлари бўлган И.Бродский, В. Солженицин, Даниэл каби адибларни қўллаб-қувватлаши ҳам уни омма орасида машхур қилган. Шунга қарамасдан ўз замондоши, XX аср рус шеърининг атоқли вакили И.Бродский уни ёқтирмаган. Хусусан, 1987 йилда Евтушечонинг Америка санъат академияси аъзолигига сайланишини И.Бродский қаттиқ танқид қилган. Шунга қарамасдан, И.Бродский оғир вазиятларда ундан ёрдам сўрашдан хижолат тортмаган ва унинг илтимосларини Евтушенко ҳам ҳеч қачон рад қилмаган.

Е.Евтушечонинг фавқулудда муваффақиятга эришувида унинг шеърларидаги соддалик ва тушунарлик, шунингдек, унинг номи атрофида танқидчилар томонидан кўтарилган шов-шувлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шоир шеърларининг аксариятида образли ташбеҳлар ва қиссагўйлик кучли намоён бўлади. У енгил ёзади, кўпроқ сўз ва оҳанглар ўйноқилигига эътибор қаратади. Шоирнинг саҳналарда ва катта стадионлардаги чиқишлари ҳам унга анчагина машхурлик келтирди. Кўплаб дисклар, аудокитоблар нашр этди ва уларни ўзи ўқиди.





1963 йилда Е.Евтушенкoning номзоди Нобел мукофига кўрсатилган, лекин бунга сазовор бўлмаган. Америкалик шарҳловчи Роберт Шелтон “Нью Йорк таймс” газетасининг 1963 йил 28 октябрдаги сониди ёш шоир Боб Диланни Е.Евтушенко билан таққослаб, уни Американинг “Евтушенко”си деб атагани ҳам бежиз эмас.

Е.Евтушенко жаҳонгашта шоир бўлган, у дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган, шунинг таассуротлари асосида кўплаб шеърлар ёзган. Масалан, 1967 йили Португалияга ярим яширин ҳолда саёҳати давомида “Португалча севги” номли шеъри дунёга келган.

1991 йилда дунёни титратиб турган қудратли Совет иттифоқи ўз-ўзидан тарқалиб кетди. Гарчи Евтушенко ўз ижодида эркесварлик, ҳурфикрликни ёклаган бўлсада, дабдурустдан Совет иттифоқи тарқалиб кетишини, мамлакатда ҳукм сурган эгасизлик, бошбошдоқликни бирмунча оғир қабул қилган. Ўша давр фожиалари, ҳолатлари унинг кўп шеърларида акс этган. Шоир 1991 йилда Оклахома штатидаги Талса шаҳридаги университет билан шартнома тузиб, оиласи билан Америкага жўнаб кетади. 2007 йилда “Олимпия” спорт мажмуасида Г. Май томонидан Е. Евтушенкoning шеъри асосида “Оқ қорлар” рок операси қўйилди.

2017 йил 12 мартда шоир оғир аҳволда АҚШдаги госпиталга ётқизилади. Михаил Моргулиснинг гувоҳлик беришича, у сўнгги дақиқаларгача ҳам ақли-хушини йўқотмаган. 2017 йил 1 апрелда Хиллкрест Тиббиёт марказида (Оклахома штати, Талса шаҳри) шоирнинг юраги уришдан тўхтади. Шоир васиятига мувофиқ, 11 апрелда унинг жасади Москвадаги Переделкино қабристонига, Борис Пастернак ва Виктор Боков ёнига дафн этилди.

Е.Евтушенко олтмиш йилга яқин фаол ижод майдонида бўлди. Унинг илк ўзбек тилида нашр этилган китоби “Оқ қорлар”нинг нашр этилганига ҳам мана,





салкам қирқ йил тўлди. Албатта, шу ўринда шоирнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ниҳоятда самимий муносабати ҳақида тўхталмай бўлмайди. Бу ҳақда у шундай дейди: “Мен кинода Циолковский ролини ўйнаган одам, инсониятга Мирзо Улуғбекдай олимни берган халқнинг бутун жаҳоний аҳамиятини анламаслигим мумкин эмас. Унинг расадхонаси ёнида турганингда ўтмиш билан келажак орасидаги ришта аллақандай мавҳум нарса бўлиб туюлмайди ва ўзинг жаҳон тарихининг бир зарраси эканингни аниқ ҳис қиласан”. Е.Евтушенко кўплаб мртоба Ўзбекистонда бўлган, ўзбек шоирларидан айниқса, Омон Матжон билан дўстона муносабатда бўлган. Уни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг қадимий, бетакрор ва улуғворлиги ҳамиша мафтун этган.

Шоирнинг қуйидаги сўзлари юқоридаги фикримизни янада мустаҳкамлайди: “Буюк Осиё маданияти булоғидан баҳраманд бўлмаган, ўзини европалик деб ғурурланадиган бирор кишини том маънода зиёли деб бўлмайди. Бу булоқнинг боши эса — Ўзбекистон маданиятининг — суви тиниқ ва покиза. Меъморчилик, халқ оғзаки ижоди, мусиқа, халқ ҳунармандчилиги гўзаллиги — буларда нақадар ўзбекона ўзига хослик бор.”

Е.Евтушенко олтмиш йилга яқин фаол ижод майдонида бўлди. Унинг илк ўзбек тилида нашр этилган шеърый китоби, “Оқ қорлар”нинг нашр этилганига ҳам мана, қирқ йил тўлди. Унинг шеърлари Омон Матжон, Маъруф Жалил, Мирпўлат Мирзо, Абдумажид Азим, НодирЖонузок ва бошқалар томонидан ўзбек тилига ўгирилган.





* * *

Ит ухларди оёқ тагимда,
Шиддат ила гулхан ёнарди.
мен томон нимқоронғилиқдан
ўйноки кўз аёл боқарди.

Сўнгра аёл қарағай тагида
Менинг нимдош курткамга ётиб,
Дерди менга ўйчан тикилиб:
“Қани куйла!
Мен-чи куйлардим.

Ётар, қўшиғимга берилиб
Ўзи ҳақда хиргойи қилар.
Ёруғ кўзлик узук тақилган
Қўллари-ла гулларни юлар.


Ажралмасдик ўша сафарда,
Ҳамма дерди, шубҳасиз аёл –
Ақлику, аммо жин урсин
Ёш болани севгани ғалат.

Аччиқ, кўпол ҳазил мазахдан,
Судралардим ортда сукутда.
Боши тақир топограф менга
Ўргатарди ақл ўзича .

“Бундайлари учрамас ҳар кун,
Бу Московмас, тайгада осон.
Бошлиқлардан қўркмагин сира,
Ҳамма аёл, бариси бир гўр”...

Мен-чи, камгап, жиддий болакай
Узун-узун кечаларимда
Орзулардим оташин, кучли
Оламшумул севги ҳақида.





Аммо бир кеч олиб тўшакни,
Ётар эдим чорбоғда, катда.
Дугонаси билан валақлаб
Турарди у айни шу вақтда.

Каравотга гўё ёпишиб
Қулоқ тутар эдим гуруннга.
Ўпилмаган йигитча билан
Ачомлашиш ёқармиш унга.

Кетдим бадар туман қирғоққа,
Кездим қоронғиликда танҳо.
Туюларди ҳаёт алдоққа,
Ишонмасдим ҳеч кимга асло.

Ёқмас эди қизлар кўшиғи,
Ирмоқларнинг чулдираши шан.
Ётганимча юзтубан шувоқда,
Аччиқ-аччиқ йиғлар эдим ман.

Хўш, қандайин,
Менинг мулкларим,
Оқаётган олов нурида,
Кўтарилди мавҳум ҳиссиёт,
Ва урилди келиб юзимга.

Кўрдим –
Итни оёқ тагимда,
Ҳамда гур-гур олов ёнганин.
Аёл менга нимқоронғидан,
Ўйноқи кўз ила боққанин.





АФҒОН ҚУМУРСҚАСИ

Рус ўғлони ётар афғон тупроғида,
Мусулмон қумурсқа ўрмалар яноғида.
Ўрмалаш қийин... мурда соқоли ўсган,
Секин гап бошлади шунда қумурсқа:
“Билмайсан, қаерда узганингни жон,
Билганинг, кайдадир, яқиндир Эрон.

Нечун қуролланиб келдинг баякбор?
“Исломи” каломини эшитдинг илк бор.
Не берарсан бизга –ўзинг оч, юпун,
Халқинг навбат турар колбаса учун?
Сиз кўп ўлдиргансиз, ахир шу ишми
Йигирма миллионга яна қўшишми?”


Рус ўғлони ётар афғон тупроғида,
Мусулмон- қумурсқа ўрмалар яноғида.
Уни тикка қилиш, тирилтириш ҳақда,
Сўрашни истар насроний қумурсқадан,
Аммо етим ва есирлар шимол юртида,
Бундай қумурсқалар қирилиб битган..

* * *

Оппоқ қорлар ёғмоқда,
сирғалиб ипга гўё.
Ҳеч ўлмасанг дунёда,
бунга илож йўқ аммо.

Узоқда кимлар руҳи,
изсиз йўқолаётир.
Худди оппоқ қор каби
кўкка йўл олаётир.





Бўралайди оппоқ қор...
Кетгум мен ҳам йўқликка.
Ўлимдан не ғамим бор,
даъвом йўқ мангуликка.

Ишонмам мўъжизага,
Қор ё юлдуз эмасман.
Дунёга келмам қайта,
ҳеч қачон, ҳеч қачон.

Мен ҳам бир осий банда—
ким ҳам бўлардим бошқа.
Менга шошқин ҳаётда
недир улуғ ҳаётдан?

Севдим мен Россияни,
Бутун вужудим билан.
Дарёлар тошган чоғда,
музлар босганда қалин.

Суйдим гирду гўшасин,
қарағайзорлар ҳидин.
Пушкин ва Стенкасин,
боболар шаън-шукуҳин.

Ҳаёт баъзан серқилиқ,
аммо нечун надомат?
Кечмади умрим силлик,—
яшадим Рус деб, фақат.

Бир илинжга юкиндим,
(хавотирга тўла қалб).
Заррадайин бўлса ҳам,
Россияга бердим наф.





Майлига, у унутсин,
бир зумда мени осон.
Фақат у омон бўлсин,
то абад, то абад.

Ёғаверар оппоқ қор,
ҳамма вақтдаин гўё.
Пушкин, Стенка тугул,
мендан кейин ҳам ҳатто.

Лайлакқорлар ёғмоқда,
осмонлардан гупириб.
мен ҳамда бегоналар
изларини супуриб...

Мангуликка йўқ даъвом,
умид қиларман, бироқ:
Россиям бўлса омон,
Яшарман узоқ-узоқ.

1965

* * *

Московнинг қутурган қор-бўрони аро,
Соғинчдан қорайиб
ҳаммадан кўпроқ,
Наҳот мансуб бўлсам, бўлсам фуқаро—
Ватанга,
киборлар бошқарган, эвоҳ,
Заҳил чехрасига уларнинг магар,
иссиқни жўнатиб турарми Канар?
Нокерак ҳадядан менга на фойда?
Не қилсам, тушмасман юзтубан лойга?
“ЛогоВАЗ”да бир масхарабоз банда,
Ё бўлсамми мафияда – хонанда? !





Наҳотки мансубман мен ҳам,—
наҳотки,
ёт тупроққа кетган ётларга.
Ўзга жаннатларга юртин алмашиб,
Ўзини
унутган разил зотларга?
Кремлнинг ўзи
гўё юз буриб,
Кетди кремл дунёчасига кириб.
Ўз-ўзига дума беркинди қочиб,
Таъна-маломатга аммо не ҳожат!
Не деб таъна қилар бўғик, хирқироқ,
Теннисчи майкада, шоҳ ота, бироқ?
Сағир-етимларин долларга сотиб,
Халқим не дер менга таъналар отиб!
Виждонни унутган аҳли аҳбоблар,
Қозон тепасида разил, қаллоблар,
Сизга ялтоқилик қилишга асло,
Йўл кўймас шоирлик ғурурим аммо.
Қаёққа,
қаёққа бечораларим,
сукут ризоликка
ўхшар ҳар қалай.
Кечаги кунимиз либераллари—
Капиталга бу кун қул, малай.
Зиёфатда увулдирик, бутерброд,—
Тортиб оғзингизни ёпмоқда ҳайхот!

Майли куним битсин Оклахомада,
Ковбой даштларида топмайин омон.
Ҳомийларнинг юмшоқ,
аммо чириган—
сомонида ётиш ўлимдан ёмон!

1997 йил





* * *

Келиб тулинг менинг қабримга,
Хушёрликда ё сархуш атай.
Туфли ҳамда бахилла товшин,
Қаро гўрда жим тинглаб ётай.

Қарағай ва рябина шохин,
Келтирингиз қандай шох бўлса.
Олиб келинг севгилингиз ёки,
Қувонардим болалар келса!

Ўтириб майса ё скамейкада,
Мусалласни очинг бу фурсат.
Уялмангиз ҳеч каминадан,
Кўрсатингиз марҳумга ҳурмат.


Гап очингиз, пинҳон оғриқдан,
Аста-секин сим-сим йиғлатган.
Ҳеч бўлмаса сўзланг футболдан,
Мен қўрқаман ахир, узлатдан.

Керак эмас мрамардан тахта,
Кўзларда ёш, нутқлар беҳуда.
Тортинмасдан сотинг сафсата,
Менинг қувноқ қабрим устида.

Камтарликни муносиб кўринг,
Ёзди деманг қалин китоблар.
Ёлғончи деб эсланг! Янграсин,
Қабрим узра ваҳший хитоблар.

Ёлғон- яшиқ тўқинг ва алданг,
Бу ёлғонлар кела олсин мос.
Малаховка ва Гаити ҳақда,
Мен тўқиган чўпчакка бироз.





Нелар демас қайсар олифта,
Менсимасдан тиш орасида.
Бўлсин сал-пал асл ҳақиқат,—
Ёлғонларда, менинг ҳақимда.

Уйдирмалар ростига дўниб,
Йўғирилсин афсона билан .
Ўлдирмади ғийбатлар мени,
Ўлдиролмас афсоналар ҳам.

Шеърларимда қолмасман албат,
Олтин ораликда жумбоғим.
Суйдим Она ерни мен фақат,
Жондан суйди мени тупроғим.

Ва истади Замин чунонам,
Билмасин, деб бу сирни, инсон.
Қаёқларда дайдиган танам,
Саёқ замин вужудинг қаён?

Менга маза, жунжикиб аччиқ,
Алал-охир барин англамоқ.
Намоёнман, кафтлари аро,
Болаларнинг мен ялангоёқ.

Ўлмоққа ҳеч келмайди тобим,—
Ҳамдардлик ва мотамга, лутфан.
Келиб туринг қабримга токим,
Қабрки, мен у ерда йўқман.





ЎҒИЛ ВА ОТА

Гўдак, сен отанга ота бўл,
Ахир отанг гўдак-ку ҳамон.
Зохиран у гўё қаттиққўл,
Аммо қийин–юзидан аён.

Сенга китоб ўқир варақлаб,
Маугли ва Шерхонлар ҳақда.
Сон-саноксиз унда яралар,
Ингроғини яширар аста.

Гўдак, кўзда ёшингни артиб,
Шўхлик ила отангни юпат.
Чангалзордан келсада қайтиб,
Ишонмас у, тирикми бу пайт.

Етар гўдак, инжитма уни,
Тантиқланма, инсоф қил бироз.
Ўжарлигинг ила бир куни,
Отанг дардин олмагин мерос.





КИБРЛАНМА

Кибрга ўранма – мағрурланмагин,
Ғилофда ҳам тусин йўқотмас ялов.
Мени тушунмаслар, дея йиғлама,–
Ақалли тушунар қачондир биров.

Ўзингга ишонма. Фурсати келса,
Манманлик емириб кетар даҳонгни.
Бачкана мақтовга ўчлигинг эса,
Бир пулга туширар нарху баҳонгни.

Шон-шуҳрат ва жазо хатари битта,–
У кибр, жиловлашни зинҳор унутма.
Қабул этма ҳурмат дея орденни,
Орден деб, юзингни тупукка тутма.

Хушфеъл “тоға”лардан кутма садақа,
Хасислигинг эса маҳв айла бетин.
Юлишга ошиқма, юҳо мечкайлар,
Қашшоққа дўнади ҳовлиқиб бир кун.

Бўлмасин ҳовли-жой, ҳатто қозик ҳам
Ерга урдилар, деб интилма тахтга.
Гадодай эркин бўл пулинг борида,
Аммо гадо бўлма қашшоқлик вақтда.

Энг тубан иллатдир ҳасад аслида,
Ўзгалар ютуғи солмасин туғён.
Ҳасад қилма ўзгаларнинг ақлига,
Нодон кимсаларга ачингил пинҳон.





Бошқалар фикрини ҳақорат билма,
Зиёфатда ёки қазо – сўроқда.
Севимли бўлмоққа, бахтга интилма—
Сева ол, сеvimли бўлмаган чоғда.

Истеъдод омадли қартамас ошна,
Ҳалоллик, жасорат тушмас осмондан.
Ҳотамдай кеккаяр аслида зиқна,
Ботирман деганлар, кўрқоқ куёндан.

Кибрланма, санаб ўзинг мард, танҳо,
Курашда ўртада юрганинг замон.
Енгганинг чоғда ҳам ғурурни ҳатто,
Кибринг-ла умрингни этмагин яксон.





ДАҲРИЙЛИККА УРИНИШ

Юкундим абадий оҳанрабога,
Зулмат чўкканида кўнглимга доим.
Таваллолар қилдим боқиб самога,
“Кечиргин, қўллагин ўзинг, Худойим”...

Худойим кечирар ва айлар кўмак,
Қутқариб ёмонлар дастидан мени.
Қавми одамизот билмас кўрнамак,
Худонинг бепоён марҳаматини.

Яратган қарайди бизга чўчиброк,
Уни не ном билан атамайлик, бас.
Исоми, Буддами ва Аллоҳми ё,
У Худо бўлишдан толиққан, хуллас.

Гарчи У мавҳум бир хилқат, ҳаттоки –
Опичиб юришар кимлар қурчоқдай.
Худо суллоҳлардан нарига қочиб,
Яширинсам, дейди бирор бурчакка.

Илож йўқ, бекина олмайди аммо,
Занжи кул мисоли қадлари букик.
Худога инонмоқ истайди Худо,
Ҳолбуки, оламда бошқа Худо йўқ.

Бизлар ёлвориш-ла юкинган бир он,
Қарзимиз тўлашни унутиб доим,
Ҳеч биров эсига келмас бу калом:
“Кечиргин, қўллагин, ўзинг Худойим...”





* * *

Паровоз чинқириғи,
Турнабўйин кувурлар.
Лабларнинг орасидан
Бир уфунат шивирлар.

Кечир мени, яхши қол,
Кишандан оёғим еч.
Йўллар айродир, алҳол,
Учраша олмасмиз ҳеч.

Баҳорнинг йўлларида,
Учаверар поездлар.
Қўллармас, тушларимиз,
Тунда бир-бирин излар.

Вокзал ҳувиллаб ётар,
Куйиб-ўртаб қайғудан,
Ким ҳижрондан беҳабар,
Сўз очмасин севгидан.





ОДАМЛАР КУЛАРДИ ДЕВОР ОРТИДА

Е.Ласкинага

Одамлар куларди девор ортида,
бемор қизчам билан эдим андармон.
Хувиллаган кўнгил мамлакатида,
деворга нафратим ошарди чунон.

Одамлар куларди девор ортида,
гўё ўчакишиб, қилгандек мазах.
Кулишарди улар атай устимдан,
ютишиб виждонни, уришиб қаҳ-қаҳ!


Келганди ҳолбуки, кўшнига меҳмон,
ҳолдан тойгунича рақсга тушишган.
Қайдан ҳам билишсин ютганимни қон,
тўйиб-мириққанча кулса, кулишган.

Одамлар куларди девор ортида,
Чоғир-ла қиздириб олиб ўзини.
Кулишган, келтирмай кўзи олдига,
мен ва хасталикда ётган қизимни.

Одамлар куларди...Неча бор мен ҳам,
кулганим эсимда, қаҳ-қаҳа отиб.
Девор ортида-чи, ким берарди жон,
кимдир ўтирарди ғуссага ботиб!

Қайғу гирдобиди ўйлар эди у,
жони халқумига келиб бетоқат.
Куляпман гўёки унинг устидан,
Эҳтимол, қияпман уни ҳақорат.





Азалнинг ишлари ҳамиша бир кам,
хеч хазон билмайди олам шу боис.
Ким девор ортида кулганда беғам,
ййғлаймиз ғуссага кўмилиб ёлғиз.

Ранжу аламлардан ўртаниб, ёниб,
бу гуноҳни асло ортма елкангга,
Ҳасад-ла ўйлама хўрламоқда деб,
Девор орқасида билмай кулганга.

Шундайдир турмушнинг мувозанати,
ҳасад – ўз-ўзингни хўрлаш бегумон.
Сен бахтсиз аснода бошқалар бахтли,—
бўлсалар, хўш, бунинг нимаси ёмон.

Пайт келар Азроил олиб ёқангдан,
юмилар кўзларинг, совийди танлар.
Шунда ҳам одамлар девор ортида,
кулсинлар, мириқиб кулаверсинлар!






ДЕРАЗА

Аллақачон чироклари ўчган
Баланд ҳамда кўркам бинода,
Ёруғ таратарди,
якка дераза
Зулумот кечада ажиб чароғон.
Ўтардим
Ўзимдан,
дўстлардан хафа,
Ўйлардим, ўйларим қатъий ва аниқ:
“Не сабаб у чироқ турибди ёниб,
не билгум у ҳақда?
Менга ноаниқ
деразада чироқ ёнган сабаби,
қизиқ-да,
эҳтимол, сақласин Худо
марҳум эрини ёд этарми бека?
Инсофга чақириб маст завжини ё,
Аёл ёлворарми ашқларин тўка?
Балки бўйдоқ йигит ечар кроссворд,
Хаёлу ўйлари зич ва тиғиздир?
Бир шўрлик безовта, уйкуси қочиб,
Ё бир жувон кир-чир юваётгандир.
Қуён юрак кимдир зулматдан чўчиб,
Ёруғ-ла қўрқувни куваётгандир.
Рақсга тушишар балки?
Шунданми ёруғ?
Кимдан бунни сўраб бўлади билса...
Эҳтимол ҳаммаси ухлаб қолишган,
Эсдан чиққан чироқни ўчириш эса?”
Ўтиб кетдим.





Ўзим шунга ишониб,
Кир ювмаслар унда,
қилмаслар тикиш,
Дунёни сўкканча қилмас можаро,
Муҳим бир нарсани ўйлашар бу кеч,
мен учун муҳим у нимадир гўё...





ЙЎҚОТИШ

Россияда Россия
Россияни
йўқотди,
Ўзини ахтаради,
сомондан мисли сўзон.
Кўр кампирдай
ҳавога қўлларини чўзганча,
тарғилини излайди
тўқайзордан у сарсон.
Ёқдик иконаларни.
Китобга ишонч ўлди,
Келмиш не балоларни даф этардик-ку биз.
Наҳот ўз зулмимизга
ўзларимиз қул бўлдик,
ўзимиз ўзимизга
босқинчидан ҳам ёвуз.
Наҳотки бизга қисмат,
ғўр, думбулликда яшаш,
гоҳ Пугач елкасида
куённинг пўстинидай?
Наҳотки тутқаноқлик
феъл- хўйимизга туташ,—
гоҳ ўз -ўзини хўрлаш,
гоҳ тутақиш жиннидай.
Мис исёни, туз, картошка исёни,—
тушдайин ўтаётир,
Зўр исёндан Кремль
қалтираб, титраётир.
Наҳот танлаганимиз, офат
ҳамда бахтсизлик—
Билмам, опричинами*
ва ёки қароқчилик?

* опричина—Иван Грозний даврида ўтказилган ислохотлар





Катталар бари сохта.
Атаманлар ҳар ёқда,
Чалкашиб кетдик
кимнинг номини кўтармоққа.
руснинг калласини туманлар ўрамоқда,
бу туманларда
ҳамма бирваракай ноҳақ,
барча айбдор барига.
Бу туманда тиззагача
қон кечиб дайдияпмиз
Етар, Худойим, бизга беҳисоб жазоларинг
Сен бизларни авф айла,
қилгин шафқат .
Наҳотки биз ўлганмиз,
ё туғилмадик ҳали,
Туғилармиз бизлар қайта,
Оғирроқ ўлимдан ҳам
Қайта туғилиш фақат...

* * *


Хушламас кўплар мени,
Тиркайди айбу гуноҳ.
Мен ҳақимда гап кетса
Ургандай гўё чақмоқ.

Қовоқ солиб, шикаста,
Кулишар устимдан.
Улар ғайри қарашин,
Сезаман ортимда.

Ёқади булар бари,
Фахр туярман анча.
Сололмас мени йўлга,
Уринса-да, ҳар қанча.

///





Бепарво юкоридан,
Боқиб қутуришига.
Тошдайин қувонч ила
Теккум атай ғашига.

Тушунаману, аммо,
Баъзан юраман аранг.
Афтодаҳол, қийналган
Йиқилгудай ҳолим танг.

Зўраки кулолмасдан,
Азобдан ёнган жонман.
Ўзига бино қўйган,
Шоввоз уддабуронман.

Уларга берк кўнглим-ла,
Бундай эмас, сезаман.
Не учун сақлашар кек,
Лолу ҳайрон кезаман.

Изғирин тор кўчада,
Сукут-ла одимлайман.
Ўзимга ишонишни,
Жуда-жуда хоҳлайман.





ХОҲЛАЙДИМИ УРУШНИ РУСЛАР?

М. Бернесга

Хоҳлайдимиз урушни руслар?
Сукунатдан сўрангиз сизлар,
Ердан сўранг, яшил кийинган,
Сўранг тераклару қайиндан.
Сўранг авжи йигит чоғида,
Шаҳид жондан, қайин тагида,
Дилларида сўнгсиз фарёди,
Сўранг, айтсин улар зурёди,
Хоҳлайдимиз урушни руслар.

Ёвни қувиб она макондан,
Олға борди, воз кечиб жондан.
Ер юзининг халқлари бугун,
Ширин тушлар кўриши учун.
Япроқ сасин тинглаганча хуш,
Ухла Нью-Йорк, ухлагин Париж,
Тилагумдир энг гўзал тушни,
Хоҳлайдимиз руслар урушни.

Биз билармиз қилмоқни саваш,
Лек керакмас гурлаб ўт –оташ,
Аскарларнинг учиши ўққа,
Қорилиши қора тупроққа.
Сўранг буни онаизорлардан,
Сўранг буни мунис ёрлардан,
Мағзин чақинг сизлар бу сўзни,
Хоҳлайдимиз руслар урушни.





ЙИГИ

В.Шукинга

Тумшуғидан қон сизар, олмайди нафас,
Кўзлари юмилган. Бўйни қийилган.
Қайикда ётибди пажмурда бир ғоз
Кумуш қанотлари қонга бўялган.

Иккови учарди Виллой бўйлаб соз,
Ўқ еди улардан бири парвозда.
Шериги чарх уриб, солди айюҳаннос,
Қайиқ тепасида нолон овозда:

“Кўкиш биродарим
кўз очдик бир дам,
Тухум пўчоғини синдирганча қоқ
Ҳамиша емишни онам ва отам
Аввал сенга тутди,
менга кейинроқ.

Кўкиш биродарим,
Сен эдинг кўкроқ,
Патларинг самода берарди жило.
мен қорамтир эдим,
ғозлар сенга мушток
Мен тарафга сира боқмасди қиё.
Кўкиш биродарим,
қайтишдан қўркмай,
Учардик иккимиз уммон ортига.
ажнабий ғозлар мени кўзга илмай,
Парвона солланди
Сенинг гирдингда.





Кўкиш биродарим,
Учдик осмонда,
Тинмай саваларди жалаю ёмғир,
Оқиб тушар эди сувлар шу онда,
Сендан енгилгина,
мендан-чи, оғир.

Кўкиш биродарим,
Патимиз тўзғир,
Одамлар пиширар бизни начора.
Сен мenden, мен сендан
Бўлай деб ўзғир
Сен-да парт бўларсан,
Мен тилка-пора...

Кўкиш биродарим,
чўкишиб ўтдик,
қондошлик
Ҳаққини назарга илмай.
аясак бўларди бир-биримизни
Ажал жонимизга
тажовуз қилмай.

Кўкиш биродарим,
сўрайман бир ўк,
Беҳуда ҳасадим учун ёлвориб.
Менга жазо учун укажон—
Сени ўлдирдилар,
Мени эса
Йўк...”





ИЛТИЖО

Қанча қувонмайин мен бу ҳаётда,
Шодумону хафа,
хушёр ёки маст,
Непалдами
ёки бир аросатда—
Қанча юксалмайин,
тушмай қанча паст,
Тақдир қанча илтижони амр этса,
Менда тавалло йўқ бундан бошқа:
“Фақат сен,
Фақат сен касал бўлмагин,
Фақат сен,
Фақат сен ўлмагин...”
Шифохоналарга ташласам нигоҳ,
Сен ҳақда ўйлайман,
Қовурғамда пичоқ,
Мозор зулматидан кўрқар виждоним,
Қасдма-қасд кўрқитар:
“Оламиз биз уни шу чоқ!
Жуфтини азобга қўйса кимда ким,
Ўлимдан даҳшатли сенинг азобинг.
Майли ором олсин.
Яширамиз чуқур,
Ортиқ уни қийнамаслигинг учун!”
“Худойим!—
Қичқираман юрак туби-тубидан
Менга керак эмас абадий жаннат.
Майлига жоним ол,
Аммо севгилимдан кейин
Ўлдириб, азобга қўймагин фақат!”





ТАСЛИМ БЎЛМАЙМАНУ

Таслим бўлмайману, таслимман аммо,
Ручкамни қўлимга олмайман ҳатто.
Ҳорғин овозимдан келади чиқиб,
Ваҳимали гунглик, юракни сиқиб.

Асло эшитмайман, тўшакда ухлаб,
Бўрон не демоқчи, бақириб, дўқлаб.
Трамвайлар ҳам кўча шовқини аро,
Бақирар ўзича тунд, мотамсаро.

Афиша парчаларин шивир-шивири,
Томлар тунукасин тақир-туқури,
Қувурдаги сувлар шайдир навога,
Бўғиқ ғўлдирайди симлар ҳавода.

Гоҳо инсонлар ҳам қолганида танг,
Дардини бировга айтолмай саранг.
Ёлғизликда унсиз, саклайди сукут,
Азоб-уқубатдан ғўлдираб беҳуд.

Столим ортида туриб-да мен ҳам,
Имкон дарёсига бўйлаётирман.
Бошқалар ғамини этганча рақам,
Ўзимнинг дардларим сўйлаётирман.





УЗОҚ ҲАЙҚИРИҚЛАР

Ю.Казаковга

Нариги қирғоқда кулба мудроқда,
Тулпор кишнаётир қора ўтлоқда,
Бақираман ва отаман, отаман,
Иложим йўқ ҳеч кимни уйғотмоққа.

Шамол ўқ овозин у ёққа элтса,
Ҳеч қурса бир кўпак уни эшитса!
Ўликдай ухлашар.. “Узоқ ҳайқириқлар”,–
Қанийди одамлар қалбига етса.

Овозим залларда гумбирлаб янгроқ,
Майдонларни ёрди қудратли чақмоқ,
Аммо кулбачага етиб боришга,
Уни уйғотишга ожиздир – бу чоқ.

Қўшни ҳайдаб ҳорган басма-басига,
Ухлаётган деҳқонга ҳар нафасида,
Эшитилмас янгроқ овозим ҳатто,
Қарағай шовури, қамиш сасича.

Нима бўлди воиз, не гап пайғамбар,
Йўқотдинг ўзингни, титраб-да магар,
Ўқларинг тугади. Овозинг тинди,
Гулханинг ўчириб қўйди ёмғирлар..

Кўп ғам чекма, кўзинг ёшини арта,
Жиддий ўйлаш мумкин ҳали кўп марта,
Вақтимиз бемалол..
“Узоқ ҳайқириқлар”–
Кечув жойимизнинг номи, албатта.





ҚҰНҒИРОҚЧА

Кечиргин, азизим, уй йўлагиди,—
Ярим тун. Ёмғирлар остида бу пайт.
Гўдакларча лаб тишлаб, мен сендан
Юзимни тескари буряпман лоқайд.

Сен билан ғалати тутяпман ўзим,
Мендан аямагин шафқатни бироқ.
Менга алданишлар кўрқинчли эмас,
Жуда кўрқинчлидир – сени алдамоқ.

Мени ўр, қайсар деб ўйлама сира,
Кўнглим хуриллайди ёнингда юрсам.
“Севаман” демоғим –эмасдир тўғри,
Ёлғон ҳам бўлади – “севмайман” десам.

Тегманозикларга йўқ ҳеч иддаом,
Ягона ўтинчим, сен ёнимда қол.
Ўшанда кўксимда жажжи кўнғироқ,
Ногаҳон жаранглаб кетар, эҳтимол.

Қатл айламагин, этмагин афв ҳам,
Темир ё тошларга йўқдир ўхшашим.
Яхшидир сен билан бўлмоқ, азизим,
Аммо кўксимдаги кўнғироғим жим.

Сен мени атама қайсар деб ногоҳ,
Сен билан доимо кўксим осмонда.
“Севаман” дейишим тўғримас мутлоқ,
“Севмайман” деганим ўхшар ёлғонга.



К.Шулженкога

Бўралайди, бўралайди қор,
уринаман қорни уқмоққа.
Болалигим келгандай такрор,
узоқлардан мени кўрмоққа.

Кимдир мени қайгадир бошлар,
қўлларимдан етаклаб шу он.
Қадим, азал суҳбатга тортар,
чироқлару, дарахтлар, бўрон.

Ўтаверар ёшлик кўзимдан,–
Сретенка ҳамда Мохово.
Ҳали унда ёш ҳам эмасдим,
шошилардим ёшликка аммо.

Айланади, айланади тун,
ётгандайман мен ўрамада.
Ёшлик билан ўртада парда,
мени парда тўсмиш ҳаммадан.

Аммо худди бўялган каби,
Ёғдусига кунларнинг холис.
Лўли қиздай шўхчан, ўйноқи,
ёшлик ташлаб кетади олис.

Соддалигим этганча сазо,
ҳаётимни қайта бошлайман.
Ўзимни бир дайди ит каби,
Занжир ила чирмаб ташлайман.



Бўралайди, бўралайди қор,
Урчукдайин айланар очун.
Келар ёшлик– лўли қиз айёр,
Деразамнинг тагига тағин.

Бўралайди, бўралайди қор,
Юлқинаман занжир қасдида.
Ҳаёт–думалоқ қор чирпирар,
Ерда, одам оёқ остида.





ВИЖДОН ҚИЙНОҚЛАРИ

Д.Шостаковичга

Яшаймиз, ўлимни назарга илмай,
Уятсиз яшашга кўникдик осон.
Виждон фариштадай кўзга кўринмай
Ҳар бир муюлишда йиғлайди гирён.

Унинг болалари бу пайтда, эвоҳ,
Дайдир қўлда асо мунгли, ғамбода.
Виждон қийноқлари – ғалати қийноқ,
Виждонлар сотилган каззоб дунёда.


Бир эшикдан ўтар бошқа эшикка,
Ҳатлар остонадан остона томон.
Виждон болалари кўз тикиб кўкка,
Нажот қидиради афтода, сарсон.

Кир-чир тирноқлари қонсиз бир тусда,
Юришар оч-юпун, кўзини ёшлаб.
Қашшоқлар ойнасин чертиб оҳиста,
Шоҳлар саройини мушт ила муштлаб.

Улардир толиқиб ҳорган извошда,
Пушкинни бўронли тунга зувлаган.
Достоевскийни тикиб авахтага,
Толстойни “Қоч”деб уйдан қувлаган.

Буни яхши билган жаллодлар қавми:
“Кимни виждон қийнар ёт бизга, демак.
Виждон қийноқлари – бу ўта хавфли,
Виждонни аёвсиз маҳв этмоқ керак”.





Зангула товшидек қудратли янғроқ,
Қонини ларзага келтириб тунлар.
Виждон қийноқлари – даҳшатли қийноқ,
Жаллодлар кўксида ёқар жунунлар.

Ҳамоқат мулкининг дарбонидир ким,
Номусни бой берган у аллақачон.
Виждондан мосуво бўлган у, лекин,
Виждон қийноғидан бўлолмас дархон.

Бу рўйи заминни минг бор айланиб,
Рўпара келмадим покдомон зотга.
”Нима қилдим ?”деса биров ўйланиб,
Недир қилиш мумкин бўлар ҳаётда.

Ишонмам набийлар ва иккинчи Рим, –
Мингинчи Римларнинг башоратига.
Ишонгум жимгина: Не қилмоқдасиз?”
“Нима қилмоқдамиз?” – ишоратига.

Ўпаман киру-чир қўлингиз қадоқ,
Жаҳолат чоҳининг олдида бу кун.
Виждон қийноқлари –энг ёруғ қийноқ,
Сўнгги ишончимни асрамоқ учун.



* * *

Сўнг бор уринаман бахтли бўлмоққа,
Тўғирлаб бурилиш, узилишларни.
Ноҳос урилади бу кун димоққа,
Маржон мевасининг сирли ислари.

Бахтли бўлмоққа уринаман сўнг бор,
Жарлик ёқасида арвоҳим бу чоқ.
Истар ғуссалардан қочиб зулмкор,
Ўзин ташламоқни устимга арвоҳ.

Суяк синиқларим устида алҳол,
Ниначи нафасин ростлар ўтириб.
Чумолилар кўноқ бўлар бемалол,
Кўзим косасининг ичига кириб.

Мен руҳман. Вужуддан сирғалиб чиқдим,
Майда-майда суяк пойимда ётар.
Аммо арвоҳлигим бўғзимга келди,
У мени жарларга қулашим истар.

Севган арвоҳ ахир мурдадан даҳшат,
Сен эса кўрқмадинг, англадинг бирдан.
Сақрадик бир-биримизга қараб, сўнг,
Аммо ёйилган кенг қанотларимиз, –
Бизни олиб ўтди туманли жардан.

Биз сен билан битта тўшакда эмас,
Туманда турибмиз, осилиб аранг.
Мен арвоҳ. Мен йиқилмайман,
Аммо сен тириксан. Кўрқаман сендан.

Бошимда чарх уриб, қағиллар қарға,
Янги қурбон истаб, ҳарб майдонида.
Бахтли бўлиш учун сўнгги уриниш,
Севмоққа уринган сўнгги онимда.

124





* * *

Бир пайтлар мўл эди сенда кулгулар,
Ҳайратли, ҳаяжонли, айёр кулгулар,
Озгина ғамгину, вазмин кулгулар.
Қолмабди-ку сенда, сира кулгулар,
дала топаман, ўсган юзлаб кулгулар,
Келтираман сенга гўзал кулгулар,
Сўйла, ўзи сенга керакми кулгулар,
Чунки чарчатибди сени кулгулар,
Ҳоритди мени ҳам бегона кулгулар,
Менда ҳали ҳам кўп таянч кулгулар.
Юзимда саргардон – аянч кулгулар.



* * *

Аёлда денгизга ўхшаш недир бор,
Денгиз ҳам ўхшайди бироз аёлга.
Тўлқинлар яшайди уйчаларда тор,
Озгин сийналарга бекинган ҳолда.

Сезган ёки сезиб бўлган тўлқинлар,
Ғоже қисматнинг тушмиш қасдига.
Ғаройиб ўралган соч турмаклари,
чағалай– чинқирар боши устида.

Аёл – денгиз каби мой доғларидан,
Пўртаналар билан покланар аён.
Тери тагидаги қил томирларда,
долғалар гувлайди солиб ғалаён.





У ерда, ёдингни пинхон қаърида,
синиқлар беҳаддир– сиғмас саноққа.
Умидлар-чи– ложувард балиқлар,
тағин тушадилар ночор қармоққа.

Аёл, чорлайверар, денгиз мисоли,
эркаклар-чи, ўхшар нақ кемаларга.
Излар сув юзидан бахтиёр толе–
чукурликни сира илмай назарга.

Аёл, денгиз каби, ялинар кўкка,
Шамолни юбор деб,сукунатда гоҳ.
Аёл – денгиздирки, айниқса,
Қисматдир бизларга денгизга чўкмоқ.





ДАФН

Мажрух қалбим даволайман,
Тупурмайман тузликқа.
Кўнглим сезар, аммо мени,
Ўлдиришар тезликда.

Ўлдиришар пинҳон мени,
Чиқмасин, деб можаро.
Яъни де Голль ёки Тито,
Қилолмасин деб даъво.


Қилмас даъво, чўчиманг ҳеч,
Де Голль ҳеч қачон сизга..
Фақат шуни эсда тутинг,
Оғриқлар бўлсин қисқа.

Қийноқлару оғриқ билан,
Устасиз олмоқда жон.
Мархум учун оғриқ нима,
Ўлганман, аллақачон.

Мендан асло Мусо чиқмас,
Башоратларим бекор.
Россияга нафим тегмас,
Ўзим ҳам кўмакка зор.

Галяхонни севар эдим,
Шабнамни суйгандай барг.
Муҳаббатим осмонида,
Қора тутун урди чарх.





Ёр кўзини ёпди булут,
Ютдим кўзёшим— тахир.
Ютганича шабнамни дуд,
Ёғдирмади бир ёмғир.

Икковимиз Галя билан,
Суйдик Париж тонгларин.
Шафақларда жилоланган,
Бинафшаранг томларин.

Урушибман дунё билан,
Мен савдойи жинқарча.
Ўғирлабман кўчалару
Кўприкларни бир кеча.

Сўнг ёпилди чегаралар,
Абад менга тақа-тақ,
Тушларимга Париж кирар,
Қағиллар қораялоқ.

Беҳудадир сўзим барча,
Россия, тингла аммо.
Хайр энди, жоним Галя,
Париж, кўришгунча то.
1965





* * *

Шоирлар шеърларни кетмайди ташлаб,
Шеърлар шоирларни этадилар тарк.
Кўрққанидан улар елканни кесиб,
Сувга бирданига бўладилар ғарқ.

Аянч тақризларнинг уюми ила,
Кимдир ачомлашиб отаркан хуррак.
Сатангларнинг тирноқ арраларида
Елкан аллақачон кесилган демак.

Шеърларда ўзининг нуқтаси турмас,
Ҳамда муаллифлик номи насаби.
Улар ўз сатрига хоин бир нокас,
Идеаллар эмас улар матлаби.

Аллақайсиларнинг бўрсилдоқ тани,
Тўнғиз ёғидайин тўнғиган қотиб.
Шеърлар ўзимники дея ҳаммани,
Интирмоқ бўлар терларга ботиб.

Байроқ эмасдир елканлар кесик,
Бурунги хизматлар ўтмас ҳисобга.
Аммо назаримда, энг даҳшатлиси,
Шоирнинг дўнгани ночор косибга.

Эзмалик сукутдан ёмондир ахир,
Кулагач, парвоз ҳам топади якун.
Эзмалик аралаш майдакашликни,
Қайта туғилиш деб этишар талқин.





Болалар сингари воз кечиб кетган,
Ўзларига нолойиқ оталаридан.
Кўксимизда ўтдай отилиб чикқан,
Шеърлар бизга уруш қилади эълон.

Айлансак кўрқоғу, пасткашларга биз,
Арзимасак мутлак бирон бир корга.
Оламдан ўтсак ҳам йиғламас ҳаргиз,
Шеърларимиз бизнинг ғариб мозорда.





ОҚ ЙЎЛ

М.Кацга

Ўз оёғингни ўзинг
Кўтариб юр ҳамиша...
Йўллардан-чи, йўлларнинг,
Ҳолидан қил андиша.

Сўрасин йўлнинг ўзи,
Эгилиб буралишни.
Севиб, ардоқлаб бизни,
Елкасига олишни.


Омма Худосиз бўлса,
Не қилолур пайғамбар.
Йўлсизликда бизларга,
Йўлдир Аёл –мўътабар.

Қисмат ажин юзига,
Майли, тўлов қилмасин.
Аммо карам шўрвасин,
Кўйлагига тўкмасин.

Аёлинг ва болангни
Яша жонингдан суйиб.
Ёвузлар ўз феълидан
Аламдан кетсин куйиб.

Кўтарсин йўлин ҳар ким,
Қулоқ тутиб виждонга.
Бу дунёда сиғинар,
Ким амал, ким Яздонга.





Яна битта тарафи,
Қўшиб қўйилсин албат.
Ҳаммани қўлласин йўл,
Хоин чикмасин фақат.

Қайда эманзор, дала,
Жонинг бўлар роҳатда.
Юр нарироқ, албатта,
Шон-шуҳрат, сиёсатдан.

Тобут ва қабр устида,
Гаплар бўлмасин узок.
Сендан марҳум қабрига
Кифоя бир кафт тупрок.

Ўлим олди тўлғанма,
Ажалнинг кўнглини ол.
Яша майли, то абад,
Навқирон – мисли мақол.
1994





* * *

Сиз мени севасиз. Дарровда эмас,
Сиз мени севасиз пинҳона, бесас.

Севасиз танангиз сесканиб, чўчиб,
Гўё куш ойнадан киргандай учиб.

Тоза, кир ҳолимда мени севасиз, –
Хор, бемор ҳолимда мени севасиз.

Сиз мени севасиз шуҳрат-шонимда,
Сиз мени севасиз оғзим қонида.

Сиз мени севасиз тутганда асо,
Сиз мени севасиз ўлганда ҳатто.

Сиз мени севасиз. Қўллар боғликдир,
Бизга бу заминда айролик йўқдир.

Мени севасизми? Ақлингиз қосир,
Мени севмагансиз. Аввалу охир...

1974



* * *

Лойиқ бўл, муҳими, лойиқ бўл,
ҳар даврга чиқишга рўбарў.
Айниқса, даврлар турғун бўлса,
тагигача лойқаланиб ётса у.

Лойиқ бўл, муҳими, лойиқ бўл,
олғирлар ризкингни қиймасин.
Молхонага етаклаб бориб,
оғзингга похолни тикмасин.

Вақт олдида кўркув–йиқилиш,
титрамагин кўркувдан эй жон.
Йўқотишга доимо шай тур,
ҳаммасидан йўқотиш ёмон.

Бўлганида ҳаммаси барбод,
тузатишга топмасанг тўзим.
Сен ўзингни шундайин юпат:
“Бу кунни ҳам ўтказиш лозим...”

1976





* * *

Олма думалади осмондан ларзон,
Ёки ташладими нобакор шайтон?
Фаришта қаноти силкдими шохни,
Ё булбул тумшуғи туртди бутокни?

Ерларга урилди олма бешафқат,
Атрофга сачратди шираю шарбат.
Уруғи ичида жаранглаб шу чок,
Ёлворарди менга: “Олақол тезроқ”.

Шабнамда ётарди ярқираб олма,
Гўзал бир малакдек, беллари толма.
Ором олар эди руҳи, вужуди,
Улкан сайёрада сайёра митти.

Олма ёриғига бегидир, бекин,
Кирди мазахўрак бир ари лекин.
Олмани авайлаб олиб шу дамда,
Ари билан олиб кирдим хонамга.

Ари кўтарилиб олмадан шу он,
Гўнғиллаб куйлади ўзича чунон.
Қадим эртақдаги ажиб ўтмишдан,
Ўшал гўзалликка вобаста нишдан.

Токи оғриқлидир вақт ниши қанча,
Мангулик лаззати шириндир шунча.

1995





ПСИХОТЕРАПИЯ

Оғриқ тишлаб олди одамни,
Исканжада қийнади ёмон.
Умуртқанинг суяқларини,
Емиргандек тузлар беомон.

Оломонга не деб қичқирса?
Топиларми бир дардкаш ҳайхот.
Рухонийга қиларми тавба,
Яратганга ишонмаган зот?

Хотинига тавба қилсами,
Оғриқни у тушунар қайдан?
Мамлакатга тавба қилсами,
Поёни ва чеки йўқ ҳаддан?

Келар шунда психиатр етиб,
Мушкетёрча соқолчага боқ.
Иссикқина ва мирзақуруқ,—
Гупиллайди оғзидан ароқ.

Истасангиз юлинг сочингиз,
Тўлиб ўқинч ҳамда аламга.
Тинглар сизни у тоқат қилиб,
Икки соат ўн сўм бадалга.

Сўнг пиёда қайтар уйига,
Кечганича балчик, қорларни.
Ташлаб олиб тили тагига,
Тинчлатувчи хабдориларни.



Кўзга гарчи кўринмаса ҳам,
Эътиборнинг ўзи зўр чора.
Битта дўстга зордир ўзи ҳам,
Ёлланма дўст – доктор бечора.

1978

* * *

Мен сизлар ўйлаган мусаввир эмас,
Эмасман одамлар ардоқлаган гул.
Мен Сибирь даштида ўсган зубтурум,
Гилдираклар ўтгач, каддин ростлар ул.

Сонсиз аравалар ўтди мажақлаб,
Мошину, танклар тагида қолдим.
Такрор ва такрор яна қарсиллаб,
Русим тупроғида ўсиб чиқолдим.

Кўшқўнмас мисоли кўтардим бошим,
Ўзни асрамадим ғубор, чанг-чунгдан.
Замон, сенинг қонинг ва кўзёшингни,
Ютоқиб симирдим вужудим билан.

Йўлни кесиб ўтдим, тонмайман бундан,
Зеро, ҳақлигимга имоним комил.
Асфальтмашинага урилган онда,
Жонимни асролдим амаллаб, сабил.

Эътиқодим ҳаққи, томирларим-ла,
Ўзим ўсган ерга ёпишдим қаттиқ.
Мажақладим уриб тошларни ҳиссиз,
Яна дуч келсалар, уришим аниқ.





Дағал бутюқларим бойловга келмас,
Гулдастага тўғри келмайман, албат,
Ҳеч ким зубтурумни таомга қўшмас,
Уни жароҳатга босишар фақат.

* * *

Қайикдамиз, шарросдир ёмғир,
Қўлим музлаб рулга ёпишган.
Сен севмассан, кўрқаман ахир,
Кўрқаман, мен сени севишдан.


Тошаётир бир соқов ҳасрат,
Ёқут Серафимнинг кўзидан.
Ўхшаб Колимадаги олов,—
Гулханидан чикқан тутунга.

Қопқора чой, мисоли қатрон,
Тузукмиди, балки қанд ташлаш..
“Айт, Серафим, бахт ўзи нима?”,
“Бахт менимча, узокрок яшаш”.

Ётар чоғинг бўлса-да, жўра,
Оламан лек сени қисту бас.
“Жуда узок яшашдан кўра,
Яхшимасми, севги бир нафас?”.

Серафим ҳам қайтарар жавоб,
Кўзларини юмганча мудроқ..
“Яхши— фақат бу ҳам хавфли-да,
Кимки севса, яшолмас узок.”





Ёкут, чўқчи билади буни,
Патрондайин кунларни асрар:
Қиммат тушар хиссиёт бизга,
Ҳаётимиз пичокдай қирқар.

Олтин топди дарёдан Борис,
Ва олтини бошига етди.
Мана, нега ишқдан кўрқамиз,
Ўша олтин вабодай худди.

Қўрқитмасин ёнгин рўёдай,
Ўчир ўтни, босиб тепкила.
Бу оловнинг тутуни аччиқ,—
Ҳатто энг бахтиёр севгида.

Суҳбатимиз шундай узилар,
Колиманинг зулмат тунида.
Ёмғир тортган кумуш чизиклар,
Ярқиллайди сулув танидай.

Тортилгандай мисли таранг тор,
Шаррос ёмғир кучаяр бу чоқ.
Узоқ умр менга не даркор,
Чин ошиқлар яшолмас узоқ.



Ёдимда, ёдимда – гувоҳ Худойим,—
Сенсизликда итдай увиллаб ўтдим.
Қачонки илк бора учратдим моҳим,
Мен унутдим. Барчасини унутдим.

Ўчибми ўсмирдай бу ҳароратдан,
Ногоҳ толиқишми юзимда кечган.
Изғирин шамолдай бу башоратми,
Қисмат ёзуғини билган азалдан?

Ўтмиш учрашувлар келтирган алам,
Йўқолиб кетгайдир малолсиз мутлок.
Энди унутганим кўп-кўп хотира,
Мени унутгандир атайин қасднок.

Демам ҳеч бирига: “Тирил, кўрайин”
Аммо шивирлайман ўтиниб такрор:
“Айтгин, ахир қандай жудо бўлайин,
Ҳали учрашмадик сен ила дилдор”.

1975

Айтдим қанча ақлли гаплар,
Силаб- сийпаб елкангни бир-бир.
Йиғлаганча гўдақдан баттар,
Дединг: “Сени севмайман ахир”.

Беҳудадир қол, деб ёлвориш,
Ёмғир кечиб кетдинг мардона.
Гоҳ юқори тортди ёмғирпўш,
Гоҳ ёнингда бўлди парвона.



Чўккан каби бенишон, бешаън,
Йўқликларнинг қаърига алҳол.
Ёмғирларда югурардинг сан,
Нозиккина, юпун, навнихол.

Тарновларнинг бўғзида ваҳм,
Чинқирарди олами жаҳон:
“Биз бераҳм, бизлар бераҳм,
Айбимизга асло йўқ омон”.

Уй ва девор – бераҳм бари,
Том устида кафтини очган
Телевизор антенналари,
Ўшар Исо михланган хочга.

1957

* * *

Яшил бедазорлар шовулламоқда,
Қарағай шамолда қарсиллаётир.
Шуурим неларни хотирламоқда,
Мен ҳам қачонлардир ўламан, ахир.

Аммо томлардаги тарнов ёнида,
Пайдо бўлар ногоҳ каптарбоз бола.
Биламан, ўлмоқлик ваҳима жуда,
Ўзим ва муҳими, бошқаларга ҳам.

Ўлим туйғусисиз йўқ ҳаёт ҳисси,
Қумга сув сингари сингмасмиз бизлар.
Марҳумлар ўрнига келар тириклар,
Аммоки...уларда ўзгача ҳислар.





Ненидир англадим айни ҳозирда,
Еган калтакларим кетмабди бекор.
Унутдим ҳаммасин бўлса хотирда,
Эсладим барини, унутдим не бор.

Гўдаклик –майин у қорларни ёдлар,
Фасли балоғатда сайҳонлар – яшил.
Англадим, ҳаётда не бир ҳаётлар,
Неча сулувларга боғладим кўнгил.

Бахтнинг кўзларида нодонлик зоҳир,
Енгилтак аёлга ўшаб кетар бахт.
Ғусса нигоҳида саволлар оғир,
Кўзингга аламноқ тикилади шахт.

Бахт гўё осмондан заминга боқиш,
Бахтсизлик оламни кўрар рўйи рост.
Бахт –хоин сингари алдамчи хоҳиш,
Ғусса одамларни ҳеч қачон сотмас.

Авваллари эдим ёвқур ва шодон,
Бахтим кулолмади, шуқур Худога.
Имконсиз нарсани истаган эдим,
Барча истакларим дўнди рўёга.

Мен сизни севаман яхши одамлар,
Бахтга интиласиз, туғилган ҳамон,
Мен энди бахтлиман абадул-абад,
Чунки изламасман бахтни ҳеч қачон.

Менга шу ям-яшил бедазор бўлса,
Тилларимдан музни олиб ташласам.
Муҳими, чивиндай митти жон билан,
Ўлимдан нарироқ яшай бошласам.

1977





* * *

Эҳтимол, кунимнинг оқимларида,
Бийрон тилларимдан бўларман жудо.

Йилларнинг бешафқат рақамларида,
Биламан, ўзим ҳам бўларман адо.

Эҳтимол, асрлар оқимларида
Ҳатто кимлигимни ҳамма унутар.

Аммоки кунларнинг оқимларида,
Уялиб яшамоқ ўлимдан баттар.

Одамлар йилларнинг оқимларида
Икки юзли дея гапирмасинлар.

Асрларнинг адл одимларида,
Авлодлар қабримга тупурмасинлар.
1984





ХУДОЙИМ

Худойим, қайтаргин кўрга кўзини,
Букрининг қоматин айлагин расо.
Худойим, кўрсатма иблис юзини,
Тортилмай Исодай хочларга асло.

Худойим, мансабга қўймайин ихлос,
Бўлмайин қахрамон ясама, сохта.
Бой бўлай, ўғирлик мол билан эмас,
Ҳаппа- ҳалолидан берса, албатта.

Худойим, майлига, нон бўлай оппоқ,
Илиб кетишмасин олғирлар аммо.
Қурбон-да бўлмайин, бўлмайин жаллод,
Бўлмайин бойвачча, бўлмайин гадо.

Худойим, кам бўлсин йиртиқ- яралар,
Катта муштлашувлар авж олгани чоғ.
Худойим, турфа хил худудларни бер,
Ўз юртимдан жудо қилмагин, бироқ.

Худойим, кўз очиб кўрганим Ватан,
Оғзимга тепмасин этиги билан.
Худойим, аёлим бир мени десин,
Дарбадар, қашшоғу гадоликда ҳам.

Худойим, оғзини бекитсин ёлғон,
Овозинг янграсин гўдак бўғзида.
Исо сиймосида бўлгин намоён,
Гар эркак бўлмаса, Аёл юзида.

Худойим ҳаммасин, ҳаммасини бер,
Ҳаммамизга бирдан – бўлмасин гина.
Ҳаммасини беру алаал-оқибат,
Кейин уятларга қолмайлик яна!





УНУТИНГИЗ МЕНИ

Унутингиз мени,
гар бу унутиш,
Сизни бир лахзага
этса бахтиёр.
Унутингиз, тайгада
эсган елдай,
Шамолдай гуноҳкор ва итоаткор.
Унутингиз мени,
ўзни унутгандай,
Фақат ўзингиз-ла
қолинг ўзингиз.

Унутингиз мени,
ёнгин шуъласи,
Гирду ёнингиздан
қилганидай даф.
Иссиқ, совуғи-ла
чирмашиб гўё,
Вужуд-вужудингиз
олгандай ўраб.

Унутингиз мени,
гўёки поезд
Чангалзор оралаб учаётгандай.
Хотирангиз қопқасин
қоқишдан тўхтаб,
Изсиз йитаётган,
ўчаётгандай.

Унутингиз мени,
бўлинг жасуррок,
Мен борми, йўқманми,
бу муҳим эмас,



Фақат кўрининг, бас,
тунд ва ташвишли
Яшанг навқирон ва
ҳеч сотилмасдан.
Аммо унутмаслик –
унутилганлар ҳаққи,
Ўлганлар ҳаққидир –
тушимизга кирмоқ.

* * *


Истамам ҳаммага севимли бўлмоқ,
Ёхуд ҳамма қарши туришин буқун.
Вақт уруғи ерга сепилди шундоқ,
Эҳтимолки ҳамма замонлар учун.

Мағриб йўриғига йўрта олмайман,
Сира кўр-кўрона сиғинмам шарққа.
Ўзимга топшириқ бера олмайман,
Икки томонни ҳам тўлдир деб шавққа.

Истагим йўқдир бу қаттол курашда,
Юракка бемалол қўлим қўймоққа.
Бир пайт ўзида жабрдийда ҳамда,
Унинг жаллодига маҳрам бўлмоққа.

Барин адаштириб этаман давом,
Ҳаштакиларга хос ёқиш ҳаммага.
Иккиюзлиларни кўрарман ёмон,
Хушомад қилмайман бутун оммага.

Халойиқ севгиси керакмас менга,
Дўстларим севса бас, осмондир кўксим.
Истайман севимли бўлмоқни сенга
Севимли бўлай бир ўзингга, ўғлим.



Ҳаттоки жонимни беришга шайман,
Кимки чекинмаскан охирги дамда.
Севимли сояси бўлмоқ истаيمان,
Бир пайт йўқотганим марҳум отамни.

* * *

Ҳали ҳамон бизнинг асримизда,
Одамзод умрининг баҳоси арзон.
Тинчлик кабутарин қаноти остида,
Оламда урушлар этмоқда давом.

Аёлимизни биз шошилиб ўпамиз,
Боламиз қучармиз бахт тонглариди.
Улардан кетамиз, уруш қиламиз,
Инсоний ҳиссиёт майдонларида.

Уришаверамиз қум-қорлар билан,
Жанг қилаверамиз Еру кўк ила.
Урушамиз ёлғон ва қарзлар билан
Нодонлару ҳамда ўзимиз билан.

Қачонки биз ўлсак, сиз асло-асло,
Ишона кўрмангиз, бу шунчаки осон.
Инфаркт ёки ўз ажалимиз биланмас,
Бизлар урушларда бўлмасмиз курбон.

Аёллар беайб айбдор эркакларни,
Дераза тагига яшириниб пинҳон.
Аскар хотинининг кўзлари билан
Кузатар шафқатсиз урушга томон.



* * *

Бир пайт аҳвол бўлди танг–
баттар ҳозиргидан ҳам.
Эшикни очмадилар.
Дўстим тўйига келсам.
Тақиллатдим ҳайрон, лол–
йўк, нимадир берган юз.
Телефонини терсам,
Ҳеч ким олмади, афсус.
Ҳайрон турдим шу кўйи–
Алам ичим ёқмоқда.
Бугун дўстимнинг тўйи,
тўй ахир тугамоқда.
Юз бергани нима ҳол–
тушди-ку шу кез эсга.
ёддан чиқибди куни,
қолибман бир кун кечга.

Тўйда ажиб суҳбатлар,
хонишлар, юзта-юзта.
Тўйда эҳ, помидорлар,
яхши кўраман жуда.
Шўр апелсинлар ҳатто,
турарди деразада,
қичқирарди деб “горько”
жўралар шу лаҳзада.
Ванилин кремлар-чи!
Бодринглар асалдаги!
Аммо менга телефон
Қилмадилар: келмайди.
Бормоқчийдим мен эса
фақат эртаси куни.

148



Тақиб зўр галстугим
кўнқайтириб кепкамни.
Хафачилик не даркор,
Уйланган эди дўстим.
Рюмкалардан жарангдор
Ўн иккита сотиб олдим.
Ўзимча ғурурланиб,
Жўнадим мен кўтариб,
Танишларга мақтандим:
“Мен тўйга бораяпман”.
Асфалт бўйлаб машина
Шоша пиша кетарди.
Кечаги ўтган тўйга,
Каминани элтарди.

* * *

Машага

Сени табиатдан севаман кўпроқ,
Сенинг ўзинг асли табиат, ишон.
Сени озодликдан севаман кўпроқ,
Сенсиз озодлик ҳам турмадан ёмон.

Мен сени севаман билмай эҳтиёт,
Равон йўлда эмас, жар ёқасида.
Мен сени имкондан севаман зиёд,
Ноимкондан кўпроқ севгум аслида.

Мен сени севаман муддатсиз, ҳадсиз,
Бўкиб ичиб олиб, сўқиниб гоҳи.
Ўзимдан ҳам ортиқ севаман шаксиз,
Ўзингни ўзингдан зиёд ҳаттоки.





Сени Шекспирдан севаман кўпроқ,
Сенда мужассамдир олам жамоли.
Барча мусикалар мавҳум, тумтароқ,
Афсункор мусиқа ўзинг, илоҳий.

Сени кўп севаман шону шуҳратдан,
Ҳаттоки келажак замонларда то.
Менга нима бўпти занглаган Ватан,
Ватан менга ўзинг, ўзингсан, танҳо.

Сен бахтсизми? Бунча солаяпсан дод?
Чирқираб Худони қақшатма эркам.
Мен сени бахтдан ҳам севаман зиёд,
Мен сени севаман муҳаббатдан ҳам.





МИННАТДОРЛИК

М.В.

Аёл деди: “Ухлаб қолди ўғилчам”–
Бола кроватин пардасин тортди.
Ўнғайсизлик ила ўчириб чироқ,
Қабосин ғижимлаб курсига отди.

Муҳаббатдан бир сўз очолмадик биз,
Недир шивирларди, чучук тиллари.
“Р” товуши узум донасидай шу кез,
Тишлар тўсиғидан учди сирғалиб.

“Билсанг мени эҳ, кўп куйдирди ҳаёт,
Озиб қолмасайдим ақлимдан ногоҳ,
Юбкадаги эркак, юк ташувчи от,
Аёл бўлдим яна, оғушингда, оҳ”.

Менинг бурчим эди – миннатдор бўлмоқ,
Ожиз шу вужуддан ахтариб нажот.
Қорга яширинган бўри сингари,
Аёл тўшагига буркандим, ҳайхот.

Бўривачча каби афтода, кувғин–
Аёл кўз ёш билан ювди юзимни.
Миннатдор нигоҳга дош беролмайин,
Уятли қалтироқ ёқди ичимни.

Келди қофиялар билан ўрагим,
Гоҳ оқариб, гоҳо яноқлар лов-лов.
Эвоҳ, эркаклигим ва эркалашим- чун,
Аёл миннатдор бўп, тўларми тўлов.





Нечун юз бермоқда дунёда бу ҳол,
Аёл мақомини қўйдик унутиб.
Ерга яксонладик оқибат, алҳол,
Аёлни эркакка теппа-тенг этиб.

Қандай ишчан тўда бу ахир, дейман,
Неча асрларким ўйланган фоллар:
Эркаклар негадир бугун аёлманд,
Эркакка дўнгандир мунис аёллар.

Художон, бу аёлнинг елкаси чўкик,
Сўлгин бармоқлари оч ва яланғоч.
Энди бу ғаройиб жонзот кўзлари,
Аёлники бўлиб дод солар уввос.

Сўник бу нигоҳлар ним қоронғуда
Шамчиноқ сингари липиллар беун,
кўп нарса дарқормас асти, Худойим,
Аёлни аёлдай санашлари учун.

1968





БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ ЭМАС

Биринчи ва охирги бор эмас,
Қийноқ комидасан... Тургил, жаҳд қил.
Ишон–бошқа қулликлардан пеш эмас,
Ўз ёғинга ўзинг қовурилишинг, бас.
Биринчи ва охирги бор эмас,
Кимдир хафа қилди ноўрин, ноҳақ.
Ўзингга ачиниб ботдингми лойга?
Ҳолбуки, хўрлаган хўрланар фақат.
Уятдир дардингни дастурхон этмоқ,
Буни тақиқлагин минбаъд ўзингга.
Биринчи ва охир бор эмас,
Қийноқ комидасан...
Хўш, айтгил, нега?

1976


* * *

Пинҳонадир муздайин жаранг,
сатрларда мисли пўлатдай.
Яхшилик ва ёмонлик жангин,
устун кўйгум мен шеъриятдан.

Шеърият бир жонсиз танадир,
лоқайдликка кўниб яшаса.
Эзгуликни дея ёмонлик,
ёмонликни яхшилик деса.

Ҳис этмаслик– мажруҳлик айни,
Ишонаман мен доим сўзга,
юзи унинг бўлсин инсоний:
қувонч ҳамда ғазаб, номусда.





Сатр яхши топмаса якун,
бу кўрқувдан эмас далолат .
Ёзилмаса сўзлар қон билан –
шоирга бу аччиқ маломат.

Тўқнашувлар даврини кўрдим,
мажақладим зулм қафасин.
Шукр, мана, тикланди қаддим,
косибчилик қолган ҳаммаси.

Нечун ташвиш қилмоғим керак,
бировларга миш-мишлар ёқса.
Эзгулик ҳақ – окландим, демак,
ёвуз ютса – жойим қамоқда.

Устувордир ғалат қинғирлик,
адабиёт ҳовлисида, ана.
Бамисоли у қўш хотинлик,
Хаку ноҳақ кундош, хамхона.

Даҳо чикмас минбаъд иблисдан.
Бунақаси бўлмас ҳеч қайда:
ғалабаси катта санъатнинг,
ёвузликнинг устидан майда.





СЕВГИЛИМ, УХЛА

Панжарада ярқирайди томчи– шўр,
Зулфин эса тамбалаган.
Денгиз ўр,
бўғриқиб- пишқириб, ғовларни уриб,
шўр қуёшни олди аста сингдириб..
Севгилим ухла...
Қийнама бу чоқ.
Уйқуга кетмоқда тоғу далалар.
Кўппагимиз оқсоқ,
сержун ва пахмоқ,
ётганча шўрлаган занжирин ялар.
Денгиз ғувур-ғувур,
шоҳлар шитир-шитир,
занжирда кўппагимиз айланар зир-зир,
тилимда шивир-шивир,
сўнг эса ярим шивир,
пичирлайман жимгина:
“Севгилим, ухла...”
Севгилим, ухла...
Аразни унут қилгин,
Тасаввур қил:
уйғонамиз.
Ҳаммасида яшариш.
Пичанда ётибмиз.
Бизлар ухляпмиз.
Нафас олади увуз.
Қайдадир ҳов пастликда,
ертўлада кўриб туш.
О, қандай тасвир этсам
тасаввур қилмоғингни
сени, шубҳачигинам?
Севгилим, ухла...



Кулиб тур уйкуларда
(қилмагин обидийда!)
гуллар териб фол очгин,
қўясан уни қайга.
Сотиб ол сон-саноксиз чиройли
кўйлақларни.
Гўнғиллайсан?
Қўряпман, толиқдинг ухлолмай?
Уйкуни ёп устингга,
ўраниб
бўл ғужанак.
Уйкуда не истасанг
Ижобат бўлар бари
қайтармаймиз не келса
оғизга
ухлолмасак.
Ухламаслик кўп чатоқ,
оқибати савол-сўроқ,
дилингда неки пинҳон
Тепчийди яногингга.
Оғир бўлар кўзингга,
қанча мардум у ерда,
Ухласанг энгил бўлар кўз ҳамда
қовоғингга.
Севгилим, ухла...
Не боис уйқунг келмас?
Денгиз ўкиригими?
Дарахлар чекарми оҳ?
Нохуш ҳиссиётларми?
Ё ранжитди бир нокас?
Балки бошқада эмас,
Ўзимда ҳамма гуноҳ?
Севгилим, ухла...
Ёзолмасман ҳеч нарса,



Аммо билсанг,
заррача айбдор эмасман бунда.
Кечир, мени тинглагин,
рахм айла – жиллакурса,
Уйқуларда ётганда,
Тушлар кўраётганда!
Севгилим, ухла...
Бизлар Ер шаридамиз, –
портлашдан чўчиб,
кўрқиб фазода учаётган.
Қучайлик бир-биримиз
кетмаслик учун тушиб,
тушиб кетсак кетайлик
бўлиб бир жону бир тан.
Севгилим, ухла...
Ҳасратлар бағрин тигла
Кўзларингга уйқулар булутдай дўниб
келсин.
Ором олиб ухламоқ заминда мушкул,
бирок,
барибир, жонгинам,
севгилим,
ухла...
Денгизда ғувур-ғувур,
шоҳларда шитир-шитир,
итимиз айланади занжирларида зир-зир.
тилимда шивир-шивир
сўнг эса ярим шивир,
пичирлайман жимгина:
“Севгилим, ухла...”



* * *

Мажнунтол тагида ўйларга толдим,
Қирғоқлар кезиндим бесадо, бесас.
Қандайин бахтиёр этай севгилим,
Бунга балки сира иложим етмас.

Унга кам болалар ва тўкин ҳаёт,
Меҳмондорчилигу кинолар аҳён.
Қолдиқсиз ва тугал керакман, ҳайхот,—
Мен эса бор-йўғи қолдиқман, аён.

Замон дарахтига елкамни тутдим,
Шохлари елкамни кетди-ку ўйиб.
Севгилимга эса қолмади елкам,
Йиғламоғи учун бошини қўйиб.

Гул тутиш ўрнига, ажин тасвирин,
Ўйдим севгилимнинг юзига кўп бор.
Эрлар разиллик-ла хиёнат қилар,
Шўрлик аёллар-чи, аламдан ночор.

Севгилимни қандай этолсам бахтли,
Не қилиб бўлса-да, беролсам шодлик.
Унга илк қадамнинг ўзида тақдир,
Қуртлаган ҳаётни айлади тортик.

Қувончни қўяйлик, уларни мудом,
Бир сўзда ранжитиб қўямиз дарров.
Аёлни йиғлатиш ҳаммага осон,—
Бахтиёр этишни билмас ҳеч биров.





* * *

Келибди-ку ўзга замонлар,
Кўринибди ўзгача номлар.

Бир-бирини итариб чопар,
Ғанимларин тандирга ёпар.
Чарсиллайди улардан асаб,
Юзларингга қалқийди ғазаб.

Аммо улар “даҳо” чинакам,
Жазманлари ёмғирда кутар:
Қоронғуга кўз тикиб мубҳам,
Ўғринча киприк тупуклаб.


Қайда сенга қаттол рақиблар?
Югур, изла уларни бу пайт.
Мана улар–кўнгиллари чоқ,
Ликиллатар калласин лоқайд.

Қани сенга шайдо гўзаллар?
Улар учун ёмғирда юрмоқ,—
Хавфли экан, энди бўлмаса,—
Неварасин айласин ардоқ.

Душманларинг олиб қўйишди,
Қадам товшинг олиб қўйишди.
Бировларнинг шивирин олди,
Сенда фақат тажриба қолди.

Нега ёниб тутайсан бундан?
Сўйла, ўзинг ўғримасмисан.
Қилмай ҳисоб-китобини ҳеч,
Барчасини ўмардинг кимдан?





Ёшлик ўзи бир ўғирликдир,
Ҳаёт мўъжизаси шунда, рост.
Ҳеч не унда кетмайди изсиз,
Бошқаларга кўчади, холос.

Ҳасад қилма, бўла ол оқил,
Бахтли ўғриларга раҳм қил.
Ўғрилардан ранжимасинлар,
Тунашганда инжимасинлар.

Келар яна ўзга замонлар,
Кўринади ўзгача номлар.






МУҚАДДИМА

Мен турфа–
меҳнаткаш ҳамда дангаса,
Ўзимман мукаммал,
Ўзимман бадфеъл.

Қолипларга сиғмас,
ноқулай роса,
Уятчан ва сурбет,
Жоҳил ва хушфеъл.
Галма-гал юз берсин ҳаммаси, майли,
Менда зоҳир бўлсин аралаш бари –
Токи у Мағрибдан Машриққа томон,
Ёинки ҳасаддан ифтихор томон!
Биламан– сўрайсиз:
“Қайда деб мақсад?”,
Худди шунда ахир маъно-моҳият!
Мен сизга зарурман
Пичан ғарами –
Ортилган залворли
Машина каби.
Учаман товушлар бағрини ёриб,
Шохлар, нур ва қуш чаҳ-чаҳида,
Капалак кўзимга
урилар келиб
Бўйнимга санчилар
пичан гоҳида
Яшасин ҳаракат, қайноқ ҳарорат,
Ҳасисликни маҳв этолган қудрат!
Чегаралар тўсар...
Ноқулай менга –
Буэнос-Айрес, Нью-Йоркни
билмайин нега?





Кезайин Лондонни хоҳласам қанча,
Сўйлашай тилида ўзим билганча.
Автобуга осилган бола билан гоҳ,
Ажойиб азонда Париж айланмоқ.
Истайман, турфа хил санъатни мудом,
Майли, санъат менга бермасин ором,
Ҳамма томонимдан олсин у ўраб...
Турфа ҳодисотда ўзимни кўрай,
Дилга яқин
Есенин ҳамда
Уитмен,
Мусоргскийга тааллуқли сахна
Ва Гоген яратган илоҳий лавҳа.
Чанғида учиш ҳам
ёқади менга,
тунда қоғоз қоралаб
сахарни кутиш.
Кулиб қарамоқ ҳам ёвуз душманга
Ва сойдан аёлни опичлаб ўтиш.
Китобга шўнғийман,
ташийман ўтин,
Зерикиб
нимадир излайман мавҳум.
Муздайин қип-қизил тарвуз қаржин,
Асад тарвузини тишлайман мамнун.
Қуйлайман, ичаман
Ўйламай ўлимни,
Майсалар бағрида ётаман шодон.
Бир куни дунёдан узсам қўлимни,
Яшамоқ бахтидан ўларман аён.





* * *

Катга истеъдодлар ишкал ҳамиша,
Иссиғинг кўтарилиб, чиқар бошинга.
Эҳтимол исёнга ўхшамаса ҳам,
Ўхшар у исённинг ибтидосига.

Ўхшамай айиққа вазмин, тортинчок,
Кўполлик қилмасдан дунёга кирдинг.
Ҳолбуки, исёнкор эдинг сен кўпроқ,
Бошқаларга сира ўхшамай юрдинг.

Ҳаммага кўриниб жасур, чапани,
Ожиз бир қурбонга айландинг тезда.
Биринчи зарбага дуч келган они,
Йўқолдинг пинҳона, номаълум тусда.

Эркингни ичига олдинг бекиниб,
Бировни ранжитмай бесас келяпсан.
Гўё сув тагига кетдингу шўнғиб,
Қамиш найчасида нафас олаяпсан.

Катга дабдабаю эҳтиром билан,
Кўтар-кўтар бўлдинг улуғ ёшингда.
Замин қарши олди ҳаяжон билан,
Йиққан терганингни сувнинг тагида.

Аммо калтафаҳм, думбул чоғингда,
Кўплар болаларча ишонгандилар.
Сендан мадад кутган улар доимо,—
Энди аччиқ-аччиқ пушаймон қилар.

Яшайсан, гирдингни ўраб ҳамд-сано,
Яшайсан айланиб пажмурда жонга.
Бу мисол, истеъдод ўлиб мутлақо,
Имкон тополмаслик асло исёнга.



* * *

С. Преображенскийга

Дунёда бўлмайди қизиқмас одам,
Ҳар инсон ўзича сирли бир олам.
Сайёралар тарихи каби тақдири,
мутлақ ўхшамайди бирига-бири.

Қай биров ўзини сездирмай зинҳор,
фақирлик билан дўст тутинар хоксор.
Одамларга бу ҳам қизиқ, албатта,–
ҳеч кимга кўринмай яшаш узлатда.


Ҳар битга одамнинг ўз сир, олами,
Бордир ҳар инсоннинг энг гўзал дами.
Ҳар кимнинг энг ғамгин лаҳзалари бор,
буларни англамоқ бизларга душвор.

Одамзот кетаркан у дунё сари,
у билан кетади биринчи қори.
биринчи бўсаси, биринчи жанги,
Ўзи билан олиб кетар ҳаммасин.

Китоблар, кўприқлар бунда қолади,
машиналар, рассомдан тасвир қолади.
кўп нарсалар мажбур бунда қолишга,
аммо нималардир маҳкум –ўлишга!

Бу ўйин қонуни бўлар бешафқат,
Одамлар ўлмайди, оламлар ўлар.
Марҳум бандаларни этармизу ёд,
Улар ҳақда нималар биламиз, ҳайҳот?





Нималар биламиз ака-ука, дўст,
жуфтимиз ҳақида деймиз нима сўз?
Отамиз ҳақида нималар биламиз,
сўрашсалар, буткул тилдан қоламиз.

Одамлар кетмоқда... Қайтмайди ҳеч ким,
Улар сир дунёси ўтиб борар жим.
Бу фоже ҳолатни кўриб ҳар сафар,
Дод солиб дунёга келар хайқиргим.





СЎЗЛАРИМНИ СОЧАМАН ЕЛГА

Сўзларимни сочаман елга,
Ачинмайман. Бадар кетсинлар,
Одамлар-чи, уларни баргдай,
Соча-соча, фоллар очсинлар.

Майли, менга эътибор қилмай,
Этишсалар эътироф сўзим.
Яхши ният мужассам бўлса,
Сўзим ёруғ қилади юзим.


Мисраларим лабида қотиб,
Музлаб қолса митти қизалоқ.
Ифтихормас, қиздаги оғриқ,
Санчилади кўксимга, эвоҳ.

Кимдир ёзса ғамга ботганча,
менга ўша қиз ҳақда хатда.
Чоп этмасдим асло бу хатни,
суратим тагида, албатта.

Сатрларим пичирлаб бесас,
Неларнидир у сўзляпти.
Музляпти аттанг, митти қиз,
Музляпти, у музляпти.

Ўққа учиб қайдадир шеърим,
Жаҳаннамга равона бўлса.
Келмас бунга сира парвойим,
Лек чидолмам, аскарлар ўлса.





Бахтсизликдан ўкраб йиғлаган,
Сўзларимни шамолга отсам.
Даъфатан мангуга ташлайман,
Мангуликка–бирор соатга.

Шамол эса сўзларим олиб,
Элтар савол –сўроққа томон.
Сўзларимни кўкка кўтариб,
Ҳадя этар ўлим ёки шон.

Шамол сўзим элтади мамнун,
Кимлар кутса, ишонса фақат.
Шамолга сочилган сўз бу кун, –
Ҳар битга сўз – кўрқинчли, даҳшат.





РИМНИНГ УНУТИЛГАН ЙЎЛИДА

Римнинг унутилган йўлида,
Дамашқдан узоқ бўлмаган.
Турар ўлик тоғлар тизмаси,
Фотих каби– никоблар тутган.

Чувоқларда яйратиб танни
Вазмин ҳамда сирли биланглаб.
Клеопатра ёнидан қайтиб,
Ҳузурланиб ётар илонлар.


Йўлдан лаъл, жавоҳир ташилган,
Ҳам Дамашқ қиличи кескир.
Канизаклар сочлари билан,
Бу йўллари супурган ахир.

Қирриқ жаллод ҳамда зўравон,
Этрис мойин танига суртган.
Тебранганча тахтиравонда,
Ўйлар сурган ўтиб бу йўлдан:
“Эртага бу қора куллардан,
Ақалли бир ғубор қолмайди:
Чувалчангдай кетармиз ўлиб,
Лек абадий бу йўл ўлмайди...”

Нубиялик қурувчи ўйлар,
Босқон билан тошларни уриб.
Қул дегани барибир қайсар,
Қул дегани беради фириб:

“Нафс қўйида тангрини, алҳол,
Қўйдингиз-ку ҳатто тан олмай.
Демак сиз ҳам топарсиз завол,
Бу йўллар ҳам изсиз йўқолгай...”





Салтанатлар чириб илдиздан,
Ўпқонларга кетдилар қулаб.
Қонли иплар билан тикилган
Олакуроқ кўрпага ўхшаб.

Хушомад ва қийноқлар билан
Қўлладилар тажриба нуқул.
Уриндилар тикмоқ қон билан
Ишончли ип қолмади буткул.

Қадимги Рим уятсиз, беор,
Ухлаб ётар кибр-ла мағрур.
Салтанатлар қулади минг бор,
Ва йўллар ҳам кўмилди охир..

Ҳимоялаб йўлларни гоҳо,
Жар солдилар жумла жаҳонга.
Йўллар айбдор эмасдир асло,
Дарё-дарё тўкилган қонга.

Йўлни босди, ўтиб неча йил,—
Турли туман анғиз, бурганлар.
Қайдалигин жиноятчи йўл,
Тополмади кейин юрганлар.

Барча жаллод —йўлларини ҳам,
Ёвуз шоҳлар—йўлларини ҳам
Шундай бўлар охир якуни
Бурган ўтлар қоплайди уни.

Кечмишини ўйлаб дунёни,
Юракларим эзилди, эвоҳ.
Унутганди бу йўл Худони,
Шу сабабли унутди Худо..






ҲАСАД

Мен ҳасад қиламан.
Ушбу сиримни
ҳеч кимга очмаган эдим ҳеч қачон.
Биламан,
кайдадир яшар бир бола,
ҳасадим кўзгайди жуда шу ўғлон.
ҳасадим келади
солишиб қолса,
Мен ундай эмасдим ҳалол ва жасур.
ҳасадим келади
қийқириб кулса,
Мен-чи, кулолмасдим
У каби масрур.
Шилиниб, кўкариб юрар ҳаммаёғи,
Юрар эдим мен-чи, гард юкмай чиндан.
Китобнинг мен ташлаб
кетган жойини
қолдирмасдан ўқир,
зиёда мендан.
Қатъий ҳалоллиги
билан у, зеро,
Ёмонни кечирмас,
яхшиси бор учун.
Мен “Арзимаёғи ...” деб
ирғитсам перо,
У дарров олади
“керак!” деб бир кун.
Мен еча билмаган
Кеса билмаган,
Тугунни кесади





Еча олмаса.
Агар севиб қолса
Севар чин дилдан,
севиб,
воз кечгум мен кўнглим тўлмаса.

Ҳасадим яшириб,
куламан ҳатто,
Ўзимни ўзимга қиламан эрмак.
«Кимдир янглишади ахир ҳаётда»,
«Кимдир бошқачароқ яшаши керак...»
Қанча таъкидламай бу гапни ҳар он:
“Ҳар кимнинг бор ўз йўли,
аъмоли...”
Биламан,
қайдадир яшар бир ўғлон,
Мендан кўпроғига эришар ҳали.





ОНА

Кўпдан бери куйламас онам,
Куйламоққа вақти ҳам қолмас.
Иши камми, ахир унинг ҳам,
Ҳаммасига улгуриб бўлмас.

Туғилган кун баҳонасида
Қадаҳлар ва суҳбат бўларди –
Пианино ёнига, шунда
Онам дўсти– актёр келарди.


Кекса актёр дардини ёзар,
Созни созлар онам оҳиста.
Онам юзи қизариб кетар
Ўнғайсизлик ва мусалласдан.

Лутф этишар чалишиб чапак,
Дейишади: “Қойил, офарин”
Онам кетар ошхона тараф
Яширганча ажин юзларин.

Аскарларга қўшиқ айтганди,
Жанг олдидан онам бир замон.
Қўкка туташ дарахтлар шохи, –
Ўрмон эди мисоли кўрғон.

Онам кўли еса ҳам совуқ,
Гувласа ҳам совуқдан боши,
Суқунатдай тоза ва тиниқ,
Жарангларди гўё овози.





Отлар ҳорғин оларди нафас,
Ёлларини оқартириб қор.
Гоҳи кўтариб, гоҳ тушириб паст,
Қулоқларин силқирди ночор.

Жабдуқлари оқариб зўрға –
Кўринарди. Қор тинмай ёғар.
Погонлар ҳам кўринмас кўзга,
Билолмайсан зобитми, аскар.

Онагинам шарпадай бесас,
Дастурхонни безатиб қўяр.
Меҳмонжонлар қилар илтимос,
“Кўйлаб беринг нимадир” дея.

Онажоним,
бўлди,
керакмас...
Сўнг бўлмагин ўзинг пушаймон.
Сен айбдор эмассан-ку, бас,
Шуни, ахир англасин меҳмон.

Кўйласин, хўп, майли, радиола,
Чўқишсинлар қадаҳлар такрор.
Худо ҳаққи,
кўйлама, она,
Она,
менга бермагин озор.





УЯТ

Зир югурар бутун мамлакат,
Ўғри таксист измида бугун.
Мужассамдир сонсиз уятдан
Россиянинг тарихи бутун.

Аравамиз тикилиб қолган,
На у ёқ, на бу ёққа юрмас.
Қурилиш ашёси ўрнига,
Уят, уят сотилар, холос.

Уялмоқда тож соҳиби ҳам,—
У чавандоз эмасдир мутлак.
Балки унинг ўрнин эгаллар,
Уддабурон янги бир уят.

Рус танлови – икки тарелка
Ачиган шўрвани танлашдир..
Катга ёхуд кичкина бўлсин,
Уят кулбасида яшашдир.

Ҳаёт – қашшоқ ёки дабдабали,
Жудо бўлган ору номусдан.
Харитамиз уятдан, хайҳот,
Маҳрум бўлди қанча ёр-дўстан.

Қолдиқ кунчаларнинг гирдобида,
Уятдамиз, чангда қолгандек.
Қўндим Володимир ерининг
Кўринмас бир чеккасига тек.

Қандай ёмон уятдан ўлсак,
Уят асло тожу тахт эмас.
Уятдан ҳам Мосуво бўлсак,
Худо буткул урганидир, бас.





УЧ ГАВДА

Петразаводск перронида улоқиб,
паромда сузгандек чайқалиб, қалқиб,
рафикам ва гўдақлар келарди тезда.
Онаси ортидан чопкиллаб бирров
ялинаруди гўё нигоҳлар соқов:
“Отажон, олиб кет бизни поездда”.

Сенда не қолганди аскар хотиндан.
Айрилиқ гўёки бекинмачоқ ўйин.
Топишармизми айрилсак, тағин?
Аёл зоти кўнгли сезар олдиндан,
Хотиндан тулликка ўтгани кундан,
чунки чорлайверар уларни чиндан,
паровозларнинг узоқ чинқириғи.

Перронда афтода, бир четда турар,
уч гавда кичраяр, йўкола борар,
Учта гавда – бутун оилам начора,
Ҳайкаллар – чиқинди, сигара қолдик.

Не қолди? Уч гавда эгасиз, ёлғиз–
Ўлимимдан аввалги Ватан бечора.





ҚАНОТЛАР

Тингламай онасин гапине,
Шахар шовқинидан лол, хайрон.
Том четида турар полопон,
Қаршисида бепоён осмон.

Бўлмасада куш ҳеч самода,
Чорлар эди осмону фалак.
Ким туғилса осмон ёнида
Учар кўкда қачондир бешак!

Чорлар эди осмон бағрига,
Шамол шиддатини уфуриб.
Қайдан топсин куч қанотига,
Чексиз осмонларга тўш уриб?!

Туюларди бу қудрат йўқдай,
Пайдо бўлди лек кўз ўнгида,
Қардошлари, осмонда ўқдай,
Томдан сакраб учарди кўкка.

Йўллар қушларни тўппа-тўғри,
Нақ қуёшга элтарди тинмай.
Индамай турарди у ҳамон,
Қанотининг борлигин билмай.

Шубҳалар тарқалиб ва бирдан
Қудратли бир журъатни кучди.
Шахт силкиниб, узилиб ердан,
Қанотга ишониб – у учди.





* * *

Севгилим, ҳаётим келади,
Қўллари юзимни силайди,
Барча ўзгаришни кўради,
Барча хавотирни англайди.

Таксидан шошилиб тушганча,
зулумат ичида жунжикиб..
Чиқади чириган зинадан
бахт ила соғинчда энтикиб.

Сўзсиз ва овозсиз, жиққа ҳўл–
Қўллари бошимдан кучади.
Студдан ҳаворанг пўстини
Полга қувониб тушади.

* * *

Ҳар нарсада чегара бор, билсанг ҳаётда:
Муҳаббату, юрак, ақл, сабру саботда.
Кенгликларнинг чексизлиги эмасдир беҳад,
Чекаверма шоир бекор бунча ранж алам,
Кучинг ҳамда ёшинг чекланганда ҳам:
Қилиб юрма бундан асло номус ва уят.

Нокасинг-чи, тиржайиши одатдир ахир:
Деган каби, тамом бўпти бечора охир,–
Бунинг сенга алоқаси бўлмасин зарра.
Чегарага етиб келдинг чекиб ранж, озор,
Ҳатто буюк даҳода ҳам чек-чегара бор,
Фақат инсон тубанлиги билмас чегара.



* * *

Бизга нажот бир-биримиздан,
Доирасимон тақдиримиздан
Бошқаларга рухсат йўқ асло,
Учинчи шахс – табиат танҳо.

Бир-бировга нажот бу онда
Иккига бўлинган бўронда.
Қуёш икки бўлинган замон,
Тенг бўлишиб, қолармиз омон.


Бир-бировдан нажот шу топда,
Қўрқув қалбни сиқса азобда.
Ёмон, бизлар айрилиб кетсак,
Бошқаларга қўлимиз тутсак.

Асрай олмас ота-онамиз,
Бир-бировга бизлар – боламиз.
Энагамиз бир-биримизга.
Ота-она ўз-ўзимизга.

Қандай сохта бу иштиёқлар,
Телба кўнгил неларни хоҳлар.
Иштиёқлар сохта бўлмаса,
Ўлмай ёрдан жудо бўлмаса.

Жаҳоний шон бекордир, билсанг,
Суюклигинг олмаса гар тан,
Майли, ўчай жаҳон ёдидан,
Азиз бўлай сенинг олдингда.





Бир-бировга қоришиб кўрсак,
Қоялардай бақамти турсак.
Қутблардан таралган ёғду,
Жисмимизми қовушган, ёху?

Тўқсон фоиз одамлар асли,
Англамаслар муҳаббат расмин.
Пешонаси шўрдир шу боис, –
Шайтон қавмин жоҳил ва ёвуз.

Ўлмаганлар ичида танҳо,
Икковимиз қолибмиз, борҳо.
Тирик бўлса одамзот насли,
Демак, мангу муҳаббат фасли.

Муҳаббат-ла олам тирикдир,
Буюк кўшин–жуфтлар шерикдир.
Сас таралар лаб, кўлимиздан,
Нажот бизга – бир-биримиздан.





ДЎСТИМНИ ДАФН ЭТАРМАН

Мен дўстимни дафн этарман,
Бул сирримни пинҳон тутарман.
Бошқалар-чун ўлмаган ҳамон,
Жуфти билан яшар икковлон.

Эл кўзида дўстдай юрармиз,
Ҳар кун ресторанга борармиз.
Айтолмайман аммо ҳеч кимга,
Дўстлигимни
ўлган мархумга.

Жудоликдан қайғуриб ғамда,
Сўзлашаман аччиқ аламда.
Дўстликмас бу, ғоятда нохуш,
Гўё кўлда қадахлар бўм-бўш.
Кечир мени,
Сўкиб нетаман,
Сўкмайман,
жим дафн этаман.
Бу нимадир,
билмайман чиндан,
Ахир ҳеч ким ўлмаган менда.
Навқирон шу умримда, эвоҳ,
Қанча дўстдан бўлдим мосуво.





УЧИНЧИ ХОТИРА

О. Целковга

Ҳаммада юз бера шундайин ҳолат:
Гуссалар елимдай ёпишиб олар.
Шир-яланғоч ҳолда кўрганинг заҳот,
Ҳаётинг бемаъни туюлиб қолар.

Ўлик бир уфунат кирар ичингга,
Тарқатмоқ дардида бу нохуш ҳисни –
Шафқат ҳамширасин чақирган каби
Бемадор чорлаймиз хотирамизни.

Аммо қалбимизда қоп-қоронғи тун,
Кулбадир мисоли вайрона, мубҳам.
Ёрдам беролмайди бу пайт инчунун,
На юрак, на идрок хотираси ҳам.

Кўзларни тарк этиб тирик аланга,
Ҳаракат, сўзларинг – ўлгандир бари.
Лек учинчи хотира ора кирар жонга,
У бизнинг жисмимиз хотиралари.

Эсласин ўнгимда майли оёқлар,
Чанг- тупроқ йўлларнинг ҳароратини.
Ҳамда оёқяланг юрилган чоқлар,
Майсаларнинг салқин тароватини.

Яноқлар эсласин эҳтиёт билан,
Мушглашув сўнгида қандай юпатиб –
Жонкуярлик билан югуриб-елган,
Кўппакнинг ялаган тили нечук, деб.





Айбдордек эсласин пешона, қани,
Эсласин ярлақаб уни бегумон.
Капалакдай сассиз майин бўсани,
Она ўпичини мушфиқ-меҳрибон.

Бармоқлар эсласин арча, жавдарни,
Қачондир шивалаб ёмғир эзганда.
Сайҳонда чумчуқнинг титраганини,
Ва бедов яғринин титрок кезганда.

Дейсанки ҳаётдан сўрганча узр:
“Сени ғофилларча айбладим хато.
Қабих бу гуноҳим илтимос, кечир,
Ғазаб-ла ақлимдан бўлибман жудо.

Товон тўламоғим гар жоиз бўлса,
Бунча гўзал, сулув дунёмиз учун –
Ҳар неки жазога муносиб кўрса,
Ҳамма тўловларга розиман бу кун.

Лолдирман қисматнинг чигаллигига,
Қанча йўқотишлар, қанчалар курбон...
О, ҳаёт, беқиёс гўзаллигинга
Тўлашим керакми урим-ла товон?!”





ЛЕРМОНТОВ

Йиғлаяпти чана тагида,
кимни эслаб Петербург қори?
Қайга шошар ярим кечада,
отни қичаб ёлғиз суворий?

У атрофга дарғазаб боқар,
нафрат ила лаби қимтилган.
Икки кўзи қорачиғида
Икки Пушкин ётади–ўлган.

Петербургнинг қорли тўзони,
у ажалнинг кўрди юзини.
Нишон олмай Мартинов уни,
Дантес ўки тешди кўксини.

Давралардан ғийбат ва васвас,
Улфатларни тарк этиб бу тун–
шошилади олмоққа қасос,
олинмаган интиқом учун.

Унинг тигдай нигоҳи жасур,
Ярақлайди совуқ, бешафқат.
Илҳом – меҳр боласи эрур,
Энагадир лек унга нафрат.

Баҳсни дуэл ечмоғи лозим.
Не йигитлар топса-да, завол.
секундантлар топиш муносиб,
Бу замонда кўп амримахол.

Тинмай Пушкин ноласи чорлар,
Уни дуэл чизиғи ёққа.
...Туғилади Русда шоирлар,
дантес ўки билан кўкракда.



* * *

Лондон ҳамда Римнинг чиройи,
Шеърсиз ҳам гўзал, киройи.
Ленинградни шоиру шеърсиз,
Очиқ-сочиқ бир ҳовли дерсиз.

Шеъроятсиз Рязань йўқ хатто,
Шеърлар берар Москвага кўрк.
Шеърсиз қолса Россия, аммо,
Бўлар эди улкан Люксембург.

* * *

Санъат, ингичка ва нозик бир ришта,
Айро кўприкларни улайди фақат.
Сен ўзинг ягона, бир уринишда,
Ажалнинг устидан куларсан, санъат.


Шоирлар туғилар ўлгани заҳот
Маънавий майибга ўлим –ўлим бу.
Шоирнинг ўлими иккинчи ҳаёт,
Иккинчи ҳаётда у яшар мангу.

Китеж ўтмиш–дарё қаърида билсанг,
Унда зангулалар жаранги ҳар ён.
Мабодо, бу сувга тош отар бўлсанг,
Гувиллаб ортига ирғитар Вийон.

Ўпишиб, кулишар у ерда ўтмиш,
Ижод чаманлари яшнайти мангу.
Заҳарни ичаркан ғижжакчи Моцарт
У эмас, қотилни ўлдирар оғу.

Қара, Пушкин, Кишинев бозорида,
Янги мусалласга текизиб лабин.
Ўлимин башорат қилган лўлига,
Бепарво хоҳолаб, ковлар чўнтагин.





Тарихни, чанг босган картина* мисол,
Абадул-абадга қийшиқ осилган.
Истардим журъатли Буратино каби,
Узун бурним билан тешишни шу он...

Қара, Ахматова кўркам ва расида,
Тонгги Париж, туриб осма кўприкда.
Оёқ учида Мондевиль ойнасига,
Қип-қизил гулларни отар шу асно.

* * *

Уят, туз бўлмаса айтар сўзингда,
миянгда пуч хаёл айланиб турса.
Уятдир, чираниш кўкка ўзингча,
одамлар барибир заминда юрса.

Чорлайман ёнимга ишчан сўзларни,
дунёга келса ҳам улар оғирроқ.
Ҳамма Некрасовга истар ўхшашни,
аммо у – чуқурроқ, анча чуқурроқ.

Уятдир теварак кўзёшга тўлса,
йиғласак ғалаба қилганда полвон.
Уятдир заминга қапишиб олсак,
тепада турса-да гумбази осмон.

Истайман негадир қувноқ сўзларни,
жаранглаб тўкилса дилдан бир онда.
Ҳамма ҳам Пушкинга истар ўхшашни,
аммо у юксакда, жуда юксакда...



* картина –сурат, расм



* * *

Яхшиликмнн ёмонлигинг бу,
Вақт ҳукмини ўқир бегумон.
Ногоҳ сен-ла келсам рўбарў,
Ҳис қиламан ўзимни ёмон.

Қўнғироқлар қиласан тез-тез,
Ягонадир жавобим лутфан.
Таъкидлайди ҳамсоя хотин,
Ҳар галгидек уйимда йўқман.

Эртаю кеч тинмай ҳар куни,
Хатлар ёзиб, қилдинг безовта.
Сен ёзасан, бир дақиқа ҳам
Ҳаёт йўқдир, сенсиз шу топда.

Ғалатиман, ўзим негадир,
Ғашланаман, ёнимда турсанг.
Витка Силин арокхўр гажир,
Йўлинг тўсар, қаёққа борсанг.

Мен эса гоҳ оғриқлар ила,
Бахт, курашда толиқдим гоҳи.
Нима қилай энди сен билан,
Жонимга қасд қилайми, чоғи?

Ушалса деб ниятинг зора,
Ҳаммасига розиман букун.
Севолмайман сени начора,
Қадринг ерга урмагин, лекин.

Буюртмада янги тикилган,
Ярқираган мовий костюмда.
Ишқибозинг ҳув Витка Силин,
Шошилмоқда шу кез олдингга.





Рашки ёмон, метиндек қўли,
Йўлларингга тикибди ҳаёт.
У тарихчи– аспирант ҳали,
Фанда қилар буюк кашфиёт.

Халқобларни у кеча-кеча,
Ёмғирларда келар қўрқмасдан.
Ёқтирмассан уни заррача,
Сен-чи, уни асло кутмассан.

Туриб олиб эрмижада тик,
Қўнғироқлар қиялпсан ҳамон.
Мен-чи, қўшни хотин айтгандек,
Ҳар галгидек уйимда йўқман.

* * *

Истамам ҳаммага севимли бўлмоқ,
Ёхуд ҳамма қарши туришин букун.
Вақт уруғи гўё экилди шундоқ
Эҳтимолки ҳамма замонлар учун.

Мағриб йўриғига ўйнай олмайман
Сира кўр-кўрона сиғинмам шарққа.
Ўзимга топшириқ бера олмайман
Икки томонни ҳам тўлдир деб шавққа.

Истагим йўқдир бу қаттол курашда
Юракка бемалол қўлим қўймоққа.
Бир пайт ўзида жабрдийда ҳамда
Унинг жаллодига маҳрам бўлмоққа.

Барин чалкаштириб этаман давом
Ҳаммага навозиш ҳаштакиларга хос.
Иккиюзлиларни кўраман ёмон,
Ўйнагим келмайди давраларга мос.





Халойиқ севгиси керакмас менга
Дўстлар севгисидан кўксим осмондир.
Истайман севимли бўлмоқни сенга
Ўғлимга севимли бўлай қачондир.

Хаттоки жонимни беришга шайман,
Кимки чекинмаскан охирги дамда
Севимли соядай юрмоқ истайман,
Бир пайт йўқотганим марҳум отамга.

* * *

Ҳали ҳамон бизнинг асримизда,
Одамзоднинг хуни— баҳоси арзон.
Тинчлик кабутарин қаноти остида,
Ҳамма ерда уруш этмоқда давом.

Аёлимизни биз шошиб ўпамиз,
Боламиз кучармиз бахт тонларида.
Улардан кетамиз, уруш қиламиз,
Инсоний ҳиссиёт майдонларида.

Уришаверамиз қум-қорлар билан,
Осмону заминда кечаверар жанг.
Урушамиз ёлғон ва қарзлар билан
Нодонлару ҳамда ўзимиз билан.

Қачонки биз ўлсак, сиз асло-асло,
Ишона кўрмангиз, бу жуда осон.
Инфаркт ёки ўз ажалимиз билан,
Қаттол бу урушда бўламиз қурбон.

Аёллар беайб айбдор эркакларни,
Дераза тагига яшириниб пинҳон.
Аскар аёлининг кўзлари билан
Кузатар беомон урушга томон.





* * *

Қачон кириб келди юзларинг сенинг,
Менинг ғижимланган ҳаётим томон.
Дарровда англадим, бисотим менинг,
Ғариб ва аянчли кўринган замон.

Ўтлоғу, дарёлар ва денгизларни
Юзларинг ёритди ўзгача аммо.
Дунё рангларида бехабар кимса –
Мени минг рангларга айлади ошно.

Мен жуда кўрқаман, жуда кўрқаман
Илоҳий саҳарнинг дарров тугашин.
Кашфиёт, кўз ёши ҳамда ҳаяжон,
Аммо бу кўрқув-ла бўлмас курашиб.

Англаб етаяпман– бу кўрқув асли,
Тоза муҳаббатдир. Уни алқайман.
Ғарчи алқамокни билмайман яхши,
Ўз ишқининг ношуд соқчисидайман.

Бу кўрқув домида асир нотавон,
Биламан, ўткинчи, қисқадир бу он.
Мен учун йўқолар олам ранглари
Оразинг кўзимдан бўлганда ниҳон.





ИТИМ

Коп-қора тумшуғин ойнага тираб,
Йўл қараб ўтирар итим мўлтираб.

Итимни қўлим-ла силайман аста,
Кимнидир кутаман интиқ, дилхаста.

Эсингдами итим, балки, эҳтимол,
Қачондир яшарди бунда бир аёл.

Билмайман, у ўзи менга эди ким,
Синглимми эди у ёки хотиним?

Туюларди гўё қизимдек баъзан,
Кўзлари жовдираб сўраса ёрдам.

У узоқда...бунча мунғайдинг сен ҳам,
Энди бошқа аёл келмайди ҳечам.

Кадрдоним итим, ўзинг яқин дўст,
Фақат ичмаганинг ёмон-да, афсус!



ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШДАН ҚЎРҚМАГАН ШОИРА

XX аср рус шеърятининг ёрқин вакилларида бири Белла Ахмадулина 1937 йилда Москвада дунёга келди. Б.Ахмадулинанинг илк шеърлари 1955 йилда “Октябрь” журналида чоп этилган. Шоира ҳали ўнинчи синфда ўқир, Евгений Винокуровнинг адабий тўғарагига қатнашарди. Мактабни тугатгач, Б.Ахмадулина Адабиёт инсатитутига ўқишга киради. Қабул ҳайъатида ёш шоира ўзининг шеърларидан ўқийди.

Уч йилдан кейин шоира ўзмнинг илк китоби “Торлар”ни эълон қилади. Ахмадулинанинг ўзига хос чиқишлари залларни, майдонлар ва стадионларни томошабтинларга тўлдиради. Нафақат шоиранинг овози, балки унинг бадий ўқиш услуби одамларни ўзига тортарди. У шеърини матнда ғаройиб метафоралардан фойдаланар, олтин аср шоирларининг ҳижолаида ёзарди.

1958 йилда Адабиёт институти талабаларини Борис Пастернакни мамлакатдан чиқариб юбориш талаб қилинган жамоавий хатни имзолашга мажбур қилишади. Бу талабалар орасида Белла ҳам бор эди. Ўша пайтда Б. Пастернакни Нобел мукофоти олганига қарши катта кампания уюштирилади. Шоира хатга имзо қўйишдан бош тартади. Шундан кейин уни Марксизм-ленинизм фанидан имтиҳондан йиқитишиб, институтдан ҳайдашади. Кейинчалик Ахмадулина ўқишга тикланади ва институтни аъло баҳоларга тугаллайди.

–Агар Адабиёт институти менга ниманидир ўргатган бўлса, у ҳам бўлса, нимани ёзмасликни ўргатди. Мен ҳаёт аслида кўнгилнинг бедахллигини сақлаб қолишга уриниш эканини, лаззатларга учмаслик, кўркувга бўйсунмаслик эканини англадим, деган эди шоира бу ҳақда.





60 йилларда Белла Ахмадулина Василий Шукшиннинг “Шундай йигит яшайди” филмида ўйнаган журналист киз роли учун 1964 йилда Венеция фестивалида “Муқаддас Марк шери” мукофотига сазовор бўлади.

Шоира гарчи ўткир ижтимоий ва сиёсий мавзуларда ёзмаса-да, лекин Совет иттифоқидаги сиёсий масалаларга бефарқ қарай олмайди. У диссидентлар ҳаракатини ёқлади, халқ душмани саналган Андрей Сахаров, Лев Копелев, Александр Солженицинларни ҳимоя қилди. Жабрдийдаларни ҳимоя қилиб, расмий мурожаатлар билан чиқди, улар сургун қилинган жойларга борди. Хорижий газеталарда, “Озодлик радиоси” ва “Америка Овози” да уларни ёқлаб чиқишлар қилди.

Қатағонлар узоқ вақт Белла Ахмадулинага дахл қилмади: чунки у халқ орасида машҳур, севимли ва ҳурматли эди, шеърлари барча тилларга таржима қилинарди. 1969 йилда шоиранинг “Титроқ” номли тўплами Франкфуртда чоп этилди. Хорижда китоб чоп этиш ўта хатарли эди. Шундан кейин совет матбуотида шоирага қарши тош отишлар кучайиб кетди, китоблари таъқиққа учради. Ўн беш йилдан кўпроқ муддат шоира қора рўйхатларда бўлди.

Бу йилларда у муттасил таржима билан шуғулланди. У Совет иттифоқи бўйлаб, айниқса, Грузияда кўплаб сафарларда бўлди. Николоз Бараташвили, Галактион Табидзе, Ираклий Абашидзе каби грузин шоирлар шеърларини рус тилига ўгирди. 1984 йилда Белла “Халқлар дўстлиги” ордени билан мкофотланди. АҚШ санъат ва адабиёт академияси шоирани фахрий аъзоликка сайлади.

Шоира ҳаётлик вақтида 33 та шеъррий тўплами нашр этилди. Охириги йилларда Б. Ахмадулина ва турмуш ўртоғи Борис Мессерер Переделкинода яшашди. 2010 йилда шоира оламдан ўтди.





КУЛМАС МАЛИКА

Шундай ўтираман – Кулмас малика,
олмани тишлайман, олмалар тахир.
–Малика, эшик оч! Бизлар оз эмас!–
Қичкирар дарчамга ўткинчилар ахир.

Мовий кўзлари-ла боқади улар,
хонамга киришар такаллуф билмай.
Салом беришади, тавозе қилар
“Шаҳзода” дейишар бир нафас тинмай.

Туришар, мақтанар бойлиги билан,
ўтишар жаранглаб кумуш-олтини.
Аммо сиз бойлигу, чираниш билан,
шаҳзодалар, кулдира олмайсиз мени.

Шаҳзодалар шуурим синашар жуда,
айланиб-ўргилиб ширин сўз билан!
Аммо ном ортгирдим эмас беҳуда
нодонлардан нодон, донолардан доно.

Бақиришар улар:–Қандай онтига содик
малика, ғазабнок тутасан ўзингни?
Мен дейман: – Ўтирингиз, шаҳзодалар.
Эшик орқасидан тингланг сўзимни.

Янги чакмонларни кийдингиз нечун
қалпоқларни бошга ўлчадингизми?
Ўтган ҳафтада, хув ўтган ҳафтада –
Кулардим-ку, хўп устингиздан сизни.





Кирди у мана шу пастак уйларга
ўзи татарлардан, Рус бўйлаб кезган.
Ва мен қичқирардим: “Салом бегижон!
Мусалласдан тотгин, нондан ол тезда”.

–У ўзи ким эди? Бойми ё қашшоқ?
Қайси гўшаларни макон айлаган? –
Кулдим мен: – бойми у ва ёки қашшоқ,
кўркамми, рангпарми–эслай олмайман.

Ҳеч ким жазоламас, ва ўлчамайди,
унинг айбин. Бундан ҳеч вақо чиқмас.
Негаки у маишатбоз, сотқин ва дайди,
сизга жуфт эмас. Йўқ.Сизга жуфт эмас.

* * *

Ўтган май ойида, ўтган оймда менинг
ажиб бир енгиллик сезардим гўё.
Ва, замин юзига шундоқ ястаниб,
мени маст этарди пардай бир ҳаво.

Беҳад сахий эдим, шунчалар сахий,
бахтли наволарга тўлган дунёда.
Ва саъвага хос енгилтаклик ила,
қанотим чўмдирар эдим ҳавога.

Аммо, Худо ҳаққи, менинг нигоҳим
қатъийроқ ва кескин бўлди ҳаётда.
Ҳар битта нафасим, ҳар бир парвозим
қимматга тушаяпти менга ғоятда.

Ва мен ошноман кун сирларига,
Унинг тилсимлари очилди менга.
Тикилиб боқаман гирд-атрофимга
қари яхудийнинг кулгиси билан.



Боқсам, гўнгқарғалар қағ-қағ қағиллар,
энгашиб олганча қора қор узра.
Қандай зерикарли боқар аёллар
икки букилганча тикиш матога...

Ва қайдадир, қамиш сурнайин чалиб,
гулзор ва эгатларда пояма-поя.
Бегона болалар юрар югуриб,
Ҳаёт низомига этмай риоя.

* * *

Менинг кўчам бўйлаб неча йилларки,
қадамлар товуши – дўстларим кетар.
Дўстларимнинг бундай секин кетиши
дераза ортидаги зулматга ўхшар.

Дўстларим юмуши бўлгандир тамом,
улар уйларида йўқ куй, кўшиқ оти.
Фақат, бурунгидек, эски деворда,
Дега* чизган қизлар қанот қоқади.

Хўш не бўпти, не бўпти, уйғотмас кўрқув
Туннинг ваҳшатлари мазлумлар сизни.
Хоинликка мойил таҳлика аммо,
дўстларим, қоплаган о, кўзингизни.

О ёлғизлик, феълинг ўжар ва қаттиқ!
Айлантирар темир паргори билан.
Доирани қандай ўрайсан совук,
беҳуда ишончга эътибор қилмай.

Шундай чорла ва айла мукофот!
Яшагин омаду бахтга кўмилиб.
Қувонаман, бош кўйиб кўксингга,
зангор аёзингга олсам чўмилиб.

* Дега – рассом.





Ўрмонингда оёқ учида турай,
мубҳам ишорангни акси тарафда.
Япроқни топайин, ва юзимга сурай,
ҳамда етимликни сезай жаннатдай.

Кутубхонанг сукутин айлагин эҳсон,
сенинг қўшиғингда қатъий бир оҳанг.
Ва –доно –мен унутарман осон,
кимлар ўлиб кетган ё тирик аранг.

Ва мен англагайман идрок ва ғамни.
сирларин сўйлайди ашёлар такрор.
Табиат, бош қўйиб менинг елкамга,
Болаларча сирин этади ошкор.

Мана шунда – кўзёш ҳамда зулматдан,
ҳақир жоҳиллигидан кечмишнинг.
Азиз дўстларимнинг гўзал қиёфаси,
пайдо бўлар ва ғойиб бўлади қайта.

* * *


Яшар эдим сабил оромда,
оқдан ҳам оқ эди-ку кўнглим.
агар кимдир бўлса океан
Ва албатта, ўша эдим мен.

О, сен менинг қўрқоқ сузувчим
ўзинг сузмас эдинг– бу эдим мен.
майин ва инжиқ тўлқинлардан
қирғоққа олиб чиққаним сен.

О, не қилиб қўйдим мен сени!
унутдим у ҳалокатли уюримда.
Кетдинг-ку сен зангор балиқ бўлиб,
Эркалатган менинг сувимда.

190





Ва такрорлар менинг ортимдан,
ва марсия айтади бутун денгиз:
о, сен болам, жон жигарбандим,
о, шўрлигим, мени кечиргил!

* * *

Ажратмагин менга кўп фурсат
саволлар қаърига ташлама.
Меҳр тўла кўзларинг билан
кўлларимдан асло ушлама.

Кўлмаклардан ўтма баҳорда,
изларимни этганча таъкиб.
Мен биламан – қалбда оловни
Ўчгач асло бўлмайдди ёқиб..

Ўйлайсанки, мен мағрурликдан
Сен билан дўстлашмай юраман?
Мағрурликдан эмас – аламдан
Бошимни тик тутиб тураман.





ВИДОЛАШУВ

Сўнги дамда шуни айтаман:
алвидо, эмассан мажбур суйишга.
Ақлимдан озаман. Ё юксаламан
Жунун чўққисида ёниб-куйишга.

Қандайин севдинг?– сен ўлимни
ўлдирдинг. Гап бундамас бироқ:
Қандай севдинг?–сен ўлдирдинг
Аммо ўлдирдинг-ку шунчалар нўнок.

Хатонинг жафоси бу. .. О, йўк –
авф сенга. Таним пажмурда.
Кезади, кўради жаҳонни ёруғ,
Аммо ҳиссиз танам овора ерда.

Илинжимнинг кичик бир юмуши
Ҳали бўлар амал. Аммо кўлим тушган,
Ҳидлар ва товушлар боради учиб
Айланиб адашган бир тўда кушга.





ОЙПАРАСТЛАР

Ой кўтарилар ва осмонни безар
оламни ғуссага тўлдириб маъсум.
Ойпарастлар унга қўлларин чўзар
Ҳалокат ортидан жўнашга маҳкум.

Ёввойи шуурнинг қанотларида
кундуз залворидан ҳориб, толиқиб.
учар улар, нурдай шаффоф хилқатлар,
ойнинг нурларига йиғлаб осилиб.

Совуқ ва хасис милтираб бу пайт
эвазига ваъда қилмай ҳеч вақо.
фалақдан чорлайди мени у санъат
талаб этганидек розилигим гўё.

Унинг азобидан бўларманми халос,
пайқай олурманми меҳрини ахир..
ярата оларманми ойнинг нуридан
кўзга кўринарли вазмин бир сатр?





ҚОРҚИЗ

Нима бунча Қорқизни тортди
гуриллаган олов қасдига?
Яхши эди дарёга чўкса
қолса отнинг туёқ остида.

Аммо зангор этаги-ла у
учиб кетди – кўринар оёғи.
ва у йўқдир. Энди у худди
қатра сувга айланди чоғи.

Сингиб битди ҳавога тоза
тугаб битди даврони тайин.
Олов ўйнаш – бу шўхлигимиз
Бизлар севган азалий ўйин.

Бунча тортар бизни заъфар ранг,
изн бермай кўлимиздан тортар.
Лаққа тушиб эрийди бу тан,
Вужуд вужудлигин йўкотар..

Ўйнашамиз олов-ла бирга
ва даврага тортамиз дарров,
жонимизни қўйиб хатарга
ишонамиз оловга бирров.

Қисматимиз ҳали номаълум,
фарқ қилмайди ҳали тутундан.
ё чиқамиз тирик оловдан,
қолармиз ё бир умр унда.



Қандай яхши эди, қандай ғалати.
Ой чиқиб келарди, ва ҳамда Анна
ғам чекарди ва аста сўзлар эди:
-Қандай ажиб бу бари, қандай яхши.
отчопар яқинида дарахтзорларда –
рестораннинг омонат кўлкасида.
Одамлар кулгиси. Ҳамда табиат:
Ой, ва дов-дарахтлар, ва Анна.
Мана биз –тўпланиш сабабчилари.
Мана, Анна –табиатнинг шериги,
улар билан асло баҳслашолмайсан.
Фақат қарайсан – йиллар ва онлар.
Майсаларда, ойда, ва туманларда
йўқдир зиғирча ҳам хато-нуқсонлар.
Ва мен тушунаман, ҳатто Анна ҳам–
Ҳосиласи ушбу қоида-тартибнинг.
Агар, бу отчопарнинг яқинида
Агар, бу ресторан боғида кўркам,
титраб турса ҳам Анна гарчи,

Кулар эди беғубор ва ғалати,
Очила бошлайман мен ҳам сал-пал
Қадах сўзларини дейман муқаррар:
-Эҳ Анна, мен сизнинг соҳир шеърингиз
Бир шайдойи, оддий ўқувчисиман.
Рухсат беринг сўрашга сиздан: наҳот
Шеърларингиз – эмасми жумбоқ
Кура ва Арагванинг қўшилувидай
Мўқдети яқинида кунботарда шундоқ?
Табийки, ушбу азим дарёлар
Қўшилгандир меҳр туфайли бешак.
Сизнинг гўзал сўзларингиз каби
Айрилолмас қондош оқимлар андак.
Сўзлардаги бу мўъжизакор шифо





Азиз Гуржистонда серобдир жуда.
Ва аввалги –Свети –Цхвелигача то
Ва кейин – бизнинг мозор ортида.
Аммо Анна, мана ресторан боғи,
Ўйин-кулги отчопар яқинида
Эшитилар, мудроқ тулпорларнинг
Кавш қайтариши билмасдан чарчок.
Сиз, Анна – бир гўдак, ва паҳлавон,
Сиз митти бир новдасиз, довьорак.
Аммо, Анна қасам ичингиз, қасам,
Хашхонада бўлмагансиз сиз сира.
Анна аста кулди ва этди таъзим:
–Алвонланган шафақ ҳаққи ила
Онт ичаман, бўлмаганман ҳеч!
О, ҳаёт, севаман мавжудлигингни:
Ойни, дарахтларни ҳамда Аннани
Ва Аннадаги кўркув ва ҳайратни
Духанга илк қадам кўйган пайтдаги.
Тизар эди кўнглим пинҳона бахтни
бунинг буюк ажри мукофотиға
зеро, Галактионнинг иштироки
кам-кўстини тўлдирди бу тонгни.
Кўзларим билан кўрганимни эмас
Аммо юрак нигоҳларим кўрган
Ва эшитилди:– Мавжудман мен ва
Мана, бунда, очиқ тоғ кесигида
Қоя ва уйларнинг осилиб тургани
Мцхети яқинида тубсиз Кура узра.
Севаман сизнинг гўдак хаёлларингиз
Ва содда таскинларингизни сизнинг.
Ва мен ўйладим: мен не сабабдан
Ўша сояга қўшни бўлмайман нечун?
хизмат қилай мўъжизангга,
Ҳаёт шу важдан
Ўша тун, ўша тонг ва Анна учун!





КУЗ

Қимирламай ва олмай нафас
Таъмга инар асал ҳам бу чоқ.
Теранлашар куз, ва кўнгил
тажрибали, ва аён кўпроқ.

Шира йикқан каби мевалар,
Тиниқлашар туйғулар бир-бир.
Кузнинг чеккан заҳмати жиддий,
сўзлар каби, зил-замбил, оғир.

Табиатнинг ақли тўлишар,
Ошиқмасдан энди кунма кун.
Эринчоқлик доноликка ўхшар,
Тилларингни боғлайди сукун.

Велосипедда учаётган бола ҳатто,
Педалини айлантириб чир-чир.
Алланечук ёруғ ғам билан,
Бу дунёга боқади оғир.





ГУНГЛИК

Кимдир шунча кучли ва доно?
Овозим айт, ўғирлаган ким?
Йиғлай олмас у ҳақда асло,
қора яра қоплаган бўғзим.

Севги, мактов муносиб бўлган,
юмушларинг оддий сенинг, март.
Афсус, булбул сўзларим сўнган,
энди улар боғидир – луғат.

– О, куйла!– деб қилар илтижо,
опшоқ қорлар, зовлик, буталар.
Бақираман, бўғзимга аммо
Худди тошдай гунглик тиқилар.

Бўғиламан, ўламан, ва алдайман,
қарз бўлиб қолмайман, эҳтимол.
Оқ қор кўмган дарахт ёнида,
турганимда тилим бўлиб лол.

Илҳом –ҳислар авжи, сурури,
гунг руҳнинг лаҳзалик нафаси.
Айтганимдан бошқа ҳеч бири,
бошқа бирор нафас қутқармас.

Тўлиққан юракни очолсам агар,–
оламни тўлдириб, ёниб куйласам!
Нимани куйлашга шошдим, муқаррар,
уларда абадий бўлсам мужассам.

Соқов-тилсизлигим важига келсам,
сўзлар меҳробига абад чўқдим тиз.
Тўсатдан толиқсам ва ўлиб қолсам,
ўзингиз, ўзингиз шундай куйлангиз.





ИЛТИЖО

Мен учун йиғламанг – ҳали яшайман,
бахтли қашшоқ, каторгачи аёл-да,
муз қотган жанублик шимолда,
петербурглик ёмон, сирқов ҳолда,
ўлат теккан жанубларда яшайман.

Мен учун йиғламанг – ҳали яшайман,
ўша оқсоқ оёқ, қамоқдан чиққан,
ўша бадмаст, дастурхонга чиққан,
ва меҳр-ла биби Марям алқаган,
бенаво мусаввир бўлиб яшайман.

Мен учун йиғламанг – ҳали яшайман,
қизлик пайтда ўрганган сабоғим ила,
келажак йилларда ёлғиз-тоқлигим ила,
шеърларим ва кокил – зарғалдоғим ила,
нодон қизча бўлиб. Мен яшайман.

Мен учун йиғламанг – ҳали яшайман,
меҳрибон, муштипар сингил – ранги сариқ,
жангда ўлим олди ғамлардан фориғ,
Ўзимнинг юлдузим олдида юзим ёруғ,
Барибир, ҳарқалай, ҳали яшайман.





МЕХР

Сезиларди бу меҳр жуда
Моддиятда тўла аломат.
Меҳрда гар қиёфа бўлса
Буюмларда намоён фақат.

Антиқа у зангори ваза
Пайдо бўлар стол четида
Эгиласан сен таажжуб-ла
Шишанинг шаффоф юзига.

Квартира хавотирга тушар
Ҳамма келар ҳайратга бундан.
–Қайдан келди бу ваза дейсан,
Хотинингдан катъий оҳангда.


Ва антиквар қанча сўради? –
Аёлингни қийнама бунча–
Олисдаман, гарчи биламан
Гоҳи йиғлаб, гоҳи куламан.

Кўёшларим шишадек худди,
Томчилайди, ҳар томчиси зил.
Жаранглайди, биллур стакандек,
Сукунатнинг синдириб чил-чил.

Кўролмасман, мени сени, аён,
Сени кўргум тасаввуримда.
Мен беозор ҳамда безиён,
Яратурман бу мўъжизани.

Тоғ ҳавоси сингари шу дам,
Юзинг булут қоплайди бирдан.
Бақирасан: йўқ менда ором!
Булут қайдан келди бу ерга?





Иримкаш бир дехқондай худди,
Қўрқма, бунча кўтарма ғавғо.
Меҳримнинг пок заррачалари,
Қўнар сенинг елкангга гўё.

Ўйламасдан, меҳр-ла аммо,
Жодулайман сени узоқдан.
Қаршингда не бўлади пайдо,
Мени ёдга солар шу топда.

Яхши шайтон удумига кўра,
Бу амлоқда ўйнаб куламан.
Сени асраб фалокатлардан,
Ўзим беҳад хурсанд бўламан.

Алвидо ёр! Ишинг қил тезроқ!
Адо бўлар ўйин – эрмаклар.
Аммо жажжи гўдакларингга,
Мендан қолар ажиб эртақлар.





ГУЛЛАР

Ўсди гуллар иссиқхонада,
Кўриқлади уларни шифтлар.
Илдизлари жуда бақувват,
Барглари-чи, нимжон ва юпқа.

Ўғитлашди калий-ла аччиқ,
турфа тузлар билан ҳам чандон.
Бинафшалар пистоқи-сарик
Кулиб турсин, дедилар хандон.

Ўсди гуллар иссиқхонада,
Беришдилар ёруғлик, тупрок.
Лек уларга ачинганданмас,
яшашлари учун ё узок.

Фақат ҳадя этилар улар,
Кўп аламли улар тақдири.
Аммо ҳечвақт таратмас ифор,
боғлардаги каби ҳеч бири.

Улар турмас лабларда асло,
Ўпмас асалари уларни.
билмайдилар улар мутлақо,
Намлигини ҳаттоки ерни.





СУТ

Мана сут оқмоқда. Сиз ичасиз уни,
Ейсиз пряникларни ғарч-ғурч.
Истасам – айтаман бошқача буни,
Қимматбаҳо ва ноёб байрамдек худди.

Сут етилар оналикнинг авайлаб асралган
сийнасининг чуқурлигида теран
ва қизгина уни дилдираб совуқда,
соғиб олаётир челакка, қаранг.

Мен айтаман шу ҳақда, қанчалар ёш у,
караҳт бармоқлари кўкимтир, озғин.
абадул-абад сиз ичолмайсиз сут,
ўйламасдан рязанлик бу қизни.

Сал кўзингиз очинг: мевалар бўртар,
ва сирли эъзозга интизор улар.
Қизилкўзли чавоқ балиқларни,
Припятда бакрабалиқ қувлар.

Қайда гўдак йиғлар, юпатинг уни,
Қучоқланг уни, имилламанг сиз.
Замин бепоёну, унда ҳеч ким йўқ,
Агар ҳеч вақони англамасангиз.





ИБОДАТ

Сен, коинотнинг бир бурчида турган,
гоҳ аён зоҳиру, пинҳонсан гоҳи.
Ноаниқ ҳамда сўниш билмас олов,
моддиятми ёки илоҳий.

Сен, фариштами ёки табиат,
халоскорми ёки қасоскор,
йўқлигинг Сени –
Сенинг озодлигинг.
Хукмфармо ўзинг бирубор..

Сен, нимадир, ер юзида ҳоким,
ибтидоси – нур, қор, музликни.
Сенинг севгинг, сенинг буюклигинг,
Сенга боқдим, унутиб оғриқни.

Кечир! Содда бир ибодат билан,
мен қуритдим, тотдим.
Кўзёшларим юлдуздек тўкилган,
ёстик устидаги ўша жойни.

Сендан сўрайман, қоронғу тушса,
сўрайман, қоронғу тушган пайтда.
Ва яқиндан кўришни билмаган,
мен ёндириб юборган деразадан.

Сенга минг-минг айтамыз раҳмат,
буюк Замин тақдири учун.
Бу омонат хонани фақат,
қолдир мендай ғарибга букун.





Югураман саргардон нечун,
унинг қиёфасин севиб қолганман.
барча ақлим – ақлсизлигим билан,
кўз очигу – сўқир бўлганман?

Иккита омонат стул, каравот
чироқ нури, графин, ғира-шира,
четан деворгача чўзилиб борар,
кенгликларни қучган манзара.

Сариқ девор ичра ўтди нелар,
бўлиб қолди пинҳоний сирим.
Беҳуда ҳамда бахтиёр ғуссалар,
кишнинг кунларидан яширин.

Кўшилишди стол ва тирсак,
Дафтар интиқ қаламни кутди.
Ва, кузатиб дайру фанони,
Кўнгил қанча аламлар ютди.





КЕЛИН

Келин бўлмоқ иштайман,
жингалаксоч, чиройли.
Оппоқ айвон остида
иболи, тўр рўмолли.

Совуқ узук дастидан,
дир титрасин бармоқлар.
Келин ҳамда куёв бахтига
кўтарилсин қадахлар.

Олқишлаб мени ҳамма,
зўр ўғиллар тиласин.
Совға кўтарган дўстлар
Эшикларга сиғмасин.


Елим халтада кўйлак,
Тарелка, тўр ипакдан...
Яноғимдан ўпсинлар,
Ҳали хотин бўлмасдан.

Оқ кўйлагим, беғубор –
Мусалласдан нафармон.
Мен бечора, бахтиёр,
стол ортида сарсон.

Кўрқинчли ҳамда жозиб,
Нима бордир, олдинда.
Йиғлайди онажоним,
шошилма, она бунча.

...Кийимларим ялтироқ,
Каравотга сочилган.
Яхшидир менга кўрқмоқ,
ўпич олишга сендан.





Тахланди барча стул,
деворга тақаб баланд...
Нима бўлар, буёғи,
энди сену мен билан?..

* * *

–Бизлар ажраламиз –бир вақтда айни,
олам ўзгаришга юз тутар баайни.
Хиёнатга унда иштиёқ катта,
дарё қирғоқларга урилар шартта,
музлар осмонларда булутлар сатта,
силкинар ўнг қўлга чап қўл, албатта,
Ва ғурур-ла дейди: – Ҳозирча!

Майни ваъда этмайди апрель,
майни такрор кўрмайсиз аниқ.
Ажралади Иван ва Марья
О, ғанимлиқ зангор ва сариқ!

Сарғайтирар ўт-ўланни ёз,
узунликлар қочар кенгликдан.
Оқликларда асло ранг қолмас –
етим қолар етти ранг ундан.

Табиатда офат,талафот,
кўтарилар сувлар – пасайган.
Саслар ўчар– ҳижрон айби билан
иккимизнинг ўртамиздаги.





АДА

Ахир сенинг шўрлик исмингдан,
жаранги йўк, бечора исмингдан,
айт, не наф олдим?
Кўзёш тўкдим унинг измида
ва даҳшатли кўркувда қолдим.

У– бир товуш, аммо бу товуш
гангитади, қулоғим ўяр.
у кўринса – қўл бармоқларим
бемор совуқ музлатиб кўяр..

Сўзларга мен таъқиқлаб қўйдим,
улар билан бўлишни ёвуқ.
Сўзлар, сизни мен кечирмадим,
бунча унлилارينгиз чўзиқ.

Ва, мана ишониб алал оқибат,
бу исмни чорладим маҳзун.
Кўришмоққа юзма-юз фақат
акси билан унинг номаълум.

У келди ва ёпишиб эшикка
жажжи қўли билан тирнади.
Дардларимга сабабкор исм,
сен томондан нега айтилди?

Чорлагандим ўз ғуссам ахир,
ўз лаънати туғишганимни.
Кутмагандим асло назарда
қисматини бошқа бахтсизни.



Ўтираман сенинг қаршингда,
ҳеч нимани буза олмайман.
Бошларимни мен энгаштириб,
Кўзёшимни кўрсатмай дейман.

Кечир мени? Қўлларда ушбу,
аломатлар арзимас, майда.
Аммо ушбу ғуссалар адаши,
сайёралар кезган қиз дайди...

Нима қилиш керак, бошқа бир –
худди шундай исм-ла шу тоб?
Наҳот, барча кўзёшимга менинг
Бўлмаса ҳеч умидли жавоб?

Наҳот, маълум бир фурсат ўтиб,
Худди ўша ўхшашлик билан.
Сенинг соянг худди гўдакдек,
Чопқилласа соям ортидан?

Ва у ёқда, олис булутларда,
ҳижрон белгисидек йўлларинг.
Чўзилган қўлларимга менинг,
етолмаса сенинг қўлларинг.





УЙ

Борис Мессерерга

Онт ичаман сизга: бўлганман бунда!
нафас олишни унутиб югурдим.
Кўриб қолиб қор тўнкасини,
Аста-аста юрдим, ўқиндим.

Лаҳзанинг хотираси омонат,
Йўқолди, сингиди қорлар қаърига.
Тирикмисан бу он, мен ишонаман,
баҳор иссиқларига чидамоққа.

Халқнинг содда оқиб бориши,
кувонч ваъда қилди витриналарга.
Аллақачон Никита дарвозаси ёқда,
тақсимотлар бўлди, қор тушди ерга.

Бу қандайин парвоз оламшумул,
қандай чидай олди бечора юрак.
Мерзляковскийдан то – Хлебнийгача,
ҳовли ичи-ичини тешар елвизак.

Ҳис этиб қандайдир нохушликни аён,
йил охиригача бу иссиқда аммо –
йўлакда туради эски плафон,
ғоят афтодаҳол ҳамда бемаъно.

Шунчалар шошқин, шунчалар қизгин,
мен уйни бу севдим! Бу қулба
лиқ тўла, худди гўдак кутисидек,
тақдирлар, эзгулик ва ёмонлик ила.



Яшовчилари, турфа, олакуррок,
уларнинг ҳеч сон-саноғи йўқ.
Байрамларда ичувчиларни,
кўнглимга олдим яқинроқ.

Қандайин ечимни асради ақлим,
назар солганимда меҳр-ла.
Юртдошларим шиддатли ҳаёти,
мураккаб ва содда нақадар?

Кечар экан, пинҳоний турмушим
ҳали ҳамон шу уйда, мен аммо
унинг кампирларин севиб қолдим
кўча-кўйда бўлиб рўбарў..

Қариб қолган ҳасратли лифтда,
бирга чиқдик, гаплашдик бирпас.
Оғирлигин, кекса вужудга,
декабрнинг совуғига чидаш.

Ўша декабрда ва ўша маконда,
ёвузликни кўнглим этди рад.
Ҳаммаси туюлди менга чиройли,
бўлмас эди бошқача, албат.

Севганингни севишда меҳр бор,
яқинмисан ёки йироқ масканда.
Уриб турар эди чексизлик –сеҳр
Кўксимда, билакда ҳамда чаккамда.

Ўтар эдим коридорлар дарасидан,
тортар эди мени чуқурликлари бешак.
Бегона ҳасратлар, тўйлар, сафсаталар,
мушук йиғиси, ва бижилдоқ гўдак.





Менга тепага – менга у ёққа, яъни,
Гумбазнинг четига келгинди учган.
Мен бўлган, ҳамда мусаввир яшаган,
ҳозир мен яшаётган, ва у яшаётган.

Унинг ғайриоддий буюм-анжомлари,
тарбия олгандир мисоли махлуқ.
Рост айтар уларнинг соқов гурунги,
Тилсим – сири ҳақида жодунинг.

Ким уларни йиққан бўлса бир ерга,
Ғаразғўй эмасди, эмасди бадавлат.
Баландликдаги нарса қўнгилга,
Яқиндир, содиқ ит ё жигардек фақат.

Ўтган давр чиқиндихонасидан
қайтарилган ва қутқарилган улар.
Ўта ғамгин ҳамда беғараз,
янги буюмга шошганча боқар.

О, гулдирок гумбур-гумбур учун,
Ланг очилар оғзим нақадар.
Тўртта сайроқ граммафонлар,
Қоронғида ўсар ҳашамдор.

Уларга қардошман, мана, ўляпман,
бу меҳрдан, уйга кирсам қачон.
Шунчалар мен бўйнимни эгаман,
Кўтаролмай бошимни бу он.

Мен ҳам, улардек кўп фасоҳатли,
Ва томоғим очиқ бутунлай.
Эсдан чиққан рақс оҳанги,
Овозимда сақланиб қолган.



Улар товуши чорламадими мени,
мени жалб этган улар эмасми.
Муҳаббатнинг даҳшатли ва буюк–
изтироби кўзимни очдими?

Меҳридир, ким севса қаттиқ,
Гўзалликнинг қудрати бепоён.
Менинг шаҳрим, гўё шаҳар– янги,
Ўз хислатин этди менга намоён.

Буюк арабдан ҳам қорарок,
тун келарди. Нечун менга эъзоз–
Деразадан кўрмоқ икки Арбатни:
Қисматда не бўлса, ўшани кўрмоқ.

Нафармон шохчага осилгандир шом,
Мана стул инжиқ ва содда.
Суратим чизади мусаввир бу он,
Ва ўткир боқади бегона, ётдай.

Мен ҳисоблаб ҳалокат каби,
Қулайликни, тўла ва кулгили.
Вазни ўлчайман бешта туроқли,
Ўзим учун азиз инсон юзига.

Мен билганим, бу – оддий ҳақиқат:
энг ишончли йўл– бу муҳаббат.
Жами инсоният бус-бутун,
Кўнгил ва идрокка суянса фақат.

Боладан ҳам асло бўлмасдан айёр,
жоҳил бўлмай дарахтдан ҳатто.
Яшаса ардоқлаб фақат ҳаётни,
ўзин ҳаётидан билганча устун.





Шундай яшадим мен аввалги қишда,
ўсиб кетди тун, настариндай шахтли.
Одамлар чалдилар шундоқ бошимда,
ғусса сибизғасини кудратли.

Хиёбон четида бўлган эди уй,
нафақат бўлган, бордир ҳали ҳам.
Нега такрорлайман: бунда бўлганман,
билмам: шундаманми ҳали ҳам?

Ҳали яшаяпман, сеvimли ҳали ҳам,
булар бари менга ҳозир насиб этган.
Назаримда, аввал нелар рўй берган,
қачонлардир тугаган, битган...

* * *


Яна сентябрь, кеч тушгани чоғда,
кучайиб бошлайди тўсатдан совуқ.
Мен шубҳа ичида қарайман боққа:
у ерда ким юрар, билолмайман, йўқ.

Менга кўрқинчимас, шодлик аксинча,
атрофда сезаман шарпалар сасин.
Кузак кунларининг сарин бағрида,
Ўша қадамларни дўст деб биламан.

Ҳеч кимдан сўрмайман: бўлмадимми вақт,
Дафтарга кўчирсам – куз рангларини.
Майсалар, ҳаво ҳамда доира чизган,
Сўнгги парвозини карахт арининг.

Ва мана бу: кимнинг кўзлари мунчоқ,
Ойга етиб борган ва тавалло айта.
Қанча масофалар босганча узок,





Заминда мен билан кўришган қайта?
Ҳар қандайин нигоҳ Ой нурин эмган,
Яшайди меҳр ё таънадан озод.
Қарар бизга марҳум кўзлари билан,
Ўтган одамларнинг руҳи барҳаёт.

Балки шул сабабдан, ёниқ ва гўзал,
Ойдаги бу тошлар ўртар бизни чиндан.
О, мен биламан, ким ҳаммадан кўра,
Уни нурлантирилган икки кўз билан.

Шундай ўтираман, бу боғни тинглаб,
Абадият учун қолдиргум дарча.
Пушкин кўзини мендан узмасдан,
Яноғим ёндирар тинмай бу кеча...





ОҒРИҚ

О оғриқ, сен–доно. Ечим моҳияти,
майда, арзимасдир сенинг олдингда,
хаста жониворнинг қора кўзларин,
ўрар йилдиримдек қора даҳолик.

Сарҳадларинг аро сенинг хатарли,
менинг шууримдир аянч ва юксак,
аммо бу шифобахш ўтлар мазаси,
оғзимда туради нордон ялпиздек.

Сўнгги нафасимни енгиллатиш учун,
ўша жонивордек ҳозир мен худди.
Ҳидларини ҳидлаб тополдим чора,
ғамгин новдасидан гулнинг.

Барчани кечириш – ажиб енгиллик!
Кечириш ва бирдан ҳаммага ёқиш.
Ва жуда ёқимли, нурни эмгандек,
жисми жонинг-ла лаззатни тотиш.

Кечираман, сизни хиёбонлар бўм-бўш!
Ғамдийдаман, сизга айтсам ростини.
Гумон-шубҳаларда бўзладим нохуш,
Болачаларнинг мен ўпиб қалпоғин.

Кечираман сизни, бегона қўллар!
Чўзилгансиз ахир, майлига, унга,
фақат менинг чеккан севгим, азобим,
мутлақо керакмас бугун кимга.





Кечираман, сизни майли, ит кўзлар!
Ҳар бир боқишингиз – менга буюк жазо.
Менинг барча ҳасратли алам, йиғиларим,
кўтармоққа маҳкум бечора кўзлар.

Кечираман сизни дўсту нодўстлар!
Мана ўпаяпман сизни қувноқ, шўх.
Аммо, кўринг менинг ўлик танамда
энди мана, зарра дармону жон йўқ!

Кучли портлаш ҳамда ажиб енгиллик,
Учиб юрар бунда тўшаклардан пар.
Тирсагимга сира ботмайди энди,
тошдан ҳам оғирроқ бу суянчиқлар.

Ҳаволарни менга симирмоқ душвор,
мен кутаяпман: қара, тугаб борар кун.
Бўлса гар мендаин дардга гирифтор,
Ўша шўр, бечора мени кечирсин.





О, МЕНИНГ УЯТЧАН ҚАҲРАМОНИМ

О, менинг уятчан қахрамоним,
сен куёндай қочдинг исноддан.
Мен ролимни ўйнадим узок,
шеригимга суянмай ҳатто!

Ёрдамларинг қолсин ордона,
бир бор унга бўлмадим муҳтож.
Саҳна орти, соялар аро,
ташланмадинг кўзга ҳам бироз.

Мен-чи, уят ҳам телбаликда,
Чикдим омма олдига ёвуз –
Ҳар кўриниш, ҳамма саҳнада,
ушбу ролда ҳамиша ёлғиз.

Кулдинг партер, учиб ҳушларинг!
Поймол этиб туйғуларимни..
Шармандали йўқотишларим,
беғубор – пок кулгуларимни.

Келди сенинг очофат галанг,
ниятлари ғамимни ичмоқ.
Ёлғиз, ёлғиз – ҳолим бўлиб танг
елкам қисиб турибман, эвоҳ.

Аmmo шошқин издиҳом аро,
Издан ўчди асл қахрамон.
Тахликада қолдинг юз қаро!
кўркма, сени сира сотмайман.

Бизнинг роллар – у менинг фақат,
Бу ўйинда бўлдим ютқазиб.
Қанча дардлар – дардлар бешафқат,
Барин бошдан келдим ўтқазиб.





* * *

Гия Маргвелашивилига

Жоним чикди неча бор тандан,
ё ўйладим, ўлаяпман мана.
оқ қоғозни қоралаётганда
унга сўзлар ёзаётганда.

Азоблади мени ҳаёт, эҳтиёж
тонгги қийноқ, бари бошидан яна.
Аммоки Гуржистон онамдан зиёд
чорлади ўзига, тирилди танам.

Севги ёшигача, кўзимдан оққан
ва айрим сабаблар боис номаълум.
нақадар ғаройиб, аммо бу ўлка,
севди мени, агар билмоқ билсангиз.

Тифлис, билмам, ололмаман англай –
Қандай ота-она у, бағритош
остонангга мени ташлади атай
ташландиқ бир боладай хумбош.

Тифлис, менга ҳеч не айтмадинг
сўрамадим бирор нима сендан:
Совға-саломга кўмдингу мени
Ва йўлладинг “раҳмат”лар менга.

Ҳаётим мен қай тарзда курсам,
мавҳумотли эртанги кунда –
Умрим бўйи хизматинг қилсам
Бари камдир, етмайди сенга...





ШЕЪРИЯТ КУНИДА

Қай телба бу байрамни ўйлаб чиқарган,
шеърият куни деб берган сахий ном?
Ўша йўлдан, менинг изларим йўқолган,
байрамга келмоқда улкан издиҳом.

О, улуғ кун, мухлисларинг жунуваш
Улар жасоратин ўзимга олмайман.
Сен мен учун – тантанали кунлар.
Тантанангда аммо ўтиролмайман.

Одамларда эса – ишонч ва шубҳа
Улар кўнгли жуда оддий, беғубор!
Ким пастга энади, ким бўлар юксак
Соддадил бу зотлар қилмас эътибор.

Улар омилигин чалғитар қулоқ,
хозирча бунда ҳеч ёмонлик йўқдир.
менда қолаётир туманли ишонч,
бехудамас бундай байрамлар ахир.

Сўзлар соя бермас бекор шоирга,
бехудамас, улар овози янғрок.
болалар ва қизлар кўзларида нур,
чақнайди ҳаяжон ва ўтли чакмоқ.





БАҲОР, БАҲОР, УНИНГ БОШИДА...

Баҳор, баҳор, унинг бошида
чулғангандим ғамга бош-оёқ.
Аммо, ғамнинг ғариб кунжида
мен бахтиёр эдим-ку бироқ.

қачон менинг севимли уйимга,
севимли кишиларим оралаб
Келди кўкдан хавфли тутундай
оғриқ, севги мени қоралаб.


Ким эдик биз бир-биримизга
кимса билмас, барибир, аммо—
гўё ёпиқ айланада бизга,
бир қисматни ёзганди Худо.

Ва сен, итим меҳрибон, майин
ен ҳам шунда, бурчинг юқори.
аҳилликда, ва қийнаб баъзида
ардоқладим имконим бори.

Аммоки бу фоже сахнада
йўқотишлар, келгуси ва ўтган
болаликдагидек, юз берди
антрактда мени кутқарган.

Ёзилганда тушки дастурхон
оддий эди жуда ҳаётим.
ва Александра Николевнага
назокат ва гўзаллик қайтди.





Унга қачон қараган чоғим
Ўйлар эдим: бежизмас, о, йўқ
Сирли ишлар учун биз, чоғи,
Бу жаҳонга келган эканмиз.

Беҳудамас бизнинг азоблар
Ва ҳисоби чексиз фойданинг.
қўлларимиз ва шунга кўра,
хиллар доим мато ва рангни.

Яхши тушлик чалғитди ғамдан
таом тайёр, хуш ҳиди келар.
барча онтда болаларча лаблар
ноз-неъматни еяр болалар.

Байрам ёки қатлгоҳлар аро
гоҳ ўт-олов, гоҳ сўнгат қора
Чиройли бўлсак-да, бахтсизмиз
Маҳкумдирмиз шунга начора.





ХОТИРА

Менга дерлар: неча йилларки
Кетаётир таъмирлаш уйингда.
Ва айтишар, шошилади халқ
Ишларнинг зўр боришига.

Қандай қайта олинган Қозон
Ким шаън кучди, ким эса ажал.
Изтиробли кўринар кўзларга
У Осиё қасри чўнг, зарҳал.


Наҳотки кўп шунча усталар
Оворасан, шунча наҳотки.
Чақирасан уларни ҳар ёқдан
Туширмоққа соям девордан.

Қонли сарой керакдир нечун!
Қочар соя карниз ортига.
ширинликлар билан сийлагин
мўлжалланган каламушларга.

Агар бўлса китоб муқоваси
Бу китобни кимлардир ёқсин.
Капалак ўз парвозидадир –
сен ҳам ўша матрапинг билан.

Унутма панжара титроғин:
Эманни кес, металлни тобла.
Қанча десанг берай ширинлик
Учаяпсан пастдан юқорига.





Бирор кимса кўнгли мабодо
Йиғласа, мен-чун фиғон кўтариб.
Қор, ёмғирнинг чаккиси оққан –
Кетсин оппоқ шифтни ўпириб.

Ва муҳими, биронта ҳам шам
Биттагина бўлса ҳам ақалли.
Қаролмасин қайрилиб менга
Тунда ёнаётган маҳали.

Берма, чунки қарамасин шам,
Кўзи билан кўзингга зинҳор.
бир гап шу: чигирткани ўлдир!
Мен чигиртка бўлганман бир бор.

Айтганимдай бажо эт барин,
Ҳали ҳам кеч эмас, айтаман.
Чарчамасанг декабрга бориб,
Қаратиб қўй уйингни тонгга.





АБХАЗ ДАФНЛАРИ

Икки қиз ташларди картошкагуллар,
эхтиёкорлик билан қабрга томон,
хорғин гапирарди кекса аёллар:
–Гуллар бугун қиммат, бу жуда ёмон...

Ташна ҳадик билан боқарди кўча
қизлар борар эди олдинда шундоқ.
арзон қўйлақларнинг ярқирашлари
кўксида титрарди қўллари оппоқ.

Кўтарганди зил-замбил гулчамбар
қора кийган кампирлар қўлларида.
Ҳа,сепга йиғилган бўлса нималар
оппоқ гулчамбарга айланди бари.

Қабр бошида такрор олишди ёдга,
ҳамма бир жонланди, енгил титроқда,
фақат битта аёл кўз ололмай ердан
қовоғи солинган эди бу чоқда.

Ичишдилар, қадаҳ ва пиёлада –
Юмшадилар, алам қўйворди бироз.
ва йўлда чача ҳиди анқиди узоқ
оғир ва залворли таралди овоз.

Мотам қўшиғини куйладилар сўнг,
унутмоқ қасдида мусибатни атай...
Бу йилги йил эмас, анча йил бурун,
Дафн этилганди Гаули шундай...





ЯНГИ ДАФТАР

Хижолатман, чўчийман жуда
Оппоқ қоғоз узра топ-тоза.
Художўйлар туради шундай
Бутхона эшиги олдида.
Қиз боланинг олдида шундай
Эсанкирар тажрибали ошиқ.

Мактаб ўқувчисидек, дафтарга
Кўз ташлайман очкўз суқ ила.
Азоблаб сўнг уни қаламда
Қоралайман фикрлар турфа.

Хуснихатнинг ажойиб сабоғи
чўзилмайди. Саҳифа ўзгарар.
Уялтирар харфлар бўйсунмай
Оқ қоғозга етказилар зарар.

Дафтар ичига, ўрмон ичигадек
ҳеч ўйламай чўкаман то абад.
якка ўзим нурли варақлар орасида
шоду хуррам қисматим елкалаб.





ТУН

Андрей Смирновга

Қораяди ёруғлик уч тарафдан
кўлим етмас журъатга бироқ,
ҳаво орасидан, столда қотган
қоғозларга етолмайман, оппоқ.

Қандай қатъий ҳалол идроким
ўз ноқислигидан уялар кўпроқ.
ечвормайди у бемалол кўлим
беғам ўтмишдан тузишга туроқ!

Шунга қарамасдан, зулмат кечаси
пешонам қизийди ўйлардан, зил-зил.
кофеин қуввати ва туннинг жазбасин
Ақл ўткирлигига йўярман енгил.

Кўрниб турибди, енгилмас ва буюк
ушбу бедорликнинг ўйларида, бас.
қайноқ ҳаяжонни худди даҳодек
ўз фазилати деб у ҳисобламас.

Ўз ғамин билмаслик бу катта гуноҳ!
Иштиёқ хўп ширин, камтаринлик пок.
Номсиз кечага ҳеч қилмаслик парво
барчасин ўз номи билан атамоқ.

Ҳозирча кўлимни қимирлатмайман,
ҳар буюм аёлдай нозланиб боқар.
бўянади, ҳар бир имосин кузатар,
унга мақтов айтмоқ қасдида.





Ишончли, ва менга албат сеvimли,
гапирар, эланар буюмлар овози..
унинг кўнгли истар мақтовни
истайди шубҳасиз, менинг овозимда.

Шамга раҳмат айтмоқ истайман жуда,
уни сотгани – чун сеvimли нури.
тақдим этганини чексиз эркалашда
мақтовларни! Аммо яна жимман.

Қандай оғриқ – гунглик қийноғида
ягона каломда тан олмоқ барин.
ноёб гўзаллик-ла, шафқатсиз кўз-ла
менга термулади севгим кўзлари!

Нимадан уялгум? Озодмасман нечун
қорлар кўлкасида, қулбада бўм-бўш.
ёзиш яхши эмас, аммо адолатли
уй ва қор ҳақида, дераза кўкиш?

Худойим, ҳеч қачон уятга қўйма
Столимдаги ҳимоясиз қоғоз олдида.
Ярқироқ ва покдил шамнинг олдида
уйқунинг олдида юзимда сузган.





30 АПРЕЛЬ КЕЧАСИ

Хона – оғам, қайда бўлдим, сўрама,
Хира ой шуъласи – эмасдир ҳеч ёруғ.
паршино йўлида Паршинога эмас
кетдим, бошқа жойга, ҳатто номи йўқ.

У ёқларда ерга қапишган осмон,
само гумбазида барча инон-ихтиёр.
Бегона тажриба титроғи ўрар:
Ажал уйқусида у камёб меҳмон.

Ёп-ёруғ бир юлдуз ёнимд чакнар,
юлдуздан ўзга йўқ арзимас ҳолат.
Ўзи йўқлигидан мулзам томошабин
Қўрқади бўлишдан, ҳозирмас, мангу.

Истамайди тана яшовчан ва эрка,
уйга қайтишни ва абадият ҳақда.
ғуссам, муҳаббатим, ойим менинг.
ета қолайин тезроқ қуёшли ёққа.

Мен истайман, қандайдир жуда оддий
Буюмлар ва рақамлар насиҳатини.
Мана бу билсанг, чироқ, бу – хона
Ўтгизинчи апрель: тун – соат икки.

қўрқоқ ақлим ишонмас ҳеч нимага,
тан олмай бачкана ўлчам, мезонни.
ойим, бурчагимга тикасан нега
ўз лаш-лушинг: тун ҳамда осмонни?





САҲНАГА ЧИҚИШ

Келдим, дедим: ҳозирги қордай худди
феврал учун оппа-осон кўқдан тушиш.
Десам, сира-сира сиз ишонманг менга,
Осон менга сизлар учун саҳнага чиқиш.

О, мен истамайман қайтадан, тагин,
Ёнган теримни сидиршни бу жойда.
Менинг овозим, қордай ёғар оёқларга
Ва эрир қордаин, айланганча лойга.

Чидолмайман! Кучим йўқ! Рад этаман
бемор тўшагидан чиқишни саҳнага.
Пешонам музлаган! Елкаларим оғрир
О, кимдир кел, вақтни чўз қайтадан.

Ажал ёқасида, арқоннинг тиғида
Сен раққоса, йиқилмагунча ўйна.
Ўламан, тириламан, керак бўлса
Мудом шундоқ. Ҳозир ҳам шундоқ.

Азобли кўзлар туб-тубигача ичган
Қулоқлар қувончига бераман хуним.
Ўтирар севиклим, залда хотиржам
Аямайман ўзим, қўймам уятга уни.

Қачон кўзим очсам бетартиб хатардан
санасам ўзимни йўқ деб негадир.
Аммо айтар кимдир: у артист эди,
Ва айтади кимдир: ул эди шоир.





Томоғим хириллар шеър ўқимокдан
сахнага чиқаман мардона бу гал.
барча одамларнинг юзида кескин
чизиқлари туташ чехралар гўзал.

Ачинмайман сўзлар, ва аччиқ қийноқ,
шошмай имонгизга қиламан таъзим,
кифоядир сизни қувонтирсам озроқ
Ҳамиша эмас-ку – атиги бир зум.





БЎРОН

Борис Пастернакка

Февраль— табиатнинг севги, ғазаби
Оққа ўраб ажаб, сўлу соғларни
буюк шимол табиати билан
танасини очди далабоғларни.

Тўртта уйдан иборат кўча,
эни ва бўйига очилгани они.
ўзига айлади бемалол қабул
жами қори, ойини жаҳонни.

Қандай изғирин! бўлмаса-чи, ахир –
айни бўрон кўпган чоғида.
ким олади далабоғ, дарахтларни
бунча яқин ўз идрокига.

Жилғаларнинг оқими пинҳон
қарағайлар турар эгик қад.
тароватга чулғаб бир он,
айлантирган буюмга қиммат.

Шундамасми ғамлар чекиши,
ўтди кунлар масрур ва гўзал..
ўша шивир, алаҳсирашда,
ўз овозин эслайди ҳар гал.

Қор бўроннинг исканжасида,
узилади бир зум ҳаёт саси
уй ва қабристон орасида
ғуссанинг ҳам узвий алоқаси.





* * *

Ўзига тортади қадимги ҳижо,
Кўҳна бу каломда жозиба кўпроқ.
Шубҳасиз у бизнинг сўзлардан
замонавий ҳамда кескинроқ.

Бақиришар: “ярим подшолик отга!”–
Қандайин ҳовлиқиш ҳамда саховат!
Нима ҳам деярдим бу илтифотга,
беҳуда ва ожиз сўнгги шижоат.

Қачондир кўзларим очаман зулматда,
мангу бу урушда енгилган пайтда.
Ногаҳон келади менинг хотирамга
далли девонанинг қарори, албатта.

О,ярим подшолик нима мен учун!
Гўдакман, асримдан олиб бўлган дарс.
Севгилим-ла кечган ярим лаҳзага,
Учқур тулпоримни алишаман шарт.

Дегайман майлига, ёр бўлсин Худо,
Тулпорим, бедовим, қаноти учқур,
Бўлди, жиловингни беғараз аммо,
энди бўш қўярман – уюрингда ёвқур.

Чопарсан сен, елиб чопарсан унда,
дашту-саҳроларда сарғайган, яйдоқ.
Менинг эса зериктирди ғалағовури,
ғалаба ва мағлубиятнинг кўпроқ.

Эҳ,бечора отим, бечора севгим!
Ўрта асрлардан келганмиз бизлар.
Шундай оёқларим остида ётар,
Тулпор тақалари қолдирган излар.

259





ОИЛА ВА ТУРМУШ

Аняга

Йўклик пучмоғидан гўдак келди аввал.
Бизнинг тор доирамизга кучук
таклиф этилганди бахт учун.
Мушукча эса қанча чақирилса, ёлғиз эди шунча.

Деразага йиқилиб тирилди кушча
Мўъжиза онида ўзим ёқдим шам:
келди чигиртка ҳам аранг ғичирлаб
чигиртка лаш-лушин ортган чанадай.

Ғаройиб даврамиз кенгайди шундоқ
Ҳамма йиғилдими? Ўйламайман. Сал-пал.
Қайдасан, келмоқчи кадрдон ўртоқ
Қанотларинг қоқкин! Айлангир педал!

Ҳозирча хонада юрар буюмлар
зинага чекиниб – кутамиз шу кўй.
Эмасмиз қашшоқ ва етим унчалар
буюмлари билан мақтанмасин уй.

Биз билан қол, ким у кириб келган!
Ўзинг кўрасан тун кечаларда зўр
афсункор чирокни ёқамиз бизлар.
О, кулги! Акиллаш! Ғичир, ғалағовур!

Кайвонилар бепарво, беғам жўровозда
Қўрқинчлимас сира, гарчи тирикман.
айтаяпман мен тунги озодлигимдан
кайвонилик юмушлари қўрқинчли менга.



Қайга кетай? Юзимни кафтим-ла ёпиб
Кўппак қарийди. Етим қолади дафтар.
Фақат гўдак боради янада ёшариб,
яшаш ва қийналиш истайди баттар.

Томоғим оғрирди аввал, қутулдим энди
пешонам иссиғидан шундай осон, букун –
гўдак ўйланди ва деди :– Типратикан
кечир мени, ҳамма, ҳаммаси учун.

Кечириш осонми–тирик ҳар ҳаёт!
Сенга рўпарангдан боққан юлдузга
панд бермайман: ўлгандан баттар,
Қайтгум,эслагум, бўлгум ва ўзгум.

Учади, кенгайиб бизларнинг тўда,
яшаш ва қувониш ҳаққидан яйраб.
бахтни бахти билан кўргани ҳолда
буюк марҳамат деб дунёга қараб..

уйда қолар чигиртка ва қуш алҳол,
Гўдак,ит, рангпар мушук ҳамда мен
ҳовлига чиқамиз ҳамда мукамал
турмуш бозорида қилармиз ўйин!

Фикрлар моҳияти нон ва сут ҳақда–
кўлмак ва ариқдан сакраймиз шодон.
чикора бизларга шон-шуҳрат сохта?
Қўлга киритармиз уларни осон.

Сентябрда иссиқ, ўзгарувчан ҳаво
барча чопар ўқиш, юмуш дардида.
Бизларни чулғайди кулгулар тилло
“Аэропорт” номли метро бекатида.



* * *

Шундай, йигирма етти ёшим арафасида
таваллудимга, топдим мана бир овунчоқ-да.
Кўмилиб яшадим, уй, оила ҳамда –
Афсонавий кенгу мўл боғда.

Яхшилик бахш этдим ўзимга ўзим,
адолатпарвар табиат билан ҳамнафас
қуриётган ўрмонни кузатиш учун, –
томорқа тақдири қизиқтириб бирпас.

Қандай яхши унутиш ғусса ва аламни,
фикр ҳам қилмаслик, демаслик бир гап.
болалардай содда дарахтларсимон
айламоқ ёт даҳо меҳрига тоқат.

Соғая бошладим бирдан майсадай
Қалб тоза, ўсимликлар каби барча.
ақлли эмасман дарахтлардан кўра,
туғилмасдан олдинги аҳволим эмас.

Тунларда кулардим боқиб шифтларга,
у очик бўшлиққа, яқин кўринган.
кулги ва саломдан мақсадга эга,
Худойим оқартирарди зулматни.

Эгам суйишидан умид қилардим,
аниқ, муқаррардир, қилишим шукур
ўпиш осон бўлсин учун манглайдан–
сочларимни йиғиб ухлардим, чукур.

Яшадим жуда узоқ, балки, бир аср
еру дарахтларнинг қаърида ниҳон.
биров пайқамади, улкан азобим
танҳолигим эшиги ортида пинҳон..





ШАМ

Геннадий Шпаликовга

Атиги шу– битта шам бўлса,
Оддийгина ҳамда мумли.
Ва асрий эски удумлар
Хотирангда уйғонар мунгли.

Шошилади чобук қаламинг
Фасоҳатли ўша қоғозда.
Ақлли ва мулоҳазакор,
Эзгуликлар уйғотиб қалбда.

Дўстларингни ўйлай бошлайсан
Яна кўпроқ, эски алпозда.
Шаффоф ёғ оқаркан шамдан
Жилваланар нур кўзларингда.

Меҳр ила боқади Пушкин
Тун ўтади, ўчади шамлар.
Она тилнинг тотли таъмидан
Музлаб қолар ҳаттоки лаблар.



* * *

Биламан, бари бўлар:архив, жадваллар...
Яшаб ўтди Белла... кейин эса ўлди...
Жуда зўр яшадим! Учдим Тбилисига
Гия билан Шура мени кутиб олди.

Чўзилсайди мангу, худди аввалгидек:
офтобчувоққа тушдим мен осмондан.
шаҳарда қолмади бирор ертўла,
Гия ва Шура кирмаган мен билан.

Шам каби, липиллар қадрдон юзлар.
Йиғлайман, ивийди мусалласдан нон.
Биз йўқмиз, лек Тифлис жин кўчаларида
Гия, Шура ва мен – биргамиз, ҳар он.

Бахтлидирман, биламан, бошқа одамлар
эслайдилар мени бошқа бир замон.
Раҳмат! – Фойдаси йўқ: Шура ва Гиядай
севмагайдир мени ҳеч ким, ҳеч қачон.






ОТ

Тунда отда мисоли елдек
Учиб бораётган эй ўғлон,
Айтайин бир кулгили гапни
менга раҳм айлагин бу он..
Ҳа, кам нарса кўрдим ҳаётда.
Арғумоқ-ку турсин у ёқда
Қирчанғига минмадим ҳатто.
Отда юриш– менинг ишимми!
бу унчалик эмас катта ғам
Эсимда, бир ўтрилиб қарасам,
Абжир, чакқон чавандозга.
У учарди, ҳайқириб баланд
Чип ёпишиб отнинг ёлига,
Кувачалар титраб қоларди
Четанларга осик ҳолида...
Ўша йигитни ҳеч унутмай
Ҳасадим ҳам пинҳона тутмай
Тез-тез миниб турсам-да, унга
Сўрамайман травмай ўзимга,
Ўриндиғи ёқмайди унинг
Курсин гулдираган шовқини...
Лек биламан, қайдадир отлар
Ёнаётган гулларни чайнар.
Бордир битта, учқур ва бўйчан
ўзим яшайдиган Московда
Тиззагача у шудринг кечиб
Майсазору бедазор кечиб
У меники. Жавоб кутар у
Юрганим-чун бедард, беқайғу.
Эшитилар шамолда учгани
Жаранглаб кетади югани
Кетдик.





У мени-ку ташлайди ерга
Олис дарё ёқасига нак
ўзи сўрар лек барибирга
Кўлларимни бир куни илҳақ.
учяпман сара от –зўрни,
эгар урмай ўша айғирни
Ёли ботиб кўпикка оппок,
Юзларимга урилар бу чоқ.
Уйлар, четан, товуклар ҳайрон,
Ўғлон ўзинг зўр кароматли,
Ҳой от!
Йиқитмассан мени ҳеч қачон,
Сув ичасан пишқириб шахтли!
Учаяпман! Олис ёқларга,
Кўринмаган, хув узоқларга...





СЎНГГИ КУН ЯШАЙМАН БУ ҒАЛАТИ УЙДА...

Сўнги кун яшайман бу ғалати уйда.
Бегона,
ўзим яшаган бошқа уйлар каби.
Қорачиқларимни яширдим кафтимга,
Куннинг ҳарорати куйдирар афтим.

Замин чиройида – лоқайд тантана,
Қоғоз оппок,
Биламан,
Шукрона онида шукур қиламан.
Кўнгил эса сукут, мусибатда яна.





ЁМҒИРНИНГ ТОВУШИ ХУДДИ ДЎМБИРАДАЙ...

Ёмғир жаранглари худди дўмбирадай,–
диринг-диринг қилар, бинога урилар.
Исёнчилар майдонида ўткинчиларга,
айтаман:–Илтимос, меҳрли бўлинглар.

Болакайга уқтираман:–Шўхлик қил –
Жингалак бошингни кўтаргин азот.
ва дейман:– тезроқ бўшатгин ипни,
зангор пуфакларни айлагин озод.

Одамлар ғувурига тўла кўчада,
битта ит рўпара келади оппоқ.
худдики энг яқин, меҳрибонимдек
менга қараб турар у узок-узок.


Ва дўконнинг биринчи қаватида,
Ивирсир бир кимса ҳасис ва рангпар.
у атир шишага ҳавас қилганча
“Теже” вивескаси остида турар.

Мен айтаман: – О, халос бўл дарров,
бу ҳасислик ҳамда инқирс*дан.
қиммат совғаларни олгину бирров,
Кўнглин ол севикли ёрингни тезда.

Омадим чопмаяпти, чопмас омадим,
Болалар ва қизлар орасида кўркам.
катталар, қандайдир ўзимга ўхшаш
чана учаётир яхмалақда беғам.

* инқирс–подагра.





Кетиб бораяпман кун адоғида
Соялар узайиб борар ҳар ёна.
сезаман, негадир қарайди менга,
ўткинчилар таажжубда, ҳайрона.





МУНДАРИЖА

<i>Александр БЛОК</i>	3
Танҳолик	4
<i>З.Н.Гиппиусга</i>	7
Россия	8
Осип Мандельштам	21
Йўқ қилинган шеърлардан парчалар.....	23
Файтунчи	27
Ариост	30
Казино	33
Эски Қрим.....	35
Париж шу ерда	36
Йўқол!	41
Ҳасса.....	42
Чиғанок	46
Кассандрага	49
Калиш.....	51
Notre dame.....	54
Уйқусизлик. Гомер. Елканлар	56
Жунжикаман. Замҳарир баҳор	58
Сиз тўртбурчак деразали.....	60
Петербургда яна учрашамиз бизлар.....	66
Ленинград	63
Петербург сатрлари	65
Болаларга аталган шеърлардан.....	68
Чет эл болаларига.....	69
Трамвайдаги бола.....	70
<i>Владимир Хлебников. Ҳаёт</i>	71
Очарчилик.....	72
Эрон қўшиғи.....	74
Алферово	75
<i>Евгений Евтушенко</i>	76
Афғон кумурсқаси	79





Ўғил ва ота.....	85
Кибрланма	86
Дахрийликка уриниш	88
Одамлар куларди девор ортида. <i>Е.Ласкинага</i>	90
Дераза.....	92
Йўқотиш.....	94
Хоҳлайдими урушни руслар? <i>М.Барнесга</i>	97
Йиғи. <i>В.Шукинга</i>	98
Илтижо	100
Таслим бўлмайману	101
Узоқ ҳайқириклар. <i>Ю.Казаковга</i>	102
Кўнғироқча	103
<i>К.Шулженкога</i>	104
Виждон қийноқлари. <i>Д.Шостаковичга</i>	106
Дафн	111
Оқ йўл. <i>М.Канцга</i>	115
Психотерапия	120
Худойим.....	128
Унутингиз мени.....	129
<i>Машага</i>	133
Миннатдорлик. <i>М.В.</i>	135
Биринчи ва охирги эмас	137
Севгилим, ухла.....	139
Муқаддима.....	145
<i>С. Преображенскийга</i>	148
Сўзларимни сочаман елга	150
Римнинг унутилган йўлида.....	152
Ҳасад	154
Она.....	156
Уят	158
Уч гавда.....	159
Қанотлар	160
Дўстимни дафн этарман	164
Учинчи хотира. <i>О.Целковга</i>	165





Лермонтов.....	167
Итим	174
<i>Белла Ахмадулина. Кулмас малика</i>	175
Видолашув.....	180
Ойпарастлар.....	181
Қорқиз	182
<i>Анна Каландадзе</i>	183
Куз	185
Гунглик	186
Илтижо	187
Меҳр	188
Гуллар	190
Сут.....	191
Ибодат.....	192
Келин.....	194
Ада.....	196
<i>Уй. Борис Месерерга</i>	198
Оғрик.....	204
О, менинг уятчан қаҳрамоним.....	206
<i>Гия Маргвелашивилига</i>	207
Шеърят кунда.....	208
Баҳор, баҳор, унинг бошида.....	209
Хотира.....	211
Абхаз дафнлари.....	213
Янги дафтар.....	214
Тун. <i>Андрей Смирновга</i>	215
30 апрель кечаси.....	217
Саҳнага чиқиш	218
Бўрон. <i>Борис Пастернакка</i>	220
Оила ва турмуш. <i>Аняга</i>	222
Шам. <i>Геннадий Шпаликовга</i>	225
От.....	227
Сўнгги кун яшайман бу ғалати уйда.....	229
Ёмғирнинг товуши худди дўмбирадай... ..	230



Адабий-бадий нашр

АБДУМАЖИД АЗИМ

*Шанланган
асарлар*

4 ЖИЛДЛИК

4-ЖИЛД



ҚОРА ҚУЁШ

Рус мумтоз шеърляти

МУҲАРРИР Д. УЛУҒМУРОДОВ
ДИЗАЙНЕР И. АДИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2022 йил 29 июлда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

“Times” гарнитураси.

Шартли босма табоқ 14,75. Адади 2000 нуска.

Оригинал макет

“FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.

Тел.: 90-372-85-17